ТЎҒРИ ЙЎЛДАН
БОРМОҚДАСИЗЛАР,
ЎРТОҚЛАР!

В. Ульянов
(Ленин)

R 496
1981/4

Гулистон
4
1981



Москва. Кремлнинг Съездлар саройи. 1981 йил, 23 февраль. КПСС XXVI съезди президиуми. Минбарда — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

Совет халқининг бугунги муваффақиятлари Октябрь ишининг бевосита давомидир. Бу улуғ Ленин ғояларининг амалий тажассумидир. Бизнинг партиямиз бу ишга, бу ғояларга содиқдир ва ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Л. И. БРЕЖНЕВ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ҲАМДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг 1981 йил 23 февралдаги докладидан

ГБ УЗССР

Делегат ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Партиямизнинг навбатдаги, йигирма олтинчи съезди ўз ишини бошлади. (Қарсаклар.) Ҳамиша бўлганидек, съезд қилинган ишларни якунлаши, келгусидаги вазифаларни белгилаши лозим.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қатъий айтиш мумкинки, XXV съезд ижтимоий тараққиётнинг асосий тенденцияларини ва йўналишларини тўғри белгилади. (Қарсаклар.) Партиянинг ленинча бош йўли комил ишонч билан амалга оширилмоқда: аввалги съездда ўртага қўйилган вазифалар умуман муваффақиятли ҳал этилди. (Қарсаклар.)

Унинчи беш йиллик якунида мамлакатнинг миллий бойлиги анча кўпайди. Унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали ўсди, Совет давлатининг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди. Халқимизнинг фаровонлик ва маданий даражаси ортди.

Совет халқлари онласи янада жипслашди, янада аҳилроқ ҳаёт кечирмоқда. (Қарсаклар.)

СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги жуда катта воқеа бўлди. У социалистик демократияни ривожлантиришнинг янада юқори босқичини очди. Совет кишилари жамият ва давлат ишларини бошқаришда тобора активроқ қатнашмоқдалар.

Ўтган беш йиллик мобайнида партия билан халқнинг бузилмас бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. У жамиятимиз қудратли кучининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда! (Қарсаклар.)

Халқаро соҳада ҳисобот даври мураккаб ва жўшқин давр бўлди. Бу давр, аввало, жаҳон сиёсатидаги икки йўлнинг шиддатли кураши билан ўтди. Бу йўлларнинг биринчиси қуролланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш, халқларнинг суверен ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўли бўлса, иккинчиси, кескинликни юмшатишга путур етказиш, қуролсизланиш пойгасини кучайтириш йўли, дўқ-пўписа ва ўзгаларнинг ишларига аралашиш, озодлик курашини бостириш сиёсатидир.

Бу йиллар Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг куч-қудрати, активлиги ва обрў-эътибори янада ўсган йиллар бўлди.

Халқларнинг революцион кураши янги зафарлар билан нишонланди. Эфиопиядаги, Афғонистондаги, Никарагуадаги революциялар, Эронда халққа қарши монархик тузумнинг ағдариб ташланганлиги бунинг далилларидир. 70-йиллар ҳақиқатда мустамлакачи империяларнинг тугатилиши билан якунланди.

Дунёда империалистик ҳукмронлик доираси торайди. Капитал мамлакатларидаги ички зиддиятлар ва улар ўртасидаги рақобат кескинлашди. Империализмнинг — аввало, Америка империализмининг сиёсатидаги агрессивлик кескин кучайди.

80-йилларнинг бошларида халқаро уфқдаги булутлар қуюқлашган бир шароитда Совет Иттифоқи янги уруш хавфини йўқотиш учун, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун курашни сабот билан давом эттирди, амалда дунёдаги кўпчилик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирди.

Биз ҳисобот даврида бошқа тинчликсевар давлатлар билан, Ғарбдаги реалистик фикрловчи доиралар билан биргаликда қуролланиш пойгасига қарши курашни давом эттирдик.

Башарти, ҳар бир совет кишисидан — коммунист ёки партиясиздан, кейинги йилларда партиямиз йўли аввало нималар билан нишонланди, деб сўрасангиз, бу йўл, аввало, тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинаётганлиги билан нишонланди, деган жавобни эшитасиз. (Давомли қарсаклар.) Турли ёш ва касбдаги кишилар чин кўнгилдан: «Бунинг учун раҳмат сенга, партия», демоқдалар. (Давомли қарсаклар.)

Эндиликда Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари ер юзидаги тинчликнинг ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ таянчи бўлиб турганлиги ҳозир мутлақо равшан.

Умуман, ўртоқлар, XXV съезддан кейинги давр мураккаб бўлди. Мамлакатнинг хўжалик ривожида ҳам, халқаро аҳволда ҳам бир талай қийинчиликлар рўй берди.

Шунга қарамай, белгиланган мақсадларга эришилди. Бу — социалистик тузумнинг жуда катта имкониятларидан, совет халқининг фидокорлигидан, ленинча партиямизнинг принципиал синфий сиёсати тўғрилигидан яна бир карра далолат беради.

* * *

Ўртоқлар! Вақт жуда тез ўтиб бормоқда. Биз бу съездда партиянинг планларини, мамлакатнинг ўн биринчи беш йиллиқдаги планларини муҳокама қилишимиз ва 1990 йилгача бўлган даврга назар солишимиз керак. Аслини олганда, Ватанимизнинг йигирманчи аср охири, учинчи минг йиллик арафасидаги қиёфаси шу кунларда биз ҳал этадиган масалаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Йигирманчи аср ўзидан аввал ўтган ҳар бир юз йилдагидан кўра кўпроқ ўзгариш ясади. Бошқа бирон мамлакат бу ўзгаришларга Улуғ Октябрь Ватани, социализм ғалаба қилган биринчи мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи каби салмоқлироқ ҳисса қўшгани йўқ. (Гулдурос, давомли қарсаклар.) Мана, еттинчи ўн йиллиқдирки, Ленинининг зафарли байроғи бу Ватанни нурафшон қилиб турибди. (Давомли қарсаклар.)

Биронта мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи, биронта ғоявий ёки сиёсий оқим йўққи, муайян даражада социализмнинг таъсирини сезмаган бўлсин. Йигирманчи асрнинг охиридаги реаллик ана шундай.

Янги ҳаёт осонликча вужудга келмайди. Социал тараққиёт йўли оғир, баъзан эса машаққатлидир. Шунинг учун ҳам социалистик жамиятнинг ютуқлари янада салобатлироқ, янада яққолроқ намоён бўлмоқда, унинг бунёдкорлари ва ҳимоячиларининг жасорати янада улуғворроқ кўринмоқда.

Коммунистик партиямиз, биз, совет кишилари ҳаётни социалистик негизда қайта қуришни бошлаб беришдек шарафли йўлни ўз зиммамизга олдик. Тинчликни ҳимоя қилиш, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш каби фахрли вазифа бизнинг зиммамизга тушди. (Давомли қарсаклар.)

Коммунизм — бизнинг улуғ мақсадимиздир. Меҳнатда қўлга киритилган ҳар бир муваффақият қаҳрамонона ишларимизнинг ҳар йили, ҳар бир беш йиллигимиз бизни шу мақсадга яқинлаштиради. Партия янги беш йилликка ҳам шу нуқтаи назардан баҳо беради. Олдимизда кўп ишлар турибди. Улкан ва мураккаб вазифаларни ҳал этишимиз керак. Биз эса бу вазифаларни ҳал этамиз ва албатта ҳал этажакмиз. (Гулдурос, давомли қарсаклар.)

Дарҳақиқат, совет кишилари эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар. Лекин уларнинг оптимизми — тақдир эркаларининг худписандлиги эмас. Бизнинг халқимиз ўзи эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнати билан яратилганлигини, ўз қони билан ҳимоя қилинганлигини билади. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз меҳнатнинг куч-қудратига ишонамиз. Бунинг боиси шуки, биз ўз мамлакатимизга, ўз халқимизга ишонамиз. Оптимист эканимизнинг боиси шуки, биз ўз партиямизга ишонамиз, партия кўрсатиб берган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканлигини биламиз! (Давомли қарсаклар.)

Коммунизм қурувчилар партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! (Давомли қарсаклар.)

Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, яшнайверсин! (Давомли қарсаклар.)

Яшасин тинчлик! (Давомли қарсаклар.)

Яшасин коммунизм! (Залда ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг якунловчи сўзларини узоқ давом этган, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради. Съездлар саройининг гумбазлари остида «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!», «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!», «Улуғ Совет халқига шон-шарафлар!», «Яшасин КПСС билан совет халқининг бузилмас бирлиги!», деган хитоблар зўр куч билан янграйди.)

R 496/1981/4

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИ

Л. И. БРЕЖНЕВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Ю. В. АНДРОПОВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

В. В. ГРИШИН.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

А. А. ГРОМИКО.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

А. П. КИРИЛЕНКО.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Д. А. ҚУНАЕВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

А. Я. ПЕЛЬШЕ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комиссиясининг раиси.

Г. В. РОМАНОВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

М. А. СУСЛОВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВнинг 1981 йил 27 февралдаги докладидан

Делегат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди иши ижодкорлик, ишчанлик ва жипслик муҳитида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладини съезд делегатлари, партиямиз, бутун совет халқи зўр тарихий аҳамиятга молик ҳужжат деб қабул қилдилар. [Давомли қарсаклар.]

Леонид Ильич Марказий Комитетнинг кўп қиррали фаолиятини, партия

Н. А. ТИХОНОВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Д. Ф. УСТИНОВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

К. У. ЧЕРНЕНКО.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Ҳ. А. АЛИЕВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

П. Н. ДЕМИЧЕВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.



Т. Я. КИСИЛЁВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

В. В. КУЗНЕЦОВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Б. Н. ПОНОМАРЕВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Ш. Р. РАШИДОВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

М. С. СОЛОМЕНЦЕВ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ.
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

билан халқнинг мамлакат иқтисодий қудратини ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг турмушини яхшилаш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги баҳодирона ишини бениҳоя чуқур тавсифлаб берди.

Ҳисобот доклади марксизм-ленинизм таълимотини ижодий ривожлантириш ва бойитишга, ривожланган социализм даврида партиянинг бош йўлини илмий асослашга қўшилган буюк ҳиссадир. У Ленин бунёд этган коммунистлар партияси ўзини бағишлаган мақсадларнинг улуғлиги ва идеалларнинг олижаноблигини яққол ойдинлаштириб беради. (Қ а р с а к л а р.)

Бизнинг вазифаларимиз ҳар беш йиллик сайин тобора кенг миқёс касб этиб, мураккаблашиб бормоқда. Партия Марказий Комитети XXVI съезд муҳокамасига тақдим этган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси шундан далолат беради.

Лойиҳа XXIV ва XXV съездларнинг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорлари асосида тайёрланган.

Асосий йўналишларда СССРдаги коммунистик қурилиш практикаси умумлаштирилган, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинган, ўнинчи беш йиллик якунлари чиқарилган, иқтисодий ва социал тараққиётнинг янги беш йилликка ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган вазифалари белгилаб берилган, шу вазифаларни амалга ошириш тадбирлари системаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳа совет кишисининг саодати учун, социалистик Ватанни янада равнақ топтириш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ўстириш, фан ва техника тараққиёти, ташқи иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш мана шунга қаратилган.

Лойиҳа матбуотда, меҳнат коллективларида, партия йиғилишлари ва конференцияларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида қизиқиш билан амалий муҳокама қилинганлиги, социалистик демократия ҳаётий кучининг, партия билан халқ бузилмас бирлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида бу муҳим ҳужжатни бойитадиган қимматли таклифлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилди.

Чет элларда Асосий йўналишлар лойиҳаси хусусида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди. Дўстлар уни реал социализм ғоялари ва практикаси тантанасининг яна бир ишонарли далили деб билмоқдалар. Улар меҳнатдаги ғалабаларимиздан биз билан бирга қувонмоқдалар ва совет кишиларига чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тиламоқдалар. (Қ а р с а к л а р.)

Уткир социал зиддиятлар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, кризислар ва таназзуллар гирдобига тушиб қолган, қуролланиш пойгасини авж олдираётган капиталистик жамиятга социализм ўз жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, меҳнат аҳлига ғамхўрликни, социалистик хўжалик юритиш системасининг, планли экономиканинг афзалликларини, қуролланиш пойгасини жиловлаш сиёсатини қарама-қарши қўймоқда.

Икки дунё — социалистик ва капиталистик дунёнинг мана шу юзма-юз туришида социализм ўз халқ хўжалигини барқарор ривожлантирмоқда, халқ

И. В. КАПИТОНОВ.
КПСС Марказий Комитетининг секретари.

И. В. ДОЛГИХ.
КПСС Марказий Комитетининг секретари.

М. В. ЗИМЯНИН.
КПСС Марказий Комитетининг секретари.

К. В. РУСАКОВ.
КПСС Марказий Комитетининг секретари.



Г. Ф. СИЗОВ.
КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг раиси.

фаровонлиги ва маданиятини муттасил оширмоқда, марксизм-ленинизм ғояларининг ҳаққонийлиги, социал адолат, юксак инсонпарварлик, чинакам демократизм, ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган сўзларни ўзига шиор қилиб олган социалистик ҳаёт тарзимиз билан ажралиб турибди. Келажак — социализмникидир. (Қарсаклар.)

* * *

Делегат ўртоқлар!

Ўтган ўн беш йиллик коммунизм қуриш ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат улуғ ишга, совет кишиларининг турмушини яхшилашга муносиб хизмат қилди. Янги, ўн биринчи беш йиллик ҳам шу мақсадларга бўйсундирилган.

Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси умумхалқ туб манфаатларини, совет жамиятини келгусида ҳар томонлама ривожлантириш эҳтиёжларини ифодалайди.

Ҳар бир меҳнаткаш инсон учун ғоят азиз ва қадрли бўлган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки тушунча — бунёдкорлик ва тинчлик режаларимизнинг моҳиятини белгилайди. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда, империалистик реакция ва агрессия кучларн активлашган бир пайтда Совет Иттифоқи, Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, янги жаҳон урушининг олдини олиш, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини пухта таъминлаш учун бор кучини аямайди. (Давомли қарсаклар.) Биз мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам тинимсиз эътибор берамиз. Шавкатли Қуролли Кучларимиз империалистик кучларнинг ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишларига ишонч билан қарши туришлари учун зарур ҳамма нарса билан таъминланишларига шубҳаланмаса ҳам бўлади. (Қарсаклар.)

Партиямиз билан халқимиз амалга оширган барча ишларнинг улуғворлиги билан фахрланадилар, келажакка комил ишонч билан қарайдилар.

Олдимизда коммунизм йўлида, тинчлик йўлида астойдил ижодий меҳнат қилиш вазифаси турибди.

Улуғ Ленин жуда катта бунёдкорлик ишини амалга оширмоқ учун «етарли даражада онглилик, ғоявийлик, фидокорлик, сабот ва матонат кўрсатиш» зарурлигини айтган эди. (Қарсаклар.)

Бутун революцион курашнинг, янги жамият қуришнинг қаҳрамонона йўли мана шу ажойиб фазилатлар Ленин партиясида, улуғ меҳнаткаш, курашчи ва бунёдкор — совет халқида мужассамлашганини кўрсатди! (Давомли қарсаклар.)

Улуғ коммунизм идеалларидан илҳомланган, партия раҳбарлик қилиб ташкил этиб турган омманинг жонли ижодкорлиги — КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари муваффақиятли равишда амалга оширилишининг мустаҳкам гаровидир. (Давомли қарсаклар.)

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги! (Давомли қарсаклар.)

Яшасин совет халқи! (Давомли қарсаклар.)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! (Ҳамма ўрнидан туради. Гулдурос давомли қарсаклар.)

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқидан

Ўртоқлар! Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат гимнида: «Ленинчи Партия — халқнинг куч-қудрати, бошлар ғолиб коммунизм сари!», деган ажойиб мисралар бор. (Қарсаклар.)

Нақадар аниқ, нақадар равшан ва тўғри сўзлар! Бу сўзлар партиямизнинг қудратли ва порлоқ ақл-идроки тўғрисида, унинг халқ билан абадий ва бузилмас бирлиги ҳақида аниқ тассаввур беради. Бу сўзларда ғоят чуқур маъно ва улуғ ҳақиқат мужассамлашган. Уларда бизнинг меҳр-муҳаббатимиз ва ифтихоримиз, виждон ва умидимиз ифода этилган. Бу сўзларда совет халқининг шонли коммунистлар партиясига чексиз иззат-ҳурмати мужассамлашган. (Қарсаклар.)

Биз, партия XXVI съездининг делегатларидан ҳар биримиз, ҳар бир совет кишиси КПСС Марказий Комитетининг ленинча доно Ҳисобот докладини тинглаб, қонуний фахрланиш туйғулари билан айта оламизки, жаҳонда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг революцион ижодкорлиги билан, буюк инсонпарварлик ғоялари ва шонли зафарлари билан, тенг кела оладиган бирон бир жозибали куч йўқ. (Қарсаклар.)

Бизнинг партиямиз Ленинниинг барҳаёт васиятларини амалга ошириш учун фидокорона курашиб, ҳамиша ўзининг юксак тарихий масъулиятини ҳис қилиб келди ва бундан буён ҳам ҳис қилади. Шунинг учун ҳам совет халқи партияга чексиз ишонади, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. (Қарсаклар.)

Леонид Ильич Брежнев: «Партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор!», деб сидқидилдан таъкидлаганида минг бор ҳақли эди. (Давомли қарсаклар.)

Совет халқи ўтган беш йилликда социалистик жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида партия раҳбарлигида эришган ажойиб натижалар буни жуда яққол исбот этади.

Бизнинг партиямиз ленинча анъаналарга амал қилиб, «...текширилган, қайта ишлаб чиқилган, жамланган амалий тажриба»ни ўзининг XXVI съездига олиб келди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг чуқур мазмунли докладида жаҳондаги аҳвол марксча-ленинча анализ қилинди, партиянинг ривожланган социализм жамиятининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фаолияти якунлари аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Халқ бахт-саодати тўғрисида, мустаҳкам тинчлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш улуғ ишимизнинг ҳаққонийлиги ва ғалаба қозонишига чексиз ишонч руҳи билан суғорилган Ҳисобот доклади партияни, барча совет кишиларини саксонинчи йиллардаги ҳаракатимизнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган программаси билан қуроллантиради. Унда коммунистик бунёдкорликнинг чинакам бебаҳо катта тажрибаси мужассамлашгандир. Докладда баён этилган энг муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар бутун инсониятнинг тарихий тақдири учун жуда катта аҳамиятга эгадир. (Қарсаклар.)

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съезди қарорларининг амалга оширилиши, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришни таъминлашга, халқаро майдонда СССРнинг обрў-эътиборини янада юксак даражада кўтаришга астойдил амин-дирлар.

Бошланғич партия ташкилотларининг яқинда ўтказилган йиғилишларида, район, шаҳар ва область партия конференцияларида, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида, Асосий йўналишларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг сиёсий йўли, иқтисодий стратегияси ва амалий фаолияти якдиллик билан маъқулланди ва қизғин қўллаб-қувватланди. (Қарсаклар.)

Делегат ўртоқлар! Ўнинчи беш йиллик йиллари мамлакатда барча иттифоқдош республикалар каби Ўзбекистон учун ҳам экономика, фан ва маданиятни янада жўшқин ривожлантириш, халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш йиллари бўлди.

Ватан бизнинг меҳнатимизга юксак баҳо берди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятлари, пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, мева, каноп харид қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун Ўзбекистон учинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. (Қарсаклар.)

Жонажон партиянинг сиёсатига, партия Марказий Комитетининг доно раҳбарлигига астойдил, чексиз ишонган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг барча қардош халқлари билан ягона сафда бундан буён ҳам ҳақиқат йўлидан, Ленин партияси бизни бошлаб бораётган шон-шавкат ва қаҳрамонлик йўлидан, бахт-иқбол йўлидан олға бораверадилар. (Қарсаклар.)

Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг улуғвор режаларини муносиб равишда шараф билан бажариш, ўн биринчи беш йилликни зарбдорларча ишлаш, ленинчасига ишлаш беш йиллигига айлантириш ва шу билан коммунизм қурилишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, деб КПССнинг тарихий XXVI съездини ишонтиришга ижозат бергайсизлар. (Давомли қарсаклар.)

Сўз — КПСС XXVI съезди делегатларига

Аслон БОМУРОДОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Газли Нефть-газ ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта оператори

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

КПСС XXVI съезди совет халқи ўнинчи беш йиллик мобайнида эришган буюк ғалабаларни сарҳисоб қилди, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берди. Назаримда, асосий йўналишлар мазмунини қуйидаги сатрлар ёрқин ифодалайди: «Ун биринчи беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кўпайтиришни ва халқ фаровонлигини янада оширишни, совет давлати мудофаа қудратининг юксак даражада бўлишини таъминлайди».

КПСС XXVI съезди халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига ҳам алоҳида эътиборни қаратди, жумладан, мамлакат газ таъминоти яхлит системасининг иш самарадорлиги ва пухталиги оширилсин, деб таъкидлади.

Шу ҳақда сўз борган дақиқаларда, Ўзбекистон газчиларининг қаҳрамонона меҳнатини эсладим. Қизилқум саҳросини кўз ўнгимга келтирдим. Ўрта Осиё — Марказ, яъни энг йирик трансконтинентал газопроводлардан бири шу ердан бошланади. Ўрта Осиё саҳроларини, Устюртни, ўжар Амударёни, Қозоғистон чўлларини кесиб ўтиб, Россия Федерациясининг Европа қисмига қараб кетадиган бу ер ости трассаси бўйлаб учганмисиз? Учган бўлсангиз, унинг чинакам маҳобати ва аҳамиятини тасаввур қилгансиз. Мана, йигирма йилдирки, Қизилқум Москва ва Ленинград хонадонларига ҳарорат, Урал ва мамлакатимиз марказидаги корхоналарга қувват бағишламоқда. Бунчалик олис масофага газ етказиб бериш жуда қийин иш. Ахир, трассанинг узунлиги 4 минг километрдан кўпроқ масофани ташкил этади. Газопроводнинг керакли босимини сақлаш учун ўнлаб қудратли компрессор станциялар ёқилғини ҳайдаб бериб туради. Ўзбекистон газчиларининг пойтахти бизнинг Газлида ишлаб турган станция шуларнинг бири.

Биз газчилар КПСС XXVI съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини катта меҳнат ғалабалари билан кутиб олдик. Республика газчилари КПСС XXVI съезди шарафига давом этган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, улуғ анжуман очиладиган кунгача пландан ташқари 35 миллион кубметр газ етказиб бермоқчи эдик. Январь ойидаёқ бу мажбуриятни 50 минг кубметрга етказиб бажардик. Мана шу зафарнинг қўлга киритилиши менинг сменамга тўғри келганидан айниқса мамнун бўлдим. Лекин биз газчилар шу муваффақият билангина чекланиб қолмадик. Партиямизнинг XXVI съезди очиладиган кунгача Ўрта Осиё — Марказ газопроводи бўйича пландан ташқари яна 26 миллион кубметр табиий газ жўнатдик.

Бизни бундан ҳам улуғворроқ зафарлар кутмоқда. Биз, газчилар, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўз зиммамиздаги энг муҳим вазифани — жонажон партиямиз белгилаб берган газ саноатида табиий газ олишни жадал ривожлантириш программасини тўла-тўкис амалга оширамиз.

Барча совет халқи, жумладан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг ақл-заковати, ғайрат-шижоати, ижодий ташаббускорлиги шу кунларда ягона муддаога — КПСС XXVI съезди ҳаётбахш режаларини, ўн биринчи беш йилликнинг мураккаб, аммо реал топшириқларини барвақт ва муваффақиятли адо этишга қаратилган. Улкан қурилишларда, саноат корхоналарида, бепоён пахта далаларида — ҳамма жойда социалистик мусобақа мисли кўрилмаган даражада қизғин давом этмоқда.

Шундай бўлиши ҳам керак! Мамлакат коммунистларининг тарихий анжуманида тасдиқланган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» совет халқининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Ленин партиясининг келгуси ўн йиллик даврдаги истиқболимизни ёрқин намоён этувчи бу социал-иқтисодий стратегиясининг тўла-тўкис амалга оширилиши, шубҳасиз, мамлакатнинг бутун халқ хўжалигини янада ривожлантиришни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, совет кишиларининг фаровонлигини оширишни, Совет давлатининг ишлаб чиқариш ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлашни таъминлайди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини орттиради.

Биз, делегатлар, съезд кунларида, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби, ҳар биримиз ер юзидаги энг адолатли, энг бахтиёр жамият — коммунистик жамият бунёдкорлари улуғ армиясининг жангчилари эканлигимизни ёрқин ҳис этдик. Айниқса, республикамизда пахта, дон, бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, енгил саноат ва машинасозликни жадал ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, шунингдек, сув билан таъминлашни яхшилаш, Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштиришни давом эттириш ленинча съезднинг диққат-эътиборида турганлиги ҳар биримизни зарбдорларча, ленинчасига, коммунистчасига ишлашга, янги қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантириб юборди.

Биз ҳозир ана шундай эзгу ҳис-туйғулар билан яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Бригадамиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 65 центнердан «оқ олтин» ундирган эдилар. Бу йилги, съезд йилидаги маррамиз эса янада юксакроқ. Шунинг учун биз кўзлаган мақсадга эришиш учун — самарадорликни ошириш учун илғор тажрибани, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этаётирмиз, мавжуд кучлар ва резервлардан оқилона ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётирмиз.

Саодат МЎЙДИНОВА,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Андижон область Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

САФАРБАРЛИК

Яқинда областимизнинг бир гуруҳ саноат, қишлоқ хўжалик ва қурилиш ташкилотларининг илғорлари, жумладан, КПСС XXVI съезди делегатлари: Шаҳрихон Қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаваторчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ё. Марасулов, Ленинск шаҳар Мотор ремонти заводи токари Т. Жўраев, Андижон Трикотаж фабрикасининг ишчиси Т. Холматов ва мен «Ўн биринчи беш йилликда ўн бир йиллик топшириқни бажарамиз!» деган ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдик. Бизнинг бу ватанпарварлик ташаббусимизни ҳозир барча ишчилар, қурувчилар, пахтакорлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Менимча, бу ташаббус, биз, пахтакорлар, партия XXVI съезди ўртага қўйган вазифани — янги беш йилликда республикамизда ҳар йили ўрта ҳисобда камида 5,9 миллион тоннадан пахта етиштирилишини таъминлаш вазифасини муваффақиятли бажаришимизга ёрдам беради.

Биз комсомол-ёшлар, партия режаларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ҳар қачонгидек олдинги сафда бораверамиз. Бинобарин, ёшлик кучимиз, қалб қўримиз, ижодий салоҳиятимиз ана шу порлоқ мақсадни амалга ошириш ишига сафарбар этилган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

№ 4 (374)
Апрель
1981

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Гулчеҳра БЕКПЎЛАТОВА,

Гулистон Тикувчилик фабрикаси ишчиси, Сирдарё область партия комитети бюроси аъзоси, область Совети депутати

ИЛЬИЧ АЙТГАНДЕК

Доҳиймиз Ленин шарофати билан Мирзачўл гулистонга, социализм машъалига айланди. Ваҳоланки, инқилобгача Ўрта Осиё чўлларини ўрганган олимлардан бири, Мирзачўлда фойдали қазилмалар йўқ, мабодо ўзлаштирганингизда ҳам, бу ер ҳеч нарса бермайди, деган эди. Ҳолбуки, Мирзачўл бугун ярим миллион тоннадан кўпроқ пахта, неча юз тонналаб мева-чева, сабзавот етиштирмоқда.

Эндиликда жаҳон Мирзачўлни социализм мўъжизаси деб билади. Гулистон шаҳримиз эса ободлик ва фаровонлик тимсолига айланди.

Мирзачўл ажойиб одамлари билан ҳам машҳур бўлиб кетди. Бу ерда ўттиздан ортиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шунингдек, Ленин мукофоти, СССР Давлат мукофоти лауреати бўлган кишилар яшайдилар, меҳнат қиладилар. Мен ана шундай мўътабар одамлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётганим билан, КПСС XXVI съездида уларнинг делегати сифатида иштирок этганим билан фахрланаман.

Ўнинчи беш йиллик бошларида Ўзбекистоннинг ўн тўрт илғор ишчиси «Беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажарамиз!» деган ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдик. Биз ўз ваъдамизни ортиғи билан адо этдик. Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ва монтажчилари охирги — ўнинчи энергия блокини КПСС XXVI съезди шарафига ишга туширдилар. Мен ўзим ҳозир ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажармоқдаман.

Владимир Ильич Ленин васиятларини, жонажон Коммунистик партия ғояларини амалга ошириб, чўлни гулистонга айлантирган замондошларим — руҳан бой, мард кишилардир. Шунга яраша, уларнинг эгнидаги либослари ҳам кўркам бўлиши керак. Демак бунда бизга — енгил саноат ходимларига кўп нарса боғлиқ. Коммунистик партиямизнинг ўн биринчи беш йилликдаги олий мақсади — халқимизнинг моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришдан иборат.

Эндиликда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргир бўлиб қолганидан, биз тиккан кийимлар одамларимизга ярашиб турганидан мамнунмиз. Аммо маҳсулотларимизнинг кўп қисмини Давлат сифат белгиси талаблари даражасига кўтаришимиз керак. Ўн биринчи беш йилликдаги вазифаларимиздан бири — сифатни янада ошириш деб биламиз.

Барча совет халқи, жумладан, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга киришдилар. Бу ҳаётбахш қарорлар тўла-тўкис рўёбга чиқади. Совет халқи ўз сиёсий-маънавий ҳаётининг янги камолот босқичига кўтарилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, партия бор жойда, албатта ғалаба бўлади.

Иброҳим МАННОЗОВ,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ангор районидаги механизмлашган кўчма колоннанинг экскаваторчилар бригадаси бошлиғи

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

...Съезд залида ўтирибману ўзимдан ўзим қувонаман, республикамиз пахтакорларининг улкан ютуқларини эслайман: ўнинчи беш йилликда олтин қўлли пахтакорларимиз давлатга жами 28,5 миллион тонна, яъни тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 4 миллион тонна кўп «оқ олтин» етказиб бердилар. 28,5 миллион тонна! Айтишга осон. Бу салмоқли рақам замирини республикамиз меҳнаткашларининг беш йил давомидаги матонатли меҳнати, қаттиқ қишда, серёғин баҳорда ва жазирама ёзда чеккан машаққатлари ташкил этади. Мен ана шу қийинчиликларни енгишда, улуғ зафарларни қозонишда заррача бўлса ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Республикамизда бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш бўйича ўн тўртлар ташаббусига мен ҳам қўшилдим. Ўзимга биркитилган «Э-652Б» маркали экскаватор кучидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилдим. Биз 1980 йилнинг июль ойида икки беш йиллик планини бажардик, яъни 1 миллион 698 минг кубметр тупроқ қазиб чиқардик. Жонажон партиямизнинг XXVI съездига йил бошидан буён 84 минг кубметр тупроқ қазиб чиқариб, ярим йиллик планни бажарганлигимиз ҳақидаги рапорт билан бордим.

Мамнуният билан айтиб ўтишим мумкинки, ўнинчи беш йилликни қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича муваффақиятли якунлаган бизнинг Сурхондарё областимиз меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Улар гектар ҳисобига ҳосилдорликни 33,3 центнерга етказиш ва давлатга 515 минг тонна пахта, шу жумладан 225 минг тонна ингичка толали пахта топширишга, 5900 гектар янги ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритиш ва 5000 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга аҳд қилдилар. Шубҳасиз, бу биз, сув иншооти қурувчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бригадамиз аъзолари бепоён мамлакатимизнинг, республикамизнинг барча меҳнаткашлари билан бир жон-бир тан бўлиб, партиямиз XXVI съезди тарихий қарорларида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни, янги беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Райгул ЖУМАМУРОТОВА,

Қорақалпоғистон Олий Совети депутати, Чимбой районидаги «Майёб» шоликорлик совхози бригада бошлиғи

ЯШНАЁТГАН ЎЛКА

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси янада гуллаб яшнади. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, шунингдек, маданият, адабиёт ва санъат жабҳасида катта муваффақиятларга эришдик.

Ўн биринчи беш йилликда эса автоном республикамиз бундан ҳам камол топиши шубҳасиздир. Чунончи, пахта, шоли, сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, мева, тухумни янада кўпроқ етиштирамиз. Давлатимиз шоличиликни ривожлантириш учун ўтган беш йилдагига нисбатан икки баравар кўп капитал маблағ ажратганидан ниҳоятда мамнунмиз. Бинобарин, келгусида шоли етиштиришни 1 миллион тоннага етказамиз. Шу тариқа Коммунистик партиямиз белгилаб берган озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳисса қўшамиз.

Хуллас, Қорақалпоғистон муттасил равишда гуллаб яшнамоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси XX съездига Ҳисобот докладида таъкидлаганидек, Амударё этакларида, асосан Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида йирик шоликорлик райони барпо этилди, 26 шоликорлик совхози ташкил қилинди. Ана шу ерларда шоли ҳосилдорлиги 50 центнерга етди ва ундан ҳам ошиб кетди. Бу йил, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида шолининг ялпи ҳосили 540—550 минг тонна бўлиши лозим. Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари бу шарафли вазифаларни тўла адо этишга руҳан тайёрдирлар. Автоном республикамизнинг илғор хўжаликлари, жумладан, Хўжайли районидаги В. И. Ленин номли колхоз, Шуманай районидаги «Правда» совхози ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1980 йилда ва ўнинчи беш йилликда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун олиб борилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлганлари ҳам шуни кўрсатади.

КПССнинг XXVI съезди бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, совет кишиларининг социал активлигини ва меҳнат ғайратини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароит яратиш жонажон Коммунистик партиямизнинг олий мақсади эканини намойиш қилди. Шонли съездимиз СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилар экан, бепоён Совет мамлакатимизнинг барча эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олди. Замонамизнинг бу порлоқ сиёсий ҳужжатида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга келтириш масаласи янада ёркин ифодасини топгани жуда муҳимдир.

Мен гулистон ўлкага айланаётган Қорақалпоғистоннинг барча меҳнаткашлари номидан шуни комил ишонч билан айта оламанки, ўн биринчи беш йиллик — фаровонлик беш йиллиги КПСС XXVI съезди асосий йўналишларида ўз ифодасини топган ҳамма улуғ вазифаларни кўнгилдагидек адо этади. Чунки улар коммунизм қураётган совет халқининг буюк мурод-мақсадлари рўёбини таъминловчи вазифалардир.

ЛЕНИН НОМИ БИЛАН

Ойларнинг яхшиси, ойлар чиройи,
Ойларнинг эркаси шу апрель ойи.
Олам кўз уқалаб қиш уйқусидан,
Уйғонар муҳаббат, уйғонар чечак.

Кўк янграр қушларнинг шўх
қий-қувсидан,
Ҳар ёруғ тун ўзи бир тугал эртак.
Сувлар тошқинидан далалар рози,
Юлдуз кўзлагандай хаёл парвози.

У. А. САЙДАМАТОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари

Бу йилги апрель ойи Ўзбекистон халқ шоири Миртемир таърифлаганидан ҳам гўзалроқ бўлиб келди. Ленин партиясининг монолит бирлигини, яратувчилик қудратини, жаҳоний обрў-эътиборини яна бир марта тўла-тўкис ва ёркин намоён қилган КПСС XXVI съезди коммунистик қурилишнинг 80-йиллардаги марраларини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб, Ватанимиз, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бутун тараққийпарвар инсоният тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб берди. Доҳиймиз туғилган куннинг 111 йиллик байрами ана шу буюк анжуман натижаси ўлароқ пайдо бўлган юксак сиёсий-маънавий шароитда нишонланмоқда.

Шундай қилиб, совет халқи ўн биринчи беш йилликни мисли кўрилмаган даражада юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида бошлади. Ҳозирда бепоён мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари, ўғил-қизлари, жумладан, серқуёш ўлкамиз комсомоллари ва ёшлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини ғайрат-шижоат билан амалга оширишга киришдилар, янги беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, корхоналар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда юз минглаб ёшлар қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистоннинг навқирон авлоди КПССнинг ленинча тинчликсевар сиёсатини якдиллик билан тўла-тўкис маъқулламоқда, жонажон Коммунистик партияга чинакам садоқатини фидокорона меҳнат, аъло ўқиш, Ватан осойишталигини бедаҳл сақлаш, юксак сиёсий фаоллик билан намоён қилмоқда.

Ўнинчи беш йилликни зўр муваффақиятлар билан якунладик. Сифат ва самарадорлик беш йиллигида мамлакатимиз нурафшон коммунизм сари яна бир дадил, тарихий қадам ташлади. Беш йиллик сарҳисоби коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди томонидан белгилаб берилган режалари чинакамига ҳаётийлигини, унинг революцион марксизм-ленинизм таълимотига асосланган иқтисодий ва ижтимоий сиёсати чуқур илмийлигини кўрсатди. КПСС, Коммунистик партиямиз Марказий Комитети, унинг толмас ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси амалга ошираётган доно ички ва ташқи сиёсат ўнинчи беш йиллик муваффақиятини таъминлади.

Республикамиз ўнинчи беш йилликда ўз камолотининг янги чўққисига кўтарилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига Ҳисобот докладида таъкидлаганидек, ўнинчи беш йиллик мобайнида республикамизнинг миллий даромади 29 процентдан зиёд кўпайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бир ярим баравар ортди. Бутун мамлакатда бўлгани каби, совет Ўзбекистонининг экономикасида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги янада ошди. Республикамиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳар йили ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР ўнинчи беш йилликда эришган муваффақиятлари учун учинчи марта Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Республикамизнинг навқирон насли — Ўзбекистон ёшлари жонажон Коммунистик партиямиз, она Ватанимиз томонидан муносиб тақдирланган бу ғалабаларнинг ижодкорларидир. Ўнинчи беш йиллик республикамизда янги комсомол машъалларини майдонга чиқарди. Бу ерда сирдарёлик шофёр Мирза Бердиев, Қўқон Тикувчилик фабрикасининг чевари Одина Саидназарова, Нукус шаҳар Умумий овқатланиш корхоналари трестининг Жумабой Машарипов бошлиқ бригадаси аъзолари, Тошкент область Ғалаба районидаги Свердлов номли совхоз илғор механизатори Маҳмуджон Ўринбоев, Фарғона область Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати Раъно Каримова, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, КПСС XXVI съезди делегати, Жиззах область Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Холбуви Рустамова, Қашқадарё область Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхоз ишчиси, ЎзССР Олий Совети депутати Мастура Файзиева ўртоқларнинг номларини айтиб ўтиш ўринлидир. Улар фидокорона меҳнатлари билан бутун республикамизда шуҳрат қозондилар.

КПСС XXVI съезди, шунингдек, партиямиз Марказий Комитети пленумлари қарорларини тўла-тўкис амалга ошириш учун жанговар социалистик мусобақани уюштириш, комсомолларни, барча йигит-қизларни ўнинчи беш йилликни, шунингдек, қизғин бошланган ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили топшириқларини бажаришга сафарбар этиш республика комсомол комитетлари бутун ташкилий ва сиёсий ишининг негизига айланди.

Республика комсомол ташкилоти социалистик мусобақани ташкил этиш борасида, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида бой тажриба тўплади. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!», «Маҳсулот сифатига комсомол кафолати!», «Ўн биринчи беш йилликда ўн бир йил топшириқларини бажарамиз!» каби ватанпарварлик ташаббуслари ўлкамиз бўйлаб тобора кенг қанот ёймоқда. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллиги ва совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 36 йиллигига бағишланган меҳнат мусобақаси комсомол-ёшларимизга мислсиз ғайрат-шижоат бағишлади.

Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг ёшларни меҳнат самарадорлигини, ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишга, иқтисод ва тежамкорликка ўргатиш борасидаги тажрибалари айниқса эътиборга сазовордир. Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси комсомол ташкилоти фаолияти меҳнат самарадорлиги ва сифат учун курашнинг жонли мисоли бўла олади. Фабрика комсомол комитети ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва тараққий эттириш комплекс планини амалга оширишда ўзи бажарадиган вазифани аниқ белгилаб олди. Йигит-қизлар автоматлаштириш, илғор технологияни жорий этиш ишига астойдил киришдилар. Ҳозир фирма «Сифат белгиси» билан ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғи ёшлар меҳнати самарасидир.

Ўзбекистоннинг навқирон насли республика халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ёшлик кучини, қалб қўрини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сарфламоқда. Чинакам техника революцияси амалга оширилган В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия комбинатида, Туямўйин қурилишида, Ўрта Осиёнинг энг улкан нурхонаси — Сирдарё ГРЭСида, Газли, Шўртан, Қултак, Зеварда, Памуқ конларида, Янги Ангрен ва Толлимаржон электр станцияларида, рангли металлургияни ривожлантириш соҳасида — Маржонбулоқ Олтин-руда комбинатида, Олмалиқ Кон-металлургия комбинатида, Қалмоққир, Олтинтопган руда конларида, хуллас, республикамизнинг барча зарбдор қурилишларида комсомол-ёшлар кўтарган социалистик мусобақа байроғи тобора баланд ҳилпирамоқда. Серқуёш ўлкамиз ёшлари меҳнатда мўъжизалар яратмоқдалар. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX съездга Ҳисобот докладида уқтириб ўтганидек, «беш йилликдаги энг муҳим қурилишларни оталиққа олиш, механизаторларнинг умумий таълими, пахта ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш, БАМ қурилишида, партиянинг Қоратупроқли бўлмаган зона қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программасини амалга оширишда қатнашиш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорона ишлаш — буларнинг ҳаммасида ажойиб ёшларимизнинг меҳнатигина эмас, қалбларининг ҳарорати ҳам жўш уриб турди».

Республикамиз комсомоллари пахтачилик тараққиётига қўшаётган ҳисса айниқса салмоқлидир. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги 5 центнерга ўсди. Бу жуда катта ғалабадир. Ваҳоланки, аввалги босқичларда ҳосилдорликни 5 центнер ошириш учун 10—15 йил керак бўлар эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев уқтирганидек, бутун мамлакатимиз учун Ўзбекистон пахтакорлари рекорд ҳосил чўққисини тобора юксалтириб боришлари табиий бўлиб қолди.

Ерни парваришлаш, юксак уюшқоқлик, ишнинг кўзини билиш, меҳнатсеварлик, ғалабага интилиш — бу фазилатлар республика қишлоқ комсомолларининг 700 минг кишилик отряди учун муваффақият гарови бўлди. Ўзбекистон пахтакорлари Ватанга биринчи марта 6 миллион 240 минг тонна «оқ олтин» етказиб берган ва ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таҳсинига сазовор бўлган 1980 йилда республикамиз коммунистларининг авангардлик роли, область, шаҳар, район комсомол комитетларининг фидокорона фаолияти натижасида порлоқ ғалабаларни қўлга киритдик. Комсомол активлари ҳамиша омма орасида бўлдилар, ёш пахтакорларнинг талаб-эҳтиёжларини ўргандилар, социалистик мусобақага бевосита бошчилик қилдилар, меҳнатда шахсан ибрат кўрсатдилар. Масалан, Бухоро область Ромитан район комсомол комитетининг бош мақсадга бўйсундирилган, қизғин ташкилий ва сиёсий фаолиятининг самараси ўлароқ 43 комсомол-ёшлар бригадаси йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ошириб бажардилар, ҳосилдорлик 47,2 центнерни ташкил этди, 250 ёш механизаторнинг ҳар бири ўртача 200 тоннадан «оқ олтин» терди. КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада қизғин иштирок этган Ромитан райони пахтакорлари йиллик планни ва зиммаларидаги мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб бажардиларки, бу ғалабада район комсомол-ёшларининг катта ҳиссаси бор.

Ўзбекистон комсомоллари партия ва ҳукуматимиз озиқ-овқат программасини амалга оширишга астойдил бел боғлаб, маккажўхорикорликдаги ўз оталиқ ишларини янада яхшилашга интилмоқдалар. Бу соҳада меҳнат қилаётганларнинг 70 процентини комсомол аъзолари ташкил этади. Ўтган йили республикамизда 1 миллион 300 минг тонна маккажўхори дони етиштирилди, 370 комсомол-ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил олдилар. Бу йил — ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида Ўзбекистон 1,5 миллион тонна каҳрабо дон етиштиради.

Қишлоқда маданий-маиший хизматни янада яхшилаш деҳқончиликни бундан ҳам ривожлантириш учун имконият яратади. Шунинг учун комсомол ташкилотлари маданият саройлари, клублар, кутубхоналар, музейларни ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, эстетик тарбия ҳамда турмуш-

Саъдулла ҲАКИМ

Бекатлар

Ўқдек учиб борар ҳаёт поезди,
Замонлар ўзгадир, суръат ҳам ўзга.
Томирларда ёнар ўт-оташ қонлар,
Бекатлар нур каби урилар кўзга.
Кимдир китоб ўқир,
Мудрайди кимдир,
Биров шеригини гапга солади.
Қоп-қора шарпадек судралиб кимдир
Ғийбат бекатида тушиб қолади.
Бир бола эргашар унинг ортидан,
Миямга уради қоним гупуриб:
«Болажон, бу сенинг бекатинг эмас,
Қайт!», дейман йўлида кўндаланг туриб.
Меҳнат бекатида чаноқлар порлар—
Юлдуздан ёқилган чироқлар мисол.
Ўн бир фарзандини йўлкага чорлар
Ялангқат яктакли, дўппили бир чол...
Қўшиқлар ёнади юлдузлар каби,
Гоҳи шўх, гоҳ ҳазин янграр наволар.
Фақат кутиб олар Севги бекати
Ва Армон бекати кузатиб қолар.
Не қизиқ, қизиқдир фалакнинг иши,
Кошкийди, кўрганим бўлса афсона.
Имон бекатидан чиққан бир киши
Бўҳтон бекатига бўлар равона.
Йўл азоби оғир. Ўйлайман босим,
Йўлдан озмасликка сабрим етармн?
Мол-дунё бекати ўтилгач босиб,
Бўшаб қолар гавжум вагоннинг ярми.
Бекатнинг сўнггиси — умр аро қутб,
Кузатувчи!
Толсам, зўр келса уйқу,
Ўтинчим, бир оғиз имо қилиб қўй,
Виждон бекатидан кетмайин ўтиб!

* * *

Отам Ҳаким Раҳмат ўғли хотирасига

Бу боғнинг боғбони чол эди,
Соқоли — сочлари каби оқ.
Боғ ўрни яланглик жой эди,
Босганди оққуврай ва янтоқ.
Бу боғнинг боғбони чол эди...
Терак лол: «Кетди у қаёққа?»
Шафтоли қомати дол энди,
Бўзлайди таяниб таёққа.
Узумлар йиғлашар мўлтираб
Япроққа беркитиб юзини.
Йўл чопар боғ аро тентираб
Йўқотиб боғбоннинг изини.
Боғ кездим, айрилиқ тиғидан
Кўксимда жароҳат излари.
Қизариб кетибди йиғидан
Паришон олманинг юзлари...
Бу боғнинг боғбони чол эди!

* * *

Устоз Ҳамид Олимжонга

Қани,
Мен ҳам
бир дарахт бўлсам...
Кўксимдаги оташ гулхандан
Сон минг пушти чироқлар ёқиб,
Матонатли ўриклар каби
Баҳор йўлларини ёритсам!..

* * *

Ўғлимга

Гул иси анқиган саҳар палласи
Тошкентда туғилдинг баҳор фаслида.
Меҳру муҳаббатнинг ширин меваси —
Сен ҳам бир шаҳарсан, ўғлим, аслида.
Шаҳарга интилар ҳар орзули қалб,
Гоҳида ўтган ҳам, қайтган ҳам тегар.
Имон тор хонада қисиниб яшаб,
Иғво шинам уйга бўлмасин эга.
Шафқатнинг ишини ғафлатда қолиб
Жаҳлга топшириб қўймагил, токим
Адолат кетмасин ўксик, бош олиб,
Ақл — вазир бўлсин, ҳақиқат — ҳоким.
Ўпкани ҳар лаҳза эъзоз эт, лекин
Юрак бўлсин Қизил Майдонинг ҳамон.
Тошкентдаги каби унда ҳам Ленин
Мағрур боқиб турсин кунчиқар томон.
Ўзгалар фикрини қадр эт, ва лек,
Ўз фикри суҳанинг камолида бўл.
Улар — юртнинг асл фарзандларидек
Ўзга шаҳарларга солар ойдин йўл.

Гул иси анқиган саҳар палласи
Тошкентда туғилдинг баҳор фаслида.
Меҳру муҳаббатнинг ширин меваси —
Сен ҳам бир шаҳарсан, ўғлим, аслида!

* * *



Боғда гуллар очилаверар,
Ўтган умр кечмагай такрор.
Изҳор этинг, азиз одамлар,
Менга қандай хизматингиз бор?
Оғирингиз қилай, деб, енгил,
Майли, бўлсин қўлларим қадоқ.
Юрагимда гувиллар денгиз,
Ташласангиз миннатдор нигоҳ.

Фоний дунё мулкини нетай,
Менга сизни шод кўрмоқ ҳавас.
Сиз айтган йўл сўнгига етай,
Оёқларим чидаб берса бас.
Токи дадил айтайин бир кун
Хабар келса энг сўнгги йўлдан:
— Сизни имкон борича суйдим,

га янги одатлар, маросим ва анъаналарни жорий этиш воситаси деб билмоқдалар. ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига биноан ташкил қилинган «Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди тарғибот-ташвиқот ва маданий-оммавий ишнинг муҳим марказига айланди. У 1980 йилги пахта йиғим-терим мавсумида 44 район, 125 колхоз ва совхозда бўлди, агитпоезд ўтказган тадбирларда ёшлардан 100 мингга яқин киши иштирок этди.

КПСС XXVI съездидан кейин мамлакатимиз ўз тарихининг янги босқичига мардона қадам қўйди. Барча совет кишиларининг қалбларида ижодий куч, қизғин иштиёқ жўш урмоқда. Бундай маънавий-сиёсий кўтаринкилик руҳи ижодкор зиёлиларимиз меҳнати туфайли тағин ҳам кучаймоқда. Санъат инсонни маънан янада камол топтиради.

Кейинги йиллар совет адабиётида, шунингдек, ўзбек адабиётида ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш мавзуига бағишланган кўпгина бадиий асарлар яратилди. Адибларимиз уларда коммунистик жамият қурувчисининг принципиаллик, чуқур партиявийлик, маънавий бойлик, ғоявий собитлик, чинакам интернационаллик, фаол инсонпарварлик каби фазилатларини мужассамлаштирдилар.

«Ижодкор зиёлиларимизнинг ёш авлоди ҳаёт қучоғига тобора дадил кириб келаётганлигидан хурсандмиз», деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. Бу коммунистик идеалларнинг улуғворлигини ёркин намоён қилувчи, ғоявий кучи, бадиий теранлиги билан қалбларни ҳаяжонлантирадиган асарлар яратишни ўз бош мақсадлари деб ҳисоблаётган, совет реалистик санъати анъаналарини муносиб тарзда давом эттираётган ёшлар ижодига берилган юксак баҳодир. Бу Ўзбекистоннинг ёш санъаткорлари — саҳна ва экран усталари, сўз ва куй ижодкорлари, мўйқалам соҳибларига ҳам тааллуқлидир.

Ёшларимиз тобора кўпроқ ва ёркинроқ тарзда ўз салоҳиятларини намоён қилмоқдалар. Ҳуснидин Шарипов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Омон Матжон, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов каби шоир ва адибларимизнинг, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Илҳом Жабборов сингари рассомларимизнинг, Мирсодиқ Миртожиев, Улуғбек Мусаев, Рустам Абдуллаев сирасидаги композиторларимизнинг ижоди Бутуниттифоқ миқёсида эътибор қозонаётганидан мамнунмиз. «Адабиёт ва санъатга ёш талантларнинг келиб қўшилиши, улар ижодининг ғоявий-бадиий савияси ошганлиги кейинги йиллардаги ажойиб воқеа бўлди,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси XX съездига Ҳисобот докладида.— Ижодий союзларнинг энг муҳим вазифаси — социалистик маданиятимизнинг эртанги куни ҳақида, унинг бойликларини кўпайтириш ҳақида реал ғамхўрлик кўрсатишдан иборат».

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети навқирон ижодкор зиёлиларга доимий равишда диққат-эътибор кўрсатаётгани сабабли ҳар бир ёш ижодкор ўз истеъдодини ёркин намойиш қила олиши учун тўла-тўкис имконият берадиган эзгу муҳит вужудга келди. Кейинги йилларда республикамизда бадиий таълимнинг, ёш ижодкор зиёлилар билан олиб борилаётган ишнинг янада яхшиланишига ёрдам берадиган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди.

Бизнинг халқимиз янги дунё яратмоқда, илгари ҳеч ким юрмаган йўлдан бормоқда. Замонамизнинг муҳим, айни пайтда мураккаб ҳодисаларидан тўғри хулосалар чиқара олиш, воқеаларни ҳаётий ва ҳаққоний тасвир эта билиш учун ёш ижодкорнинг истеъдоди ва ижодий жасоратигина кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун навқирон санъаткор марксча-ленинча дунёқарашни чуқур эгаллаган бўлиши, революцион назария ва революцион амалиётнинг қудратли диалектик тажассуми — жонажон Коммунистик партиямизнинг ленинча сиёсати асосида иш кўриши керак.

Бугун амалга оширишимиз керак бўлган бош вазифа — бутун тарғибот-ташвиқот ва оммавий-сиёсий ишларни КПСС XXVI съезди қарорларини ўрганиш ҳамда пропаганда қилишга бўйсундиришдан иборат. Партия съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан олға сурилган оламшумул вазифаларни амалга ошириш учун кураш бутун комсомолнинг, ҳар бир бошланғич комсомол ташкилотининг, ҳар бир комсомол аъзосининг, ҳар бир йигит ва қизнинг муқаддас бурчидир.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳозирги босқичи жамиятимизнинг мисли кўрилмаган даражада юксак тараққиётига, доҳиймиз Владимир Ильич Ленин васиятларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Владимир Ильич Коммунистик Ёшлар Союзининг III Бутун Россия съездида 1920 йил 2 октябрда сўзлаган нутқида навқирон коммунистик авлодга мурожаат қилиб: «Сиз фақат ҳозирги замон билимларининг ҳаммасини эгаллаб олганингизда, коммунизмни тайёр ёдланган формулалар, маслаҳатлар, рецептлар, йўл-йўриқлар, программалардан ўзингизнинг бевосита ишингизни бирлаштирадиган жонли нарсага айлантира билганингизда, коммунизмни ўзингизнинг амалий ишингиз учун қўлланма қилиб ола билганингиздагина бу вазифани бажара оласиз», деган эди. Бугун биз жонажон Коммунистик партиямизнинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли таянчи сифатида коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида бораётган, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини оғишмай амалга ошираётган навқирон авлод номидан Владимир Ильичга мурожаат этиб: «Муҳтарам устод! Коммунизмни амалий ишимизнинг асосига айлантирдик. Бугунни ва истиқболни сизнинг кўзингиз билан кўрмоқдамиз, сизнинг қалбингиз билан ҳис қилмоқдамиз, сизнинг номингиз билан мўъжизалар ижод қилмоқдамиз», деб айта оламиз.

Ленинчи Коммунистик партиямиз навқирон наслга оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ёш авлод ҳам бу ғамхўрликка қалб шижоати, Коммунистик идеалга битмас-туганмас садоқати билан жавоб бермоқда. «Ленин комсомоли 40 миллиондан ортиқ йигит ва қизни ўз сафларида бирлаштириб турибди,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисобот докладида.— Биз кўпинча, комсомол — бизнинг ўринбосаримиз, партиянинг ёрдамчиси, деймиз. Бу тўғри, жуда тўғри гап! Ҳозир 18—25 ёшда бўлган ёшлар келажакда мамлакатимизнинг ўзагини ташкил этадилар».

Бу сўзлар бутун мамлакатимиз комсомол-ёшларини, жумладан, республикамиз комсомол-ёшларини янада руҳлантириб юборди. Бу сўзлар ёшларимиз ўз зиммаларидаги жуда ҳам шарафли вазифани янада теран ҳис қилишларига даъват этди.

Биз, навқирон авлод, бизни камолга етказган Коммунистик партиямизни, халқимизни ишонтириб айтамизки, ўз зиммамиздаги шарафли вазифани тўла-тўкис адо этамиз: энг бахтли жамият — коммунизм қурамиз!

БУЮК ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

КПСС XXVI съезди қабул қилган тарихий қарорлар ҳозир бутун тараққийпарвар инсоният диққат марказида турибди. Зеро, бу ҳаётбахш қарорлар аввало ўлмас ленинизм таълимотига бўлган чексиз садоқат тимсоли сифатида эътиборни тортади. Чунки мамлакатимиз коммунистларининг олий анжумани белгилаб берган ўн биринчи беш йилликдаги халқ хўжалиги иқтисодий ва социал тараққиётининг улуғвор режалари Буюк Ленин ғоялари тантанасининг яна бир ёрқин далилидир. «Тарихнинг ўзи бизнинг қарашларимизни ёқламоқда, воқеликнинг ҳар бир одимида ёқламоқда», деб ёзган эди В. И. Ленин. Коммунистик партиямизнинг бутун тажрибаси, совет халқининг буюк зафарлари Ильич айтган бу сўзларнинг ҳаётийлиги ва тўғрилигини қайта-қайта исботламоқда.

Владимир Ильич Ленин таълимотига қизиқиш, интилиш, уни ўрганиш, фақат шу асосда бундан буёнги ривожланиш босқичларини белгилаш доимий ва чексиз бўлган қонуний жараёндир. Унинг ҳаёти, фаолияти ва кураши энг порлоқ ва азиз, юксак эзгу ниятларга чорловчи инсоний идеал рамзидир. Бу буюк ҳаёт намунаси совет кишиларига битмас-туганмас куч бахш этади. Шу сабабли Ленин шахсини, унинг ғоялари ва қарашларини кенг ва чуқурроқ билиш, таржимаи ҳолининг ҳамма босқичларини тўла тасаввур қилиш истаги ижтимоий-маънавий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Ана шуни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти сўнгги ўн йил мобайнида эълон қилган В. И. Ленинниng 12 томлик биографик хроникаси миллионлаб китобхонларнинг катта эътиборини қозонди[1]. Унинг биринчи томи доҳий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб чиқарилган эди.

Биохроникада Ильич ҳаёт йўлининг бутун тафсилоти йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун, кўп ҳолларда эса соатма-соат акс эттирилган. Бундай капитал асар энг аввало доҳиймизнинг ғоявий меросини, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни узоқ йиллар давомида қунт билан тўплаш, синчковлик билан ўрганиш, Марксизм-ленинизм институти Марказий партия архивининг Ленин фондида, шунингдек, давлат ва турли муассасалар архивларида сақланаётган Владимир Ильич биографиясига тааллуқли материал ва ҳужжатларни яна бир бор синчиклаб текшириш натижасида вужудга келди. Бу катта ишнинг амалга оширилишида социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари ҳузуридаги илмий институтлар ҳам катта ёрдам кўрсатдилар.

В. И. Ленинниng 1958—1965 йилларда нашр этилган Тўла асарлар тўпламидаги жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси ҳаёти ва фаолиятига оид 8,5 минг сана янги биографик тўплам учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Аммо хроника томларининг мазмуни бундан анчагина, айрим ҳолларда олти-етти баробар кенг. Босилиб чиққан 12 том 8 мингдан ортиқ бетдан иборат бўлиб, уларда 40 мингга яқин сана келтирилган. Доҳийнинг фақат совет давридаги ҳаёти ва фаолиятига оид 5 мингдан зиёд факт биринчи марта эълон қилинди.

Биографик хроника авторлари амалга оширган ниҳоятда улкан ҳажмдаги ишни, умуман, доҳиймиз ҳаёти ва фаолиятини аниқ далиллар асосида тўла ва батафсил акс эттирувчи бу қомусий асарни яратиш нақадар қийин бўлганлигини қуйидаги фактлар воситасида тасаввур қилиш мумкин.

Бугунги кунда Марксизм-ленинизм институтида Ленинниng 35 мингга яқин қўлёзмаси, китоби ва брошюраси, хат ва телеграммалари, Ильич имзолаган ва таҳрир қилган ҳужжатлар, асарларининг дастлабки нусхалари, унинг фикри ва муносабатини ифодаловчи турли белги ва изоҳлар ёзилган 800 дан ортиқ китоб, 14 нутқи ёзилган грампластинка сақланмоқда.

Аммо Владимир Ильич чоризм ҳукмронлиги даврида яратган ҳамма асарларини ҳам ўз имзоси билан эълон қилиш имкониятига эга бўлмаган. Кўпинча турли тахаллуслар қўллашига тўғри келган. Ҳозирги пайтда Владимир Ильич фойдаланган 150 дан ортиқ тахаллус маълум. Баъзан эса Ленин қаламига мансуб мақола ва мурожаатлар имзосиз босиб чиқарилган. Доҳиймизнинг мингга яқин қўлёзма, хат ва ҳужжатлари ҳали топилмаган.

Ильич сал кам 15 йил чет элларда, эмиграцияда яшашга мажбур бўлди. Бу оғир ва серташвиш йиллар давомида у 12 мамлакатда — Австрия, Англия, Бельгия, Германия, Дания, Италия, Польша, Франция, Финляндия, Чехословакия, Швеция, Швейцарияда яшаб, тинмай ижод қилди, ишчи партиялар матбуотларида ўз асарлари ва мақолаларини эълон қилиб борди. Унинг жаҳондаги 50 кутубхонада ишлаганлиги ҳужжатларда қайд этилган.

Буюк устоз ҳаёти ва фаолиятининг Октябрь революциясигача бўлган даврини тўлалигича аниқлаш ниҳоятда қийин. Хроникада эълон қилинган маълумотлар минглаб тарихий ҳужжат, китоб ва матбуот нашрларини ҳамда мемуар асарларни тўплаш, ўрганиш, солиштириб чиқиш асосида юзага келди.

Айниқса мемуар адабиётлардаги маълумотлардан эҳтиётлик билан фойдаланилди, улар бошқа манбаларга таққослаб кўрилди. Эсдаликларни Ленинни яқиндан билган кишилар — Н. К. Крупская, А. И. Ульянова-Елизарова, М. И. Ульянова, Д. И. Ульянов ва бошқалар ёзган бўлсагина уларга бирон фактни тасдиқлайдиган манба сифатида қаралди. Владимир Ильич ҳаёт чоғида ёзилган эсдаликлар, айниқса, кундаликлар ва шунга ўхшаш мутлақо ишончли хотираларга асосий эътибор берилди.

Ленинниng асарлари ва хатларининг мазмуни хроникада тўла очиб берилмайди, зеро, китобхон Владимир Ильичнинг Тўла асарлари тўпламига бевосита мурожаат қилиши мумкин. Доҳиймизнинг ё ҳозирги кунда камёб ҳисобланган нашрларда босилган ёки умуман эълон қилинмаган баъзи ҳужжатларигина қисқача баён тарзида берилди. Агар бу янги ҳужжатлар — ёзувлар, фармойишлар, резолюциялар, китоблар четидаги фикр ва белгилар — ҳажм жиҳатидан унчалик катта бўлмасагина уларнинг тексти тўла келтирилди. Хроникада Ленинниng турли китоблар ва мақолаларни таҳрир ва таржима қилиш соҳасидаги иши, партия ва совет, касаба союз, комсомол съездлари ва конференцияларидаги, Марказий Комитетнинг мажлислари ва пленумларидаги, Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг, Коминтерн конгрессларининг мажлисларидаги иштироки, турли кишилар билан учрашувлари, делегацияларни қабул қилиши ва шу сингарилар ҳам бутун тафсилоти билан акс эттирилган. Жумладан, Владимир Ильичнинг 1917 йил 25 октябрдан (7 ноябрдан) 1921 йил 12 июлгача бўлган давр ичида партия Марказий комитетининг 35 пленуми ва йиғилишида, Сиёсий бюро ва Ташкилий бюронинг 117 мажлисида, Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Мудофаа Кенгашининг 589 мажлисида раислик қилгани кўрсатилган. Бу йиғилишларда Ильич раҳбарлигида Совет ҳокимияти фаолиятига тааллуқли бир неча минглаб энг долзарб масалалар кўриб чиқилган ва ҳал этилган. Бу вақт ичида у меҳнаткашлар, қизил аскарлар олдида 300 га яқин марта нутқ сўзлаган, қабулхонасида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар вакиллари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбобларини, чет эллик элчиларни 800 дан ортиқ марта қабул қилган ва улар билан суҳбатлашган.

Ильич ҳаёти ва фаолиятига оид ҳар бир факт матбуотда эълон қилинган ёки архивларда сақланаётган илмий жиҳатдан тўғри, мўътабар манбалар асосида исботланган. Китобдаги ҳамма маълумотлар хронологик изчиллик билан жойлаштирилган. Ҳар бир томнинг сўнгги саҳифаларида тарихий шахслар ва географик жойлар тўғрисидаги маълумотлар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати, Ленинниng тахаллуслари ва партиявий лақаблари келтирилганки, бу китобхон учун катта қулайлик туғдиради.

Хроника материалларида Ленинниng барча хусусиятлари, жумладан, ниҳоятда ишчан раҳбар эканлиги ёрқин акс этган. Китобда кўрсатилишича, унинг иш куни одатда келган почтани, янги газеталарни кўриб чиқиш, шошилинч хат, телеграмма, телефонограммалар ёзиш, фармойишлар бериш, декрет ва қарорларга имзо чекиш, кенгаш ва мажлислар ўтказишдан бошланар ва асосан тунда тугарди. Мисол учун Владимир Ильичнинг 1918 йил январидаги иш ҳафтасини кўрсатиш мумкин. Хроника маълумотларига кўра, 1 январда унинг иш куни кечаси соат иккидан ошганда, 2 январда ҳам ярим кечада, 3 январь куни кечаси соат бирда тугаган. Халқ Комиссарлари Советининг 4 январь кечқурунги мажлиси Ленин раҳбарлигида ўттиздан ортиқ масалани кўриб чиққан эди. Марказий Комитетнинг 5 январь куни кечаси соат бирдан ошганда тугаган мажлисидан сўнг доҳий ўз хонасида шошилинч декретнинг дастлабки нусхасини тайёрлаш учун қолганлиги ёзилган. 6 январда у кечаси иккиларгача ишлаган. Ёш Совет давлати раҳбарининг барча кунлари ана шу тариқа ниҳоят даражада банд эди. «Ҳеч ажабланадиган жойи йўқки,— деб ўша кунларни хотирлаган эди Н. К. Крупская,— Ильич кечаси алламаҳалда биз у билан Смольнийда яшаб турган хонага келар, узоқ вақт ухлай олмас, яна ўрнидан туриб, кимларгадир телефон қилишга, қандайдир шошилинч фармойиш беришга чиқиб кетар, охири ухлагач уйқусида ҳам ишлар ҳақида гапиргани гапирган эди...»

Ленинниng иш услуби, унга хос бўлган ишчанликни, ўз меҳнатини оқилона уюштира билиш қобилиятини, ҳар бир иш дақиқасидан самарали фойдалана олганини акс эттирувчи саҳифалар зўр қизиқиш билан ўқилади. Доҳий ўз сафдошларидан, барча коммунистлардан темир интизомни, социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилишни талаб этарди. Жумладан, унинг ишчанлиги ва талабчанлиги, масаланинг моҳиятини кўра билиши турли мажлис ва йиғилишларни тез ва оператив ўтказиш, одатда кун тартибидаги элликдан ошиб кетадиган масалани қизғин муҳокама қилиш имконини берарди.

Ишга масъулиятсизлик ва бепарволик билан қараш, хўжасизлик, маҳаллийчилик, интизомсизлик ва шунга ўхшаш иллатларга дуч келган вақтларида Ильич кишиларга нисбатан жуда талабчан бўларди. Шу билан бирга, хроника ҳужжатларида қайд этилишича, партиямиз асосчиси ҳар қандай майда-чуйда нарсаларга аралашавермас, кишининг камчилигини кўрсатар экан, уни ранжитмас, хижолат қилмас, аксинча далда беришга, хатоларини тузатишга ёрдам беришга интилар эди.

У барча раҳбар ходимларни талабчанликка ва самимий бўлишга чақирарди. Масалан, Ленинга 1919 йил Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси А. Правдин вологдалик деҳқонларнинг маҳаллий ижроия комитети устидан ёзган шикоятини Москвага олиб келган У. П. Мостаковага нисбатан қўполлик қилгани маълум бўлди. Ўшанда Владимир Ильич шу комиссарликка раҳбарлик қилаётган Г. И. Петровскийга: «Правдиннинг жуда яхшилаб танбеҳини бериб қўйиш керак... унда бемаъни буйруқбозлик одати бор. Бунга чек қўйиш лозим», деб ёзган эди.

Ильич меҳнаткаш инсонни ҳеч қачон унутмас, кишиларни ўзига жалб эта олар, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини доим ўрганиб борар эди. Биохроникада қуйидаги характерли факт келтирилган. 1920 йил 3 ноябрь куни кечқурун соат тўққизларда Ленин 20 минг жуфт овчи этигини тайёрлаган ишчиларни мукофотлаш масаласини шошилинч равишда ҳал қилиш ҳақида топшириқ беради ва унинг «жанубдаги ғалабамиз учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ва энг муҳими — этикларнинг қисқа муддатда тайёрланганлиги»ни уқтиради. Китобда доҳийнинг меҳнаткашлар саломатлиги, таъминоти, уй-жой шароитлари ҳақида, қизил аскарлар оилалари, уруш инвалидлари, революция ветеранларини моддий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида нақадар ғамхўрлик қилганлигини кўрсатувчи кўплаб янги маълумотлар келтирилган.

Камтаринлик Ленинга хос ёрқин хислатлардан

[1] Владимир Ильич Ленин. Биографическая хроника. Т. т. 1—12. Москва. Политиздат, 1970—1981.

ЛЕНИНЧИ МУТАФАККИР

Ватанимиз фанининг шуҳратини таратган, совет физикаси хазинасига улуғвор ҳисса қўшган буюк олим, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Абрам Фёдорович Иоффенинг (1880—1960) илмий мероси жаҳон фанининг олтин фонди ҳисобланади.

А. Иоффенинг илмий фаолияти 1902 йили Мюнхенда, машҳур экспериментатор Рентген раҳбарлигида бошланган эди. Мюнхен университетининг профессорлик лавозимига таклиф этилса ҳамки, Россиядаги сиёсий реакциялар авж олишидан кўп жабр кўрганига қарамай, 1906 йили Петербургга келади. «Ўзимнинг марксистик эътиқодимга кўра,— деб ёзган эди у кейинчалик,— шундай пайтда ватандан йироқда, Мюнхенда фақат физика билан шуғулланишимга ҳаққим йўқ, деб ҳисобладим». Реакция Россиядаги революцион ҳаракатнигина эмас, балки илғор аниқ фанлар фалсафасини ҳам таъқиб қила бошлади. Бу даврда аллақачон махсус нисбий назария яратилган, ёруғлик квант назарияси пайдо бўлган, фазо, вақт ва уларнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги таълимот шаклланган, умумий нисбийлик назариясининг математик асослари аниқланган, биринчи элементар заррачалар кашф этилган эди. Буюк кашфиётлар аввалги тасаввурларни тамоман ўзгартириб юборди. Физиканинг бу собит қадамини идеалистлар материализм рад этилмоқда деб қарадилар. В. И. Ленин эса мана шу юксалишда табиий фанларда улкан революция содир бўлаётганини кўрди. А. Иоффе ленинча фикрлайдиган, янгича тасаввурлардан чўчимайдиган дадил мутафаккир эди. Шунинг учун ҳам материя йўқолган эмас, унинг ҳақидаги эски тасаввурлар йўқолди, материянинг эски физиканинг тасаввур доирасига сиғмайдиган янги хусусияти очилди, деб тушунди.

А. Иоффе янги физиканинг фаол жангчисига айланди. Олимнинг атрофига рус физиклари уюшди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин тез орада Петроградда Физика-техника институтида совет физикларининг илк мояси таркиб топди. Бу институтда А. Иоффе раҳбарлигида ва шогирдлари ташаббуси билан совет атом физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, кимёвий физика, радиофизика, СССРда биринчи марта телеқурилма ва циклотрон, жаҳонда илк бор радиолокатор вужудга келди. Институт А. Иоффенинг муносиб шогирдларини — машҳур совет физикларини вояга етказди, қардош республикаларда янги физика-техника илмий-тадқиқот институтларининг яратилишига асос бўлди.

Серғайрат инсон А. Иоффе доҳиймиз В. И. Ленин йўлланмаси билан чет эллардан Совет ҳокимияти учун фавқулодда зарур илмий асбоб-ускуналар келтирган ва ҳорижий марказлар билан дастлабки алоқаларни йўлга қўйган ташкилотчи олимлардан бири эди. Академик А. Иоффе бир неча йиллар давомида кўпгина халқаро илмий анжуманларда иштирок этди ва уларнинг раҳбарлик органларига сайланиб келди.

Олим кристалларнинг мустаҳкамлигини ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшди. Кристалларнинг мустаҳкамлигини оширишнинг «Иоффе эффекти» номи билан машҳур усули техника ва саноатга кенг жорий этилди. У электроннинг мавжудлигини далиллади, рентген нурларининг квант оқимидан ташкил топганини тажрибада аниқлади. Шунингдек, А. Иоффе кристалл диэлектрик орқали токнинг келиб чиқиш механизмини тушунтириб берди. Бу теран тадқиқотларнинг натижаси электротехниканинг юксалишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда. Олим ўз шогирдлари билан яримўтказгичлар физикасига асос солди. Ана шу кашфиётлар совет радиотехникаси, электротехникаси ва электроникасида чинакам ўзгариш ясади.

Улуғ Ватан уруши йилларида А. Иоффе танк зирҳларини такомиллаштириш ишларига бошчилик қилди. Унинг ташаббуси билан партизан рацияларини электр қуввати билан таъминлаш учун термаэлементли қозончалар яратилди.

Академик А. Иоффе фанда фақат «соф» фан учунгина эмас, балки коммунизм қурилишининг юксак идеаллари учун ижод қилди. «Революциягача бўлган даврда,— деган эди у,— фан мен учун фақат севимли машғулот эди... Революция бошланиши биланоқ у коммунистик жамият қурилишининг улуғвор вазифаларидан бир қисмига айланди». Физиканинг қишлоқ хўжалигида самарали қўлланишида А. Иоффе фаннинг коммунизм учун курашдаги моҳиятини чуқур ҳис этди. 1932 йили олимнинг етакчилигида дунёда ягона Агрофизика илмий-текшириш институти ташкил топди. Олим ҳаётининг сўнгги кунларигача, яъни 1960 йилга қадар институтга бошчилик қилди.

Фидойи олим, академик Абрам Федорович Иоффенинг бутун ҳаёти қизғин изланиш ва ижод ташвиши билан тўлиб-тошган эди. Бу катта, мазмунли, табаррук ҳаёт физика тарихининг энг ажойиб саҳифалари билан чамбарчас боғлангандир. Биз ана шу ёрқин саҳифаларда уни совет физикасининг отаси сифатида кўрамиз.

Б. ПОЛЯКОВ

Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Афғон, эрк муборак!

Афғон!
Нажот, дея
ҳар сари боқдинг,
Кўзи илтижога
тўлиб
турган юрт.
Тарих ўзанида
мен билан оқдинг,
Азал жафоларин
бирга кўрган юрт.
Афғон тортдинг,
ҳожат бўлмади раво,
Дарёлар бўйида
лабларинг чатнаб.
Самодан изладинг
дардингга даво,
Товонинг қабарди
Маккага қатнаб.
Келгинди талади,
Ерли талади,
Қонинг тўкди
Шужо,
Баччаи Саққо.
Дардингга Жайҳун ҳам
уввос солади,
Қирғоқлари мисли
чок бўлган ёқа.
Сенга ҳақ йўлини кўрсатиш учун
Бағрингда улғайди
Нажот — партия.
«Бир жойга йиғ,—
деди —
зарбангнинг кучин!»
Муддаонг танида
ўша — бош мия.
Афғон!
Ватанимга
кўп йиллар боқдинг,
Кўзлари ҳайратга
тўлиб
турган юрт.
Инқилоб ўтин ҳам
сен
охир ёқдинг,
Саврда бахтнинг чин уйин
қурган юрт.
Муборак
бошдаги толе юлдузинг,
Озод
чироғинг ҳам
ёнган эшикда.
Энди ғам кўрмасин
ҳар ўғил-қизинг,
Келажагинг бўлиб
балқсин бешикда!

Сурхондарё

эди. Бу жиҳатдан хроникада қайд этилган шу факт ибратлидир: «РКП(б) IX съезди кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиб бўлингач, съезд делегатлари Ленинни унинг яқинлашиб келаётган 50 йиллиги муносабати билан муборакбод этишни таклиф қилдилар. Ленин шу хусусда сўзга чиққан Е. А. Преображенскийга луқма ташлаб: «Келинг, яхшиси «Интернационал»ни айтайлик», дейди.

Хроника сўнгги томларининг юзлаб саҳифаларида В. И. Ленин, Коммунистик партия сиёсий тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш учун актив сиёсат олиб борганлиги акс эттирилган. 1920 йилда Литва, Латвия, Финляндия, Польша билан тузилган тинчлик ҳақида шартномалар, Ленинниг қўшни мамлакатлар — Афғонистон, Эрон ва Туркия билан дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга берган катта эътибори бунинг ёрқин далилидир.

Китобда Совет Россиясининг барча манфаатдор давлатлар билан иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш масалаларига оид кўплаб янги ҳужжатлар келтирилган. Жумладан, Америка буржуа газетасининг мухбири Л. Эйр билан суҳбатда Владимир Ильич бундай деган эди: «Нима учун бизнинг давлатимиз сингари социалистик давлат капиталистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ишга оид муносабатларни йўлга қўйиши мумкин эмас, мен бунга қарши бўлган ҳеч қандай сабабни кўрмайман». Социалистик давлатнинг актив дипломатик фаолияти, катта ва кичик халқларнинг тенг ҳуқуқли муносабатлари учун олиб борган сиёсати меҳнаткашларнинг, бутун жаҳон прогрессив кучларининг Советлар Республикасига бўлган ҳурмат ва эътиборини ошира борди.

Келтирилган янги маълумотлар Ильичнинг миллий чекка ўлкалар коммунистларига совет давлатчилиги барпо этишда, янги ҳаёт қурилишининг амалий вазифаларини ҳал қилишда доимий ёрдам кўрсатганлигини яна бир бор ёрқин намойиш этди. Ленин миллий кадрларни ўстириш ҳақида, миллий районларга, жумладан, Совет Туркистонига ҳам ҳарбий, ҳам молиявий, маданий ва бошқа керакли ёрдамларни бериш тўғрисида ғамхўрлик қилди, қардош республикалар раҳбарлари билан бевосита алоқа боғлаб турди, партия VIII съездида иштирок этган туркистонлик делегатларни қабул қилди ва суҳбат давомида ўлканинг иқтисодий ва маданий масалаларига катта эътибор берди.

Биринчи марта эълон қилинган кўпгина ҳужжатлар доҳиймизнинг пахтачиликни ривожлантириш, пахтани харид қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ масалаларни ниҳоятда чуқур ўрганиб борганлигини акс эттиради. Унинг Туркистон ўлкасида суғориш ишларини кенг авж олдиришга қаратган диққат-эътиборининг янги-янги қирралари хроника сатрлари орқали яққол маълум бўлди.

Биографик манба саҳифаларини варақлар эканмиз, Владимир Ильич Ленин фаолиятининг ижодий муҳитини, унинг илмий даҳосини, қудратли иродасини чуқур ҳис этамиз, турли тарихий вазиятларни қанчалик тўғри баҳолай олганини, ҳар бир ишнинг асосий йўналишини нақадар тез белгилаганини, келажак тараққиёти қонуниятларини доҳиёна зийраклик билан аниқлаганини кўрамиз.

Шунинг учун ҳам Ленин даҳоси мужассами бўлган революцион таълимот манбаларини чуқур ўрганиш, уларни кенг оммалаштириш ишига катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, В. И. Ленининг қарийб тўққиз мингта асари ва ҳужжатларини ўз ичига олувчи 55 томлик Тўла асарлар тўпламининг ўзбек тилида нашр қилиниши республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Инсон тафаккурининг бу энг бой хазинаси ўзбек халқига биринчи марта бу қадар тўла ҳажмда, юксак илмий ва полиграфик даражада етказиб берилди.

Фақат кейинги ўн йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг 70 дан кўпроқ асари 2 миллион нусхада нашр этилди. Леонид Ильич Брежневнинг китоблари, КПСС ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарлари кенг оммалашди. Айниқса, улар орасида Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари кишиларни уюштириш ва тарбиялашнинг бебаҳо тажриба мактаби, ялпи сафарбарлик муҳити, улкан собитқадамлик манбаи, ленинча иш юритиш ва раҳбарлик қилишнинг намунаси бўлиб хизмат этмоқда. Бинобарин, доҳиймиз В. И. Ленин биографик хроникаси — бу қомусий тўплам, революцион таълимотимизни ўрганувчи ҳар бир киши учун бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади, ленинча яшаш ва иш тутишга ўргатади.

С. САИДҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг илмий секретари, фалсафа фанлари кандидати

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Ўртачўл! Одамларнинг қалб қўри билан кундан-кунга яшнаб бораётган қадимий даштнинг бугунги жамолига боқиб, кўз қувонади. Ифтихор қилмай бўладими ахир! Бутун атроф ям-яшил пахтазорлар, узумзор, мевали боғ-роғлар билан қопланган. Кўчиб юрувчи қум барханлари, янтоқзорлар ўрнида қад ростлаган бинолар қўли гул инсоннинг ақл-заковатидан ҳикоя сўзлаётгандек туюлади.

Мана, икки қаватли муҳташам дала шийпони колхоз ва совхозлардан келган мутахассислар, қалби олов комсомол-ёшлар билан гавжум. Шийпон олдидаги саҳнда осмонга талпинаётган биллур фаввора узоқлардан нафис нилуфар гулдай қуёшда товланиб кўзни қамаштиради. Тўкин дастурхон атрофида беш-олти киши суҳбатлашиб ўтиришибди. Уч авлодга мансуб бу меҳмонлар орасида Бухоро инқилоби ветерани, Жанговар Қизил Байроқ ордени кавалери Ибод бобо Сайфуллаев, Қизилтепа район «Москва» колхозининг механизатори, Ленин ордени кавалери Тўйбиби Бобоназарова, машҳур бригада бошлиғи, Ўртачўл тажриба мактабининг асосчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов ҳам бор. Уларнинг суҳбатлари чинакамига уч авлод баҳсига айланиб борарди.

И. Сайфуллаев: Инсоннинг бурчи, қаҳрамонликнинг моҳияти, коммунистик эътиқод, анъаналаримизнинг доимийлиги... ҳақида фикрларимни сўрадингиз. Бу ҳақда ўйласам, коммунист шоир Нозим Ҳикматнинг шу сатрлари ёдимга тушади:

Ҳаётда кўп жиддий яшамоғинг шарт
Ва шу даражада, шу йўсиндаки,
Инсонлар йўлида, инсонлар учун
Ўлмоқ даркор бўлса, ўла олгайсан.
Яъни ҳаётингни шу қадар жиддий,
Шунча ишонч билан давом эттирки...

Т. Бобоназарова: Аждодлар ўз қўшиқларини юракларининг қони билан ёзиб кетган, дейиш мумкин.

И. Сайфуллаев: Эски замон шундай шафқатсиз эди-да, болам. Бошга тушган кулфатлардан кимга қарама бағри қон, юраги хуфтон эди. Масалан, мен сизларнинг ёшингизда бошимдан кечирганларимни ёзсам, ўтган аламларга қоғоз ҳам бардош беролмаслиги мумкин. Муболаға деб ўйламанг.

Инқилобдан олдин ҳам Бухоро ўзининг қоракўл териси билан машҳур эди. Отам амир ёмхоналаридан бирида ҳунарманд бўлган. У ёмхонани зиндон деб атарди. Лекин оиламизни тебратиш учун шу зиндонда ишлашга мажбур эди. Терини ошлаётганда кўтарилаётган чанг-тўзон, туз зарралари таъсир қилиб касалга чалинди, кўзлари бора-бора ҳеч нарсани кўрмай қолди. Дили тўла алам билан қирқ ёшида оламдан ўтди.

Онам мени ҳовлимиз яқинидаги Мирараб мадрасасига берди. (С. Айний ҳам шу мадрасада ўқирди.) Бироқ менинг мадрасада ўқишим узоққа чўзилмади... Регистон остонасидаги қонли тўқнашувдан кейин амир инқилобчилардан қаттиқ ўч олди. Ҳожи Мирбобо Муҳсинзода, Мирза Нарзулла Ғафуров, Садриддин Айний каби ўттиз инқилобчи зиндонга қамалди. Уларни халқ кўзи олдида етмиш беш даррадан саваладилар... Калтакланганларнинг ўша пайтдаги аҳволини айтишга тил бормайди.

Ҳ. Сулаймонов: «Амирликнинг емирилиши» фильмида инқилобчилар қаторида сизнинг ҳам исмингиз тилга олинган шекилли?

И. Сайфуллаев: Ҳа, ўша воқеадан кейин амир одамлари уйимизда тинтув ўтказиб, уч-тўртта русча китобни топиб олдилар. Бу ҳақда амирга хабар етказдилар. Амир мени ҳам инқилобчилар қаторида зиндонга ташлашни буюрди. Бироқ ёш инқилобчилар раҳбари Файзулла Хўжаев ёрдамида омон қолдим. Русчани бошқалардан кўпроқ билганим учун мен унинг котиби этиб тайинландим. Инқилобни давом эттириш мақсадида яширин равишда Тошкентга йўл олдик.

Тошкентдан туриб, аҳволни доҳий Владимир Ильич Ленинга баён қилдик. Тез орада Михаил Васильевич Фрунзе бошлиқ Қизил Армия қисмлари ёрдамга етиб келди. Биргаликда яна амир салтанатига қарши ҳужум бошладик. Шаҳар инқилобчилар томонидан ўраб олинди. 1920 йил сентябрда Бухоро арки устида Қизил байроқ ҳилпиради. Кинога ана шу воқеалар асос қилиб олинган.

1922 йилдан кейин Бухоронинг чекка районларига қочган амир малайлари босмачи тўдалари тузиб, ёш ҳокимиятни ағдариб ташлашга уриндилар. Бу пайтда мен Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимида ишлар эдим. Ҳамкасбларим билан ёшларни босмачиларга қарши курашга даъват этдик. Махсус вазифаларни бажарувчи отряд туздик. От, қурол-яроғ билан таъминланган бу отряд қаердаки оғир вазият вужудга келса, шуерга жўнатиларди. Мен бу отрядга таржимон, йўл бошловчи эдим. Босмачи шайкалари қаерларга ўрнашиб олган, уларни қайси йўл билан осон қўлга тушириш мумкин? Аввалдан разведка қилиб, кейин отрядга маълум қилардим. Ҳовлида ҳамиша эгарланган отлар турарди. Бири толиқса иккинчисини миниб кетаверардик. Уч-тўрт кеча-кундузлаб отдан тушмасдик. Босмачилар қочиб кетаётиб қум тепаликлари, тоғ-тошлар орасига беркинардилар. Қоракўл, Олотдан Комил қўрбоши бошлиқ босмачи шайкалари, Бухоро яқинидан Шоди Одил, Сафар Жўра бошлиқ қуролланган шайкаларни тириклайин қўлга туширишда ўнлаб сафдошларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Душманлар қўлга тушгач, халқ судида қилмишларига яраша жазо олдилар.

Инқилоб ветерани Ибод бобо Сайфуллаев.

Босмачиларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган олтмиш уч инқилобчи чекист партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Шулар қаторида менинг кўксимни ҳам «Жанговар Қизил Байроқ», «Қизил Юлдуз» орденлари безади.

Ҳ. Сулаймонов: Улуғ Ватан уруши оғирликлари ҳам сиз инқилоб чавандозларининг зиммангизга кўп вазифаларни юклади.

И. Сайфуллаев: Ҳа, мен тенгги кексалар икки урушни кўрдик. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши юрагимда битмас жароҳатлар қолдирди. Бу йилларда 81-отлиқ қўшма отряд составида Тожикистон, Туркманистон, Термиз тоғларида мамлакатимиз чегараларини қўриқладик. Отда тинимсиз тоғ кезар, душман жосусларини тутиб, тергов органларига топширар эдик. Ҳар қадамда ўлим хавфига дуч келардик. Чет эл агентларини қўлга туширганимизда отрядимизда байрам бўлиб кетарди. Бир тўқнашувда ўқ еб, тизза бўйи қорда қолиб кетдим. Отрядимиздагилар хабар топгунларигача изғирин, қор миямга, кўзларимга ёмон таъсир қилган экан. Шунинг оқибатида, мана, неча ўн йилдирки, дунёни қалбим билангина кўраман, ҳис қиламан.

Олти фарзандим бор. Тўнғич ўғлим Бухоро область партия комитетининг маъмурий бўлимида ишлайди. Қолганлари эса мактабда таълим олмоқдалар. Умр йўлдошим — шаҳардаги Энгельс номли 7-мактаб директори Саодатхон Сайфуллаева ҳамиша менга ғамхўр, кўмакдош.

Фарзандларим, ёшлар мендан қаҳрамон бўлиш учун қандай яшаш кераклигини қайта-қайта сўрайдилар. Мен уларга: «Авало элингизни, Ватанингизни севинг, ота-боболарингизнинг анъаналарига муносиб бўлинг. Қаҳрамонлик ана шу туйғулардан бошланади», дейман. Ахир ҳақиқатан ҳам шундай-ку. Мана, масалан, айтинг-чи, иним Худоёр, сиз Улуғ Ватан уруши йилларининг комсомолларидан бири сифатида қандай қилиб қаҳрамон бўлдингиз? Ўзингизнинг шу кунгача қилган қайси ишларингиз билан фахрлана оласиз?

Ҳ. Сулаймонов: Улуғ Ватан уруши бошланганда мен бошланғич мактабда ўқирдим. Бир куни синфимизга колхознинг раиси мактаб директори билан кириб келди. Муаллимамизга шивирлаб бир нималарни тушунтирди-да, кейин бизга мурожаат қилди: «Оталарингиз, акаларингиз ҳаммаси урушда. Улар сизнинг келажакда осойишта, бахтиёр ҳаёт кечиришингиз учун фронтда жон олиб, жон беришяпти. Улар учун озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб беришга кетадиган маблағни қоплаш учун кўплаб пахта етиштиришимиз керак. Вақтинча ўқишни тўхтатиб, колхоз ишларига ёрдамлашишларингизни ўтиниб сўрайман, болаларим».

Эртаси куни ҳаммамиз ўзимиздан катта кетмонларни кўтариб, далага чиқдик. Урушга кетган жигарбандларимизнинг омон қайтишлари учун кечаю-кундуз ишлашга тайёр эдик. Ҳали у синфдошимизнинг, ҳали бу синфдошимизнинг отасидан, ё акасидан қора хат келиб, кўзларимиз жиққа ёшга тўлар, дилимиз хун бўлар эди. Аламимизни меҳнатдан олардик. Меҳнатдан бошқа нарсани билмасдик. Ишлаган сайин ўзимизнинг улғайиб қолганимизни тушуниб борардик. Мен аравакаш бўлдим, сувчилик ҳам қилдим, трактор ҳам ҳайдадим.

Ниҳоят уруш тугади. Лекин мен мактабга қайтолмадим. Колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Бригаданинг ерлари қаровсиз эди. 36 гектар ер лахтак-лахтак майдонларга ажратиб ташланган, уларнинг ҳам кўп қисми ишлатилмай ётар эди. Колхоз раисидан бригада аъзоларининг даромадини яхшилаш мақсадида яна 4 гектар ер қўшиб беришни илтимос қилдим. Гектаридан 13 центнердан ошириб ҳосил олдик. Бу ўша йилларда дуруст кўрсаткич ҳисобланарди.

1952 йили сув етарли бўлгани учун ҳосилдорлик 26 центнерга етказилди. МТСдан техника қуроллари сотиб олдик. Бригадамиз ерлари яқинидан ўтадиган Зарафшон дарёси соҳилларидаги қадоқ ерларни ўзлаштириб, бригадамиз ер майдонига қўшиб бордик. Ўзлашмаган қаровсиз ерлар ҳисобига экин майдонимизни 120 гектарга етказдик. Ҳосилдорликни 45 центнерга кўтардик.

1957 йилга келиб қўшни бригадаларнинг аъзолари колхоз правлениесидан Исом Иброҳимов ва Шодмон Жўраев бошлиқ икки қолоқ бригада-

замондошларимиз

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов.

ни бирлаштириб, қолоқликдан олиб чиқишимни илтимос қилдилар.

Бу бригадаларнинг ерларига ҳатто сув ҳам қўшни колхоз ерларидан олиб келинарди. Икки бригада аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этдик. Даромаднинг камлиги оқибатида бригадани ташлаб кетган оилалар қайтиб келишди. Қолоқликнинг сабабини аниқласак, баъзи тракторчилар ҳар йили ерни йигирма беш сантиметр чуқурликда культивация қилиб, жуфтакни ростлаб қолаверишаркан. Биз ўшандай ғирромлар устидан акт тузиб, соврилган пулларни ундириб олдик ва далани шудгорлашни бошқатдан бошладик. Далага биринчи йилиёқ 30 тонна маҳаллий ўғит олиб чиқдик. Икки йилда барча камчиликларга барҳам бердик. Ҳосилни гектар бошига 40 центнерга етказдик.

Бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун бошқа резервлар қолмаган эди. Нима қилиш керак? Ўтган муваффақиятларга суяниб, жонни койитмай юраверишми керакми? Кечалари билан чора излаб тонг оттирардим. Шунда Ўртачўлда отам билан қўй боқиб юрганимда туғилган фикрлар эсимга тушди. Ўшанда чўлга дўппимизни тўлдириб ўрик олиб борардик. Орадан ҳеч вақт ўтмай тупроққа тушган данакларнинг, қўйларга берилганда тўкилган арпа доналарининг кўкариб қолганини кўриб отам: «Агар сув бўлса бу ерларда экинтикин бемалол кўкаради», дерди.

Шундай яхши ниятни дилга тукканча колхоз правлениесидан чўлга битта насос қуриб беришларини илтимос қилдим. Таваккал, деб ўзим рулга ўтириб, трактор чўл ичкарисига кириб бордим. 50 гектар ерни ҳайдаб, чигит экдим.

Чигитни сувсиз қандай ундираркинман энди, деб бошим қотиб турганда, жала қуйиб берди. Шунинг таъсирида чигит ердан потирлаб униб чиқди. Хотиним, етти қизим, қариндошларимни шанба-якшанба кунлари чўлга олиб чиқдим. Улар ғўзани ягана қилишди, ишлов беришди. Бир ой кеч экилган чўл пахтаси колхоз пахтасига етиб олди.

И. Сайфуллаев: Кейин сувни қаердан олиб келдингиз?

Ҳ. Сулаймонов: «Узсельхозтехника»да ишлайдиган бир танишим қачонлардир ишдан чиққан насосни ремонт қилиб, зовурга ўрнатиб берди. Зах, шўр сув ҳам ўн процент пахтанинг илдизини қирқди. Бу ҳам етмагандек, ғўзалар энди гуллай бошлаганда колхознинг уч юз туяси келиб бир кечадаёқ бор ғўзани еб кетди. Эрталаб борсам, кечаги гуркираган ғўзалардан яйдоқ чўкиртакларгина қолибди. Ўзимдан ҳам кўпроқ қизларимнинг меҳнатига ачиндим. Ёмғир демай, саратоннинг жазирамаси демай озгина елиб югуришдими улар!

Бир ҳафтадан сўнг туялар еб кетган ғўзалар яна барг чиқара бошлаганини айтиб, болалар мени яна чўлга отлантиришди.

Чўлга борсам сув хўжалигидагилар аллақачон насосимизни олиб кетишибди. Кейин сув бошидагиларнинг олдига бориб ётиб олдим. Кечакундуз уларга ёлвориб, чўл ғўзасини уч марта суғордим. Биз шу йили чўлдан 56 тонна пахта олдик. Шу тариқа ерларимиз кенгайиб, ҳосилдорлик йилдан-йилга юксалиб бораверди.

1977 йили олтмиш чўлқувар саҳрога чиқдик. 60 гектар ерга чигит экдик. Парваришни юксак даражада олиб бордик. Кузда 25 ўрнига 50 центнердан ҳосил етиштирдик. Ўша йили партия ва ҳукуматимиз мени Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирлади.

Ҳамқишлоқларим ҳам энди қизиқиб чўлга кела бошладилар. 40 бригадага уюшган юзлаб оловқалб ёшлар асрлар давомида фойдаланилмай ётган бўз ерларни деҳқончилик оборотига қўшдилар. Уч пахтачилик ва бир боғдорчилик совхози ташкил этилди. Дастлаб чўлга келган Файзулла Поччаев бригадаси 100 гектар ердан эндиликда 50 центнердан, Файзулла Ражабов бригадаси эса 51 центнердан ҳосил олмоқдалар.

Область, район партия комитетлари ёрдами билан тегишли ташкилотлар бизга дала шийпони, меҳмонхона, фонтан, бир неча замонавий уй-жой қуриб бердилар. Шийпон атрофида 10 гектарли боғ барпо этдик.

Янги хўжаликларда маданий қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ўртачўлни мўл ва арзон пахта конига айлантириш асосий мақсадимиз бўлиб қолди. Мен ана шулар билан фахрланаман, Ибод бобо.

Т. Бобоназарова: Яқинда «Ўртачўл тарихини ўрганиш» музейида бўлганимда сизнинг муваффақиятларингиз билан танишиб, сизга бўлган меҳрим ва ҳавасим юз чандон ортди, Худоёр ака!

Мана бу фактларни қаранг: «1964 йил. Илғор бригада бошлиғи Х. Сулаймонов «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди».

«1965 йил. Х. Сулаймонов бригадаси ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириб, районда рекорд кўрсаткичга эришди. Бригадирнинг кўксини Ленин ордени безади».

«1973 йил. Қолоқ бригадага ўтиб ишлаб ҳосилдорликни 13 центнердан 43 центнерга кўтарган коммунист бригадир Худоёр Сулаймоновга «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» деган юксак унвон берилди».

«1977 йил. Оддий чўпон ўғли, Ленин ордени кавалери Худоёр Сулаймонов оила экипажи билан чўлда 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 64 центнердан пахта етиштириб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин Юлдузи билан тақдирланди!».

Қойилман сизларга! Съездлар йилида ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил етиштиришга азму қарор қилибсизлар. Чўл шароитида бундай юқори ҳосил етиштириш қанчалар қийин ва ҳаддан ташқари машаққатли иш экани ҳаммамизга маълум. Агар ёзувчи бўлсам, юрагимдаги барча туйғуларим, меҳрим, қалбим ҳароратини қоғозга тушириб, китоб қилардим. Сизларнинг ҳаёт йўлларингиз келажак авлод учун ибрат бўлиб қоларди.

Х. Сулаймонов: Сиз қизим, йигирма беш ёшда қандай қилиб Ленин ордени олишга сазовор бўлдингиз, ана шуни сўзлаб берсангиз.

Т. Бобоназарова: Мен ҳам сиз каби чўпон оиласида дунёга келганимни биласиз. Биз олти фарзандмиз оилада. Ҳаммамизнинг ҳам ёшлигимиз сурув ортидан, чўлларда отамиз билан бирга ўтган. Ҳатто оиламизнинг тўнғич фарзанди Салим акам ҳали ҳамон отам билан чўлда яшайди, чўпонлик касбини танлаган. Мени эса мактаб партасида ўқиб юрган кезларимдаёқ пахтакорлик касби қизиқтириб қолди. Сиз ва районимиздаги донгдор пахтакорлар ҳақидаги мақолаларни доимо ўқиб борар, газеталардан қирқиб олиб асраб қўяр эдим. Бу ҳавас мени район марказидаги механизаторлар тайёрлаш курсига етаклади. 1969 йили терим машинасида илк бор 90 тонна пахта терган бўлсам, ундан кейинги йили бригадада чигит экишдан тортиб, ерни шудгорлашгача ҳамма ишни механизация ёрдамида амалга оширдим. Ўша йили мен меҳнат қилган Шавқи Раҳимов бригадаси 69 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни 161 процентга етказди. «Зангори кема» ёрдамида терган пахтам 300 тоннага етди. Кўксимни «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени безади. Ўн тўққиз ёшимда Коммунистик партия сафига ўтдим.

Кейинги йили мени бригада бошлиғи этиб тайинлашди. Энди отам, акам чўлда,— яйловда, мен эса бригадамизнинг аъзолари онам, укаларим билан далада тонгни қаршилардик. Машинамга иш қолмаган пайтлар рулдан тушиб колхозчилар билан сув ҳам қўярдим, чеканка қилардим.

Ҳисобласам, 1974 йили далага 250 тонна ўғит ташибман. 34 гектар ерни текислаб, вегетация даврида машинам ёрдамида колхознинг 820 гектар ердаги ғўзасига ишлов берибман. Кузда эса машинам ёрдамида 350 тонна пахта тердим. Пахта плани бригадамда 25 иш кунида бажарилди. Ленин ордени билан тақдирландим. Мени ВЛКСМнинг XVII съездига, ЎзЛКСМнинг XX съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездларига делегат этиб сайладилар. Область Советининг депутатлигига, область партия комитетининг бюро аъзолигига сайландим.

Машина рулига ўтирганимга ҳам ўн йил бўлибди. Ҳар йили мавсумда машина бункеридан 300—400 тоннадан ошириб пахта тўкяпман. Оиламиз тотув. Енгил машинамиз ҳам бор. Икки фарзандим далада, машина кабинасида ёнимда ўтириб катта бўлишяпти.

Гоҳо ярим кечалари ғўзаларнинг, юлдузларнинг унсиз шивирлашидан уйқум қочиб, ўйлайман: «Хўш, мен кимман? Нима мақсад билан, кимларнинг номидан яшаяпман? Оталаримиз нега ўлимга тик бордилар, қийноқларга дучор этилдилар? Минг-минглаб қизилтепалик оналар ўз фарзандининг қабри қаерда эканини билмай азоб чекадилар. Уларнинг ўғиллари порлоқ истиқбол учун, Ватанимиз бахт-саодати учун ҳалок бўлдилар. Уларнинг руҳини шод этиш учун бригадам аъзолари билан бугунгидан ҳам кўпроқ ҳосил етиштиришга қодирманми? Юрагимизни доим безовта қилиб келаётган, улкан ютуқларга эришишимизга сабаб бўлаётган нарсалар мана шулар.

1974 йилда Берлинда ўтказилган Жаҳон ёшлари ва студентларининг Х фестивалида иштирок этдим. Фестиваль тугагач, шаҳарнинг тарихий жойларини бориб кўрдик. Ҳар қадамда қардошлик мозорлари. Улар орасида ҳамшаҳарларимизнинг ҳам қабрлари бор экан.

Бухенвальд музейида эса кўзларимиз жиққа ёшга тўлди. Экскурсовод тинмай ҳикоя қиларди: Бухенвальд иккинчи жаҳон уруши йиллари гитлерчиларнинг даҳшатли ўлим лагери бўлган. Унда турли миллат фарзандлари, Германияга зўрлаб келтирилган совет кишилари сақланган. Лагерда 239 минг махбус бўлиб, шундан 56 мингтаси қулоқ эшитмаган қийноқлар билан азоблаб ўлдирилган. Улар орасида энг кўп ўлдирилганлари совет кишилари эди...»

Ичкариги хонага ўтамиз. Деворда — фашист жаллодларининг уруш йиллари ишлаб чиққан плани. Унда славян халқларини ер юзидан битта ҳам қўймай қириб ташлаш, газ ва крематорийлар ёрдамида 200 миллион одамни қийнаб ўлдириш, 50 минг асирни энг қийин ишларда қулдай ишлатиш, бутун дунё аҳолиси устидан қаттиқ ҳукмрон-

Илғор механизатор Тўйбиби Бобоназарова.

Охунжон ҲАКИМОВ

Тафаккур боқий

Битди бетарафу беқиёс қаср,
Миноралар бош уриб турар фалакка.
Хитоблар жаранглар:
— Меъмор, қандинг ур!
— Жаҳонда ягона!
— Жаҳонда якка!

Нилий гумбазларин товланишига
Лол қолиб боқади бутун Қоҳира:
«Бундай қаср кирмиш кимнинг тушига?»
«Унинг қаршисида саройлар хира!»

Замон мўъжизаси,
Қасри муҳташам
Иқлимлар ақлини қилган чоғда лол,
Ҳукмдор фармонга муҳр урди шахдам,
Фармонки, ҳар сатри кескир ва қаттол!

«Гарчанд муҳандисга тараф йўқ асло,
Гарчанд беқиёсдир ақлу идроки,
Дарҳол қўлларидан этилсин жудо
Ўзга бундай қаср қурмасин токи!»

Амри подшоҳ вожиб...
Худди шу онда
Бажо келтирилди мудҳиш бу фармон.
Қаср пойидаги мармар майдонда
Меъмор кифтларидан шарроС оқди қон...

Меъмор қўлсиз ўтди...
Ва лекин қаср
Ҳамон булутларга чўзиб турар қад.
У билан яшайди нақ олти аср
Даҳшатли эртакка ўхшаш ҳақиқат!

Бундай ҳақиқатлар...
Беҳад, беҳисоб!
Қонли ҳақиқатдан қон йиғлар тарих.
Ўзи, қай замонда зулму ёвузлик
Эзгулик кўксига ботирмаган тиғ?

Танлаб-танлаб бийрон тиллар кесилди,
Танлаб, зукко кўзлар ўйилди — бор гап.
Имонсизлар эмас, донолар боши
Бир-бир, танлаб-танлаб тортилди дорга...

Қабоҳат, бедодлик хуружин маъюс
Кузатди асрлар
оқариб ранги.
Давом этиб келар кескин, юзма-юз
Ёркин тафаккур ҳам жаҳолат жанги!

Қўлу бошни кесиб,
кўзга тортиб нил
Идрокни тиқмоқчи бўлурлар гўрга.
Аммо, маҳв бўлмас тафаккур, ақл.
Қилич зарби қачон ўтибди нурга?

Қалам

— Қалам! Бахшиш... — дея қўлларин чўзиб
Қаршимда турибди рангпар қизалоқ.
«Қалам», деб, жавдирар қоп-қора кўзи,
Ялинчоқ кўзларда фақат шу сўроқ...
«Қалам!», деб,
теграмда тинмай чуғурлаб
Болалар бузгудек бўлар оламни.
Ҳайратим ошади: ўзи нима гап,
Туш кўриб чиққанми булар қаламни?

Йўқ, йўқ, чақа — эҳсон сўрашмас зинҳор,
«Қалам», деб тавалло қиларлар фақат.
Қалам деб жавдирар
жаҳонда илк бор
Қаламни кашф этган қадим мамлакат...

Қалам улашаман ҳам шод, ҳам ҳайрон,
Шодон қийқиридан битгудек қулоқ.
Бунда не сўзларни ёзарсан, ўғлон,
Нима битаркансан, сен, ҳей, қизалоқ?

Нима ёзаркансан...
Тегрангга бир боқ:
Ота-онанг мунгли, эл-юртинг мунгли.
Диллари ёришмас ёқсанг-да чироқ,
Тузалмас жароҳат олгандай кўнгли.

Уларни таъқиблар хўрлик ва азоб,
Диллар бир истакда ёнар, ўртанар:
Юртни хароб қилди бир гала каззоб
Шундан кўкракларда ўтли пўртана!

Ушбу қаламингга шамшир бас келмас,
Сен унда разолат кўкрагини тил.
Сен унда нотавон сўзларни эмас,
Элинг дилидаги «эрк» сўзини битгил!

Теплоходда деҳқонлар баҳси

Тўлғанади Баҳри Мармар,
Жимирлайди тўлқинлар.
Қулоқларга қуйилади
Дилрабою шўх унлар.
Кимдир аста чайқаларкан:
— Оҳ, ҳаёт сулув!— дейди.
Кимдир боқиб чорлоқларга:
— Қув кемани, қув!— дейди.
Мангу сақлаб қолмоқчидай
Тахтадаги мавқени,
Шу ерда ҳам тинмас ўжар
Шахматчилар шовқини!
Ишқ туғилди ёш рассомда
Шу бепоён денгизда.
Сурат чизар
бир гўзалнинг
Бир зум қолмай изидан...
Кун ҳам ботди. Энди денгиз
Товланмоқда қорамтир.
Ҳар дақиқа асал дейсиз,
Ҳар дақиқа оромдир!
Аммо лекин, ҳув тўртовлон
Қилт этмасдан ўрнидан
Баҳслашишар тушдан буён
Кеманинг нақ бурнида.
Бири қўлин қўйиб қошга
Боқар экан уфққа,
Дер:
— Бунча ҳам катта бу ер,
Ўхшармн чети йўққа?
Яна бири олди нафас
Кўкрагини тўлатиб.
Сўнг гап қўшди:— Чигитни ҳам
Экаверсак бўлади!
Бошин қилди сарак-сарак
Шопмўйлов бир дарози:
— Чигит экмоқ нега керак!—
Хитоб қилди норози.—
Ғўза ўзи униб ётар,
Қаранг, каллаварамлар!..
Эгат бўлмай, нима ахир.
Анов тарам-тарамлар?
Кимдир уни турткилади:
— Қани бошла, хўш,— дея.
Бири гапга гап улади:
— Туш, туш, келмай бўш!— дея.
Дароз кулиб чайқайди бош,
Бортга тираб кўкрагин.
Боқар тўлқин тарамига,
Орзиқади юраги.
Тортишувлар бўлмас тамом,
Шўх кулар улфати чор.
Хаёллардан кетмас ҳамон
Сеялка,
чигит,
касбу кор...

лик ўрнатиш режалари кўрсатилган. Халқимизни, келажак авлодларни бу дахшатли фожиадан сизлар, сизлар каби минглаб Ватан фидойилари сақлаб қолдилар. Буни унутиб бўладими? Хизматларингиз олдида мангуликка қарздормиз.

И. Сайфуллаев: Ҳозир ҳам урушнинг аччиқ жароҳатлари битди, деёлмаймиз.

Х. Сулаймонов: Битмагани учун ҳам эслаб, юраклардан ўтказиб, сўзлашиб ўтирибмиз-да.

И. Сайфуллаев: Ер юзидан мана шу жароҳатларни тамом тугатиш, коммунистик жамиятни барпо этишга ҳисса қўшаётган ҳар бир совет кишиси, хоҳ у ишчи, хоҳ деҳқон, хоҳ оддий ўқитувчи бўлсин, ҳар бир касб эгасининг ҳаётини мен жасорат деб аташни истайман. Чунки улар давримиз ва келажак учун энг муҳим ишни бажармоқдалар. Бу биз кўрсатган инқилобий жасорат билан боғлиқ. Биз коммунизмни қурамиз. Бизнинг ҳам, сизларнинг, сиздан кейин дунёга келган ва келаётган навқирон авлоднинг ҳам мақсади, ғояси, орзу-армони коммунизм аталмиш жамиятни барпо этишга хизмат қилишдир.

Х. Сулаймонов: Агар жаҳондаги одамлар, авлодларимиз ҳақиқатан ҳам шундай идеал жамиятни келажак авлодларига раво кўрсалар, истасалар биз чўлни бўстонга айлантираётгандагидек улкан, эзгу иш учун ерга тер тўкишлари, тиним билмай ишлашлари керак. Ер инсонни оч қўймайди. Улар бир неча ўн миллиардга етганда ҳам замин уларни тўйдира олади. Биз ҳар ютуқни, фаровонликни, обрўни тер тўкиб мисқоллаб олдик. Булар келажак авлодларимизнинг кўкрагини баланд кўтарадиган, юксак қиладиган анъаналар. Менинг коммунистик эътиқодим, бугунги ёшларга, келажак авлодларга, дунёга айтадиган гапим мана шу.

Т. Бобоназарова: Демак, коммунистик эътиқод инсондан фидокорликни талаб қилади. Сизлар шу эътиқод билан яшаб келаяпсизлар. Бу эътиқод Ватанни тинч-омон ушлаб турибди. Бу эътиқод дунёни ўзгартирмоқда. Келажак авлодларнинг ҳам бахти ана шу эътиқодга қай хилда муносабатда бўлишларида, ота-боболарининг анъаналари, фидойиликларини қай хилда давом эттира билишларида қолган. Шундай эътиқод билан яшаётган ёшлар учун қаҳрамонлик кўрсатишга ҳамиша ўрин бор.

И. Сайфуллаев: Ўтганларни эслаш, анъаналарга муносиб бўлиш келажак авлодлар учун керак. Жонажон партиямизнинг XXVI съезди сиз республикамизнинг забардаст пахтакорлари олдига давлатга 6 миллион тонна пахта етиштириб беришдек улкан вазифани қўйди. Бухоро область меҳнаткашлари эса 700 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга бел боғладилар. Бу бахтли инсон учун, бахтли инсон номидан албатта. Бу — қанчадан-қанча уйқусиз тунлар, шамолдай тинимсиз дала айланиш, қўлларни қабартириб, пешанадан тер тўкиб ишлаш дегани. Бу улкан маррага машаққат чекмай эришиб бўлмаслиги сизларга равшан.

Х. Сулаймонов: Съезд қарорларида партия ва ҳукуматимизнинг диққат-эътибори ҳам меҳнаткашларнинг ишини осонлаштириш учун техникадан унумли фойдаланишга қаратилди. Ҳамма эътибор дала ишчиларига берилаётир.

Т. Бобоназарова: Бу ғамхўрликларни ҳис этишнинг ўзи ҳам биз ёшларни авлодларга муносиб бўлишга, Ватан учун қаҳрамонона меҳнат қилишга ундайди.

Х. Сулаймонов: Пахта! Оппоқ пахта — она халқимизнинг ўлмас қўшиғи! Бу қўшиқ юракларимизда тобора юксакроқ жаранглаб, бизни нотаниш юксак манзилларга олиб бораверсин. Меҳнат билан бахт топган, чинакам бахтиёр одамлар кўпаяверсин. Коммунистик партиямиз XXVI съезднинг ҳаётбахш қарорлари ва бизнинг фидокорона меҳнатларимиз замирида ҳам мана шу пурҳикмат маъно ётади.

И. Сайфуллаев: XXVI съезд қарорларини амалга ошира бориб, одамларни эзгуликка, коммунистик ғоя, эътиқод, анъаналар учун жасорат кўрсатиб ишлашга ундовчи катта, юксак яратувчилик ишларингизга муваффақият, ўзларингизга омонлик тилайман, жигарбандларим!

Суҳбатни **Назира ЙЎЛДОШЕВА** ёзиб олган.

Абдусаид КЎЧИМОВ

БОЙЧЕЧАК

Ҳикоя

Она-бола молхона деворига таппи ёпишарди: болакай эски челакда ўтинхонадан кўмир кукуни ташир, енгини тирсагигача шимариб олган онаси таппини кўмир увоқларига булаб думалоқларди-да, сўнг деворга урарди. Болакай бировга зарда қилгандек пачоқ челакни дам-бадам даст кўтариб ерга тўнкарар, ботинкасининг бир ёни ейилган пошнаси билан челакни устма-уст тепкилар эди. Онаси шунда ҳам пинагини бузмасди. Илонтепада қизғин жанг кетаётган шундай паллада шалаббо бўлиб кўмир ташиётган болакайнинг аламдан бўғилиб йиғлагиси келарди...

Кўчада от туёқларининг таниш дупури эшитилди. Болакай кўчага отилмоқчи бўлди-ю, онасига қараб, турган жойида бўшашиб кетди. Онаси худди қулоқ билан кўчани кўриб бўладигандек бошини хиёл қийшайтириб, ўқрайиб қўйди:

— Қара, бироз келганга ўхшайди!

Болакай кўчага отилди. Узун чакмонли тоғаси дарвоза рўпарасидаги букри толга отини боғламоқда эди.

— Эна, Тош тоғам!

Болакай тоғлар орасида яшовчи чўпон тоғасини жуда яхши кўрарди. Тоғаси ҳар гал унга ғаройиб совғалар олиб келарди. Чиройли тош граната, етмиш икки отарли арча автомат ҳам шу кишининг совғаси эди. Энг муҳими, тоғаси келганда у қанот чиқарар, онаси ҳам эриб кетиб, мик этмас эди.

— Оббо, азамат-эй, Қўзивоймас, Қўчқорвой бўлиб кетибсан-ку!— дея тоғаси гирдикапалак бўлаётган болакайни баланд кўтарди. Ана шунда Қўзивойнинг кўзи тоғасининг тулки телпагига қистирилган сап-сариқ бойчечакка тушиб қолди-да, унинг эркалаб айтган гаплари қулоғига кирмай қўйди. Кечагина Мурод Чилим бошлиқ болалар лойга беланиб қирдан бойчечак тополмай қайтишган эди. Мурод Чилимдек одам тополмай шалвираб қайтган бойчечакни у — Қўзи Лилипут кўтариб борса, қойил бўларди-да!

Тоғаси ҳовлига кирганда ҳам, Қўзивой кўзини телпакдан узолмади. Меҳмон тоғасидан ҳар қанча ийманса ҳам, бари бир ўзини тутиб туролмади:

— Тоға, ановини қаердан олдингиз?

— Айтгандай, сенга бойчечак топиб келувдим,— деди телпагини қўлига оларкан, жиянининг ҳалидан бери бошига жовдираб турганига энди тушунган тоғаси.— Қара, қандай чиройли!

— Ростдан менгами?— деб болакай терисига сиғмай ирғишлай бошлади.

— Ҳа-да!— деб тоғаси бойчечакни телпагидан авайлаб олиб кунга тутди.— Анавини қара!

Қаттиқ ердан қалтираб чиққан
бой-чечак!
Юмшоқ ердан ялтираб чиққан
бой-чечак!

Бойчечак Қўзивойнинг қўлига тегиши билан тевараккa лой сачратиб Илонтепа томон шаталоқ отди.

— Ур-ре-э-э!— у бойчечакни қўлида ҳилпиратиб, тойчоқдек шаталоқ отиб чопар эди.

— Пиёзини лойлаб ол, сўлиб қолади!— деганча ортидан қичқириб қолди тоғаси.

Кўлмакни кўлмак, шилтани шилта демай, елиб бораётган Қўзивой ҳарсиллаб Илонтепага яқинлашганда тепагузарликлар тор-мор этилган эди. Пастгузарликлар қўмондони Мурод Чилим қўллари боғланган асирлар олдида ғўдайиб у ёқдан бу ёққа юрганча, уларга қандай жазо бериш устида бош қотирарди. Ўйин қоидасига мувофиқ кимдир отувга, кимдир осувга, кимдир сургунга ҳукм қилиниши керак.

Шафқатсизлиги билан донг таратган Мурод Чилимнинг турқидан қўрққулик эди. У «наган»ини ҳавода ўйнатганча асабий одимлар, белидаги қиличи, этиги қўнжида осилиб турган ҳўл ва кир пайтаваси шап-шап этиб болдирига уриларди.

— Ўртоқ қўмондон, душманлар! Қўмондон бир сакраб тушди.

Бандилар ялт этиб пастга қарашди. Қўзивой тепалик сари ўрмалаб келарди. Буни кўриб асирлар нигоҳидаги оний қувонч сўнди: «Лилипутнинг қўлидан нима келарди? Отабек бўлганда...»

— Душман қанча?— деб Қўзивойнинг ёлғизлигини кўриб турган бўлса ҳам соқчига юзланди қўмондон.

— Биттага ўхшайди.

— Аниғи?!

— Битта, ўртоқ...

— Қўлга олинсин! Тириклай!

Қуролланган уч жангчи болакайни қуршаб ола бошлади.

— Мен ўйнамайман! Мен бойчечак олиб келяпман!— деб бақирди нафаси бўғзига тиқилган Қўзивой.— Мана!

У қўлидаги бойчечакни баланд кўтарди. Бойчечакнинг сап-сариқ япроқлари қуёш нурида тилладай товланиб кетди.

Қизиллар қизиллигини, асирлар асирлигини унутиб, ҳаммалари болакай томон югуришди.

— Қаердан топдинг?

— Қойил!

Бойчечакнинг қуёш каби товланиб турган тилла япроқчалари Мурод Чилимдан бошқа ҳамманинг кўнглидаги гина-адоватга барҳам берди. Чилим ҳам бойчечакни кўриб бир энтикиб тушган бўлса-да, бир неча жангдан кейин зўрға етишган лаззатли онлардан маҳрум қилгани учун Лилипутни ич-ичидан бўралаб сўкди.

— Зўр-ку, қоғозмасми?— деди у ҳаммадан кейин бойчечакни қўлига олиб.— Хўп вақтида келдинг-да, пакашвой. Бу энди бизники бўлади!

Унинг соққадай кўзлари айёрона ўйнаб турарди.

— Нега сеники бўларкан?— дея чувиллашди тепагузарликлар.

— Сизларни енгдикми, енгдик!— деб баланд келди қўмондон.— Барча мол-мулкларинг ҳам энди бизники бўлиши керак.

— Тўғри! Тўғри!— тасдиқлашди қўмондонларининг ақлига қойил қолган шериклари.

— Ўйин қоидасида бойчечак йўқ!— деб бўш келмади Рўзивой. (Отабек келмагани учун бугун у қўмондонлик қиларди.)— Бермасанг, Отабекни чақирамиз!

Отабек билан Мурод тенгдош бўлса ҳам, Мурод ундан чўчирди.

— Учгача санайман. Берсанг бердинг, бўлмаса... Бир, икки, икки ярим, чоракам уч...

Мурод довдираб қолди. Лекин сир бой бергиси келмади.

— Отабек-потабегинг билан қўрқитолмайсан!— деди ингичка бўйнини чўзиб.— Ғирром!

— Ўҳ-ҳў! Ҳали биз ғирром бўлиб қолдикми?— деди бу туҳматдан бўғилган Рўзивой. Сўнг ёнидаги болага буюрди:— Асад, Отабекка чоп!

Энди катта жанжал бўлиши аниқ эди. Буни Мурод ҳам сезди-да, чопишга шай турган Асаднинг енгидан ушлаб тўхтатди.

— Бўпти. Жириллайверма. Қонун бўйича бизники тўғри бўлса ҳам гапингга кўнамиз. Фақат битта шарт билан: бойчечак ҳаммамизники бўлади.

Икки гузар болалар «Бойчечак» айтишда ҳам ўзаро беллашиб келишарди. Биринчи бўлиб «Бойчечак» айтганлар анчагача нариги гузарликларга гап бермай юришарди. Мурод эшитмаганларини топиб айтарди.

— Йўқ!— дея Рўзиқул бурилмоқчи эди, яна Мурод қўймади.

— Шошма, балки Қўзивой розидир. У эсли бола, ҳар нарсага жиқиллашавериш яхшимаслигини тушунади. Тўғрими, Қўзивой?

Болалар шундан кейингина бир четда қолиб кетган Қўзивойни эслаб қолишди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дегандек бойчечагига хўжайинлик қилувчиларнинг кўпайиб кетганидан эзилиб турган болакайга Муроддек машҳур саркарданинг «Қўзивой» деб майин илжайиши ёқиб кетди.

— Бирга айтсак нима бўпти? Қайтанга кўпчилик бўлсак, кучуклар яқинлашолмайди, тўғрими?

Хижолат чекаётган Қўзивой иккиланиб қолди.

Рўзиқулнинг жаҳли чиқди:

— Кўнмоқчимисан унинг гапига? Билиб қўй, ҳозир бойчечакни олмасанг, иккинчи сен билан ўйнамаймиз!

— Ўйнамаса, ўйнамас!— деб аврай бошлади Мурод.— Мана, биз бормиз. Биз билан ўйнайверасан. Сен эса, ҳей, ёш болага унақа дўқ қилаверма, абжағингни чиқариб қўяман.

— Шунақами?!— деб Муродгамас, болакайга қараб аламли ҳайқирди Рўзиқул.— Сотқин! Кетдик, жўралар!

Тепагузарликлар Қўзивойга ўқрайўқрая пастга туша бошлашди. Эсанкираб қолган Қўзивой ҳам уларга эргашмоқчи эди, Мурод қўймади.

Қўзивой нимадир демоқчи бўлди-ю, томоғига бир туюр гўшт тиқилгандек бурнини торта-торта ўртоқларининг орқасидан қараганча қолаверди. Тепагузарликлар кўздан ғойиб бўлиши билан Мурод:

— Қўзивой — бойчечакнинг эгаси, у бошқалардан уч ҳисса ортиқ ҳақ олади!— деб эълон қилди.

Қўмондоннинг ана шу одиллигидан сўнг болакайнинг чиройи очилгандек бўлди.



...Шомга яқин қишлоқ бўйлаб болаларнинг янгроқ овози жаранглади:

Бойчечак аввал баҳор очилади-ей,
очилади!
Яхшиларнинг қошида
сочилади-ей,
Бой-чечак, бо-ой-че-чак!

Бу овоз ҳали мағзи илимаган даларга, эндигина куртаклаётган дарахтларга, оқимтир осмондаги ялтироқ юлдузларга тегиб акс садо бераётгандек туюлади.

Режа бўйича, «Бойчечак» айтиш Фотима фолбинникидан бошланди. Фотима фолбин қишлоқ четидаги ҳовлида ёлғиз яшарди. Қишлоқда у ҳақда ҳар хил миш-мишлар юрарди: фолбин оқшомлари фариштаю малойикалари билан гурунглашармиш, ҳовуз бўйида ажиналар билан ноғора чалиб базм қилармиш. Кимки фолбиннинг жиғига тегса оғзини қийшиқ, оёғини шол қилиб қўярмиш...

Ҳовли атрофидаги нурайвериб ер бағирлаб қолган пахса девор чўкиб ётган туя, калласи хумдек айиқ ва яна алланима балоларни эслатарди. Бўғотда осилиб турган яктоқ пардалар шамолда Ибн Хаттоб чолнинг соқолига ўхшаб селкиллар, буралиб-буралиб ўсган жийда танаси битта, боши мингта аждардек кўнгилга ваҳима солар эди.

— Калтаги борлар олдинга ўтсин!— деб буйруқ берди Мурод дарвозага яқинлашишгач.— Кучук чиқса ҳеч ким қочмасин!— У овози борича куйлаб юборди:

Бойчечак айтган билан
тўямизми-ё!
Бурунгилар одатини қўямизми-ё!
Бо-ой-чечак!

Нимқоронғи уй эшиги ғийқиллаб, саватдек сочи устидан рўмол ўраб олган фолбин чиқди. Узун камзулини судраганча ҳассасини тўқиллатиб келаётган кампир алвастининг ўзгинаси эди.

— Ўргилайлар, баҳор келдими-я?— демаса - баъзилар жуфтакни ростлаб қочишлари турган гап эди.

— Бўлмаса-чи, мана, қаранг,— деб бойчечакни унга узатди Мурод.

— Айланиб кетай баҳор элчисидан. Бел оғриғидан қутуладиган бўлибман-да,— дея фолбин бойчечакни кўзларига суртди, япроқларидан авайлаб ўпди, сўнг қозондек рўмолининг қатларини узоқ тимирскилаб нимадир олди-да, Муродга берди: Ма, суюнчи!

— Қозонини шунча кавлаб ўттиз тийин берибди-я!— деди фолбиннинг пулини фонарь ёруғига солиб қараркан Мурод кўчага чиқишгач.

— Шунисига ҳам раҳмат десангчи, гап пулда эмас-ку!— деди босиқлиги ва билағонлиги учун «профессор» номига сазовор бўлган Баҳрилла.— Бечора момонинг бойчечакни кўриб севинганини қара! Йиғлаб юборди-я.

— Тўқи-я, тўқи!— деб қўл силтади Мурод.

— Йиғлади! Мен олдигинасида

эдим, аниқ кўрдим,— деб шоша-пиша Баҳрилланинг сўзини тасдиқлади Қўзивой.

— Вой, лочин кўз-эй, қоронғида одам одамни базўр танийди-ю, бу киши кампирнинг кўзидаги ёшни кўрганмиш!— деб масхара қилди Мурод.— Кейин муроса қилгандек қўшиб қўйди:— Майли, йиғласа йиғлагандир. Тўридан гўри яқин одамларнинг кўпи шунақа — йиғлоқироқ бўлади. Қани, етишиб-етишиб юринглар. Бирортангни ғап этиб кучук-пучук қопиб олмасин тағин.

Болалар кейинги ҳовлига яқинлашишди.

— Шу ерда бир зўр берасизлар,— деди Мурод дарвозадан кираётганларида.— Шодмон амакининг боласи йўқ, бир эритамиз:

Анов томнинг орқасида ой кўринар, ой кўрина-ар,
Ҳамма уйдан мана шу уй бой кўринар!
Бой-чечак! Бо-ой-чечак!

Том ортидаги тераклар устида жилмаяётган тўлин ой ҳовлини сутдек ёритиб юборган, ҳар жой-ҳар жойда сув кўллаб қолган ола-чалпоқ супа, супа пастида устига катта сават тўнкариб қўйилган сўри — ҳаммаҳаммаси кундуздагидек аниқ кўриниб турар эди. Болалар «Бойчечак» айта-айта сўрига яқинлашиб келишди ҳамки, ҳеч ким чиқмади.

— Мановини тагида қатиқми, қаймоқми борга ўхшайди,— деди бетоқат болалардан бири саватнинг тагига бошини тиқиб.— Ҳеч ким чиқмаса кади-падиси билан олиб жўнаймиз.

Худди шу гапни кутиб тургандек орқадаги деразада қизғиш шуъла пайдо бўлди. Кенг ола чопонини елкасига ташлаб олган Шодмон амаки йўтала-йўтала чиқиб келди.

— Ҳей! Нега чинқирасанлар, қулоқ-мияни қоқиб бердиларинг-ку! Ҳе, ўша!..

Бунақа дўқ-деворани кутмаган болалар кўчага қараб қочмоқчи бўлишган эди Шодмон ака дарвоза томонни тўсиб олди.

— Ҳеч гўрга бормайсанлар! Ҳаммангни Мўйноққа талатаман. Мўйноқ, ҳо Мўйноқ!

Қўрқиб кетган болалар девор тагига ғуж бўлиб олишди. Кимдир йиғлаб юборди.

— Ким йиғлади?

Чурқ этган овоз чиқмади.

— Мен, демайсанми!— деб Мурод негадир Қўзивойни олдинга итарди.

Қўзивойнинг дами ичига тушиб кетди.

— Сенмидинг? Яна бир йиғла, бўл! Йўқ, қўшиқ айт, биласанми қўшиқ?

Болакай аранг бошини қимирлатди.

— Ў, уккағорей, қани? Зўридан айтсанг, мана, мана шу сеники.— Шодмон ака киссасидан бир чангал ғижимланган пул чиқарди.

— Айт, бўлмаса, еб қўяман, вов-вов!

Муроддан эшитавериб миясига ўрнашиб қолган сўзлар беихтиёр болакайнинг оғзидан чиқиб кетди.

«Бойчечак» айтиб келдик эшигингизга.
Худойим ўғил берсин бешигингизга.
Бойчечак...

Унинг қалтироқ овозини эшитган Шодмон ака бирдан бўшашиб кетди, энкайиб болакайнинг юзларини кетмондек кафти билан силади. Қўлансса ароқ исидан Қўзивойнинг боши айланиб кетди.

— Яна битта айт, жон ўғлим...

Қўзивой боя айтганларини яна такрорлади.

— Айтганинг келсин, болам.— Шодмон ака хумдек бошини болаанинг кўкрагига тегизиб мунғайиб қолди.

Табиатан камгап ва юмшоққўнгил бу одам ичганда феъли айниб ўзгариб кетарди. Шунақа пайтда «Шодмон ака кўча-кўйда болаларга қанд-қурс улашиб юради», десалар, ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

Тераклар орасидан қуйилаётган ой нури амакининг силкинаётган елкасини, сирғалиб ерга тушган ола чопонини ёритиб турарди. Бу ғаройиб тасодифдан болалар анқайиб қолишган эди.

— Энди кетинглар!— деди бир пасдан сўнг амаки бошини кўтариб.

Қўзивой Шодмон амаки берган пулларни ола ўзини дарвозага урди, қолганлар ҳам чувиллаб кўчага югуришди. Фонарь ёруғида пулни санаб кўришди: ўн икки сўм! Бу — шу чоққача йиғилган пулларнинг ҳаммасидан кўп эди.

— Энди эрталабгача ухлаш йўқ!

— Бир йилда бир кун ухламасак ўлмасмиз!

Шодмон амакининг сахийлиги болаларни руҳлантириб юборди.

Улар бирин-кетин ҳовлиларга кириб чиқа бошлашди. Ҳамма хонадонда уларни қувонч билан кутиб олишар, кампир-чоллар баҳор элчиси — бойчечакни кўзларига суртиб, болаларга қанд-қурс, майиз-ёнғоқ, пул беришар эди. Пулни Муроднинг ўзи олар, бошқаларини эса Ортиқ деган ялпоқ юзли бола халтага солиб орқалаб борар эди. Агар Исмат чўлоқникида юз берган ҳодиса бўлмаганда, болалар ҳали-бери тарқалишмасди.

Исмат чўлоқнинг данғиллама ҳовлисига қадам қўйишлари билан димоққа гуп этиб тезак ҳиди урилди. Дарвозахонага туташ молхона деворларига бирор қарич жой қолдирмай таппи ёпилган эди. Молхона охирида лайлак қилиб қўйилган эшак аравaнинг шотиси ташқарига чиқиб турар, арава ёнидаги устунга боғланган эшак янтоқ чўкиртакларини кавшар эди.

Бойчечагим байрондур-э,
байрондур.
Қозон тўла айрондур-ур-р! Бой...

Ҳамманинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Осмоннинг таги тешилиб кетгандек томдан устларига шовиллаб тўкилган сув баданларини жунжиктириб, кийим-бошларини шалаббо қилди. Кейин итнинг юлқина-юлқина ириллаши эшитилди. Довдираб қолган болалар дуч келган томонга ура қочишди. Қўзивой жон ҳолатда Муроднинг этагига ёпишди. Мурод унинг қўлига бир уриб этагини бўшатди-да, «Ҳамма эски сарой томонга!», деганча тун қаърига сингиб кетди. Хайриятки, ит у тарафга қочганларни қувди, йўқса...

Болалар анчадан кейин эски саройда тўпланишди. Кимдир қуруқ хас-хашак топиб, гулхан ёқди.

Мурод ерга тўшалган газета ёнида чўккалаб, гулхан ёруғида йиғилган пулларни санаб чиқди.

— Ўн саккиз сўм.

— Йўғ-э, Шодмон амакининг ўзи ўн икки сўм берувди-ку?

— Алишернинг бобоси беш, Гулсара момо уч сўм...

— Ҳаммаси шу!— деб болаларнинг сўзини кесди Мурод.— Итдан қўрқиб қочганимда тушиб қолганга ўхшайди.

Болалар гумонсираб «қўмондон»га тикилишди.

— Ишонмаяпсизларми? Мана, кўринглар,— деганча Мурод чўнтакларининг астарини ағдариб кўрсата бошлади.

— Майли, борини бўл!

— Ишониш керак-да одамга. Менга кўпчиликнинг ҳақи керакмас!— Мурод қўли билан болаларни санади.— Ўн иккита эканмиз.

— Ўн учта!

— Ўн иккита.

— Қўзивой-чи?

— У ҳисобмас.

Бу гапни эшитган Қўзивойнинг тиши такиллашдан, бадани қалтирашдан тўхтаб қолди. Болалар ҳам ҳайрон бўлиб қўмондонга қарашди.

— Устимиздан сув қуйган ким? Шунинг оғайнилари! Жўралари билан тил бириктириб, бизни музлатмоқчи бўлган у Лилипут!

— Қўй-э, пешиндан бери ёнимизда-ку!— деб болакайнинг ёнини олди Баҳрилла,— оз бўлса ҳам бериш керак. Эви билан-да...

— Меҳрибонлигингни катта холангга қиласан!— деб Баҳриллага ўшқирди Мурод.— Ичинг ачиётган бўлса ўзингникини бера қол!

— Нега, бойчечак меники-ку! Сенга уч ҳисса кўп бераман, девдингку,— деб йиғламсиради Қўзивой.

— Меникимиш! Ма пишириб е!— Мурод ерга тўшалган газетанинг бир четида ётган бойчечакни жаҳл билан Қўзивойга қараб отди. Бойчечак болакайдан сал наридаги кўлмакка тушди. Тилларанг япроқчалар қоп-қора булутлар қаърига кираётган куз қуёшидек балчиққа чўка бошлади. Чўкаётган бойчечагига тикилганча суратга тушаётгандек қотиб қолган Қўзивойнинг ҳўнграгиси, дод солиб депсингиси келар, лекин тушуниб бўлмайдиган аллақандай туйғу уни соқов қилиб қўйган, азбаройи хўрлиги келганидан миқ этолмас эди.

Болаларнинг нигоҳи ҳам чўкаётган бойчечакка михланиб қолган эди. Уларнинг қалбида ўз «қўмондон»ларига нисбатан нафрат ҳислари уйғонган, лекин ҳеч қайсиси дилидагини тилига чиқаришга ботинолмас эди. Фақат Баҳрилла ўзини тутиб туролмади. У бирдан энкайди-да, лойқага қўл тиқиб, бойчечакни олди.

— Шунчаликмас-да, Мурод. Бойчечакда нима айб? Бу... бу...

— Э-э, бу-булаверма!— деб ўшқирди Мурод. Агар Баҳрилла яна бир оғиз тескари гап қилса ёқасидан олгудек чўти бор эди унинг.

Баҳрилла аламини зўрға ичига ютди. Бойчечакнинг япроқларини этагининг учи билан арта-арта уни Қўзивойга тутди:

— Ма, Қўзивой, хафа бўлма. Меникини икковимиз бўлишиб оламиз.

Баҳрилланинг меҳрибонлиги Қўзивойнинг сабр-косасини тоширган энг сўнгги томчи бўлди.

Расмларни Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

— Мен... менга керакмас! Мен Усмонга бермоқчи эдим. Касал, онаси касал унинг!— дея алам билан ҳайқирди Қўзивой. Кейин ўпкаси тўлиб ҳўнграб юборди.

Бу гапдан Баҳрилла ҳам, бошқалар ҳам титраб кетишди. Ҳатто ҳозиргина урушқоқ хўроздек ҳурпайиб турган Муроднинг вужуди ҳам ток ургандек зирқиради.

Усмон Муродларнинг ён қўшниси эди. Усмоннинг отаси икки йил аввал автомобиль ҳалокати туфайли вафот этган, ана шу фожиа туфайли касалманд онасига қараш ёлғиз Усмоннинг зиммасида эди. Мурод кунора онаси пишириб берган овқатни Усмонларникига олиб чиқар, Усмонларнинг аҳволи ҳаммадан кўпроқ унга, Муродга аён эди. У бўлса... эртага фильтрли папирос олиш учун ўз ўртоқларига шумлик қилиб ўтирибди-я...

— Менга қара, Мурод.

Мурод ялт этиб Баҳриллага қаради. Баҳрилла уни койигани оғиз жуфтлади-ю, яна фикридан қайтди:

— Сенга бир гапни тушунтиргандан кўра... Болалар, Қўзивой жуда тўғри ўйлаган экан. Келинглар, ҳамма пулни Усмонга берамиз.

— Бўпти!

— Роса севинади бечора Усмон,— деб чуғуллашди болалар.

Мурод каловланиб қолди.

— Нега сен индамайсан?— деди унинг индамай қолганини ўзича тушунган Баҳрилла.— Бергинг келмаяптими? Ихтиёринг, зўрламаймиз. Ҳақингни олу...

Мурод бошини шартта кўтарди. Бир нима демоқчи бўлди. Лекин тили гапга келмай, беихтиёр Қўзивойга қараб бир қадам ташлади-да:

— Шунақа экан, нега боя айта қолмадинг?— деди ўксиниб. Сўнг нафрат билан тикилиб турган болаларга бир қаради-да, шартта ўтириб этигини ечди, пайтаваси орасидан ғижимланган қоғоз пуллар олиб газетага ташлади.

— Жуда жойига яширган экан-у!— деб юборди кимдир.

— Бу киши яна қўмондон эмиш...

— Мен... мен...— Мурод сакраб турди-да, этик-пайтавасини олиб, ўзини тун қучоғига отди...

— Ўзидан кўрсин,— деди болалардан бири.

Баҳрилла пулларни шу ҳолича газетага ўради. Болалар энг қувончли хабарни юртдошларига етказишга ошиқаётган элчилардек гувиллаб Усмонларникига жўнашди. Олдинда пилдираб кетаётган Қўзивойнинг шодлиги ичига сиғмасди. Унинг хаёлида қўлидаги бойчечак машъала сингари ҳаммаларининг йўлини ёритаётгандек туюлар ва шунинг учун ҳам қўлини баланд кўтариб кетиб борарди.

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

БОШ ҚАҲРАМОН — ЗАМОНДОШИМИЗ

Ёш рассомлар асарларининг кўргазмалари томошабинларда ҳамиша зўр қизиқиш уйғотади. Бу табиий ҳолдир. Зеро, улар одатда навқирон санъат байрамига айланади, янги номларни, баъзан бадиий жараёнда воқеа бўладиган асарларни кашф этади. Ёшларнинг кўргазмаларида замонанинг юрак уриши аниқроқ сезилади, бадиий амалиётнинг кўпинча қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган масалалари кескинроқ тарзда ўртага қўйилади. Навқирон рассомлар ҳаётга ўз қарашларини намоён қиладилар, даврнинг муҳим ва долзарб масалаларига актив позицияда туриб, қизғин муносабат билдирадилар, ўз муваффақиятлари ва кашфиётлари билан ўртоқлашадилар.

Ўзбекистон Рассомлар союзи, республика Маданият министрлиги ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан ёш мўйқалам усталарининг серқуёш ўлкамиз бўйлаб область ва шаҳар кўргазмалари бўлиб ўтди. Бу кўрикларда юқори баҳоланган асарлар Тошкентда республика миқёсида ўтказилган «Ёшлар намойиш этадилар» кўргазмасидан ўрин олди. Областлар ёки шаҳарларда ўтган ҳар бир кўрикда маълум ёш рассомлар коллективининг ижодий изланишлари, уларнинг маҳаллий мусаввирлар ва муайян анъаналар билан алоқалари ўз ифодасини топди.

«Ёшлик, ижод, замон» шиори остида ўтган кўргазма бир неча ҳафта давом этди. Бу асарларнинг мавзуида, сюжетида, муаллифларнинг ҳаётга фаол муносабатида, янгича бадиий ечимларни излашларида, ўз профессионал маҳоратларини оширишга интилишларида ҳам замонавийлик белгилари яққол кўринди.

Ўзбекистон рассомлари ўз ўлкаларини яхши биладилар, уни чинакамига севадилар, шунга кўра тез-тез саёҳатларга чиқадилар, ишчилар ва қурувчилар билан учрашиб турадилар, бевосита корхоналарда ижод қиладилар. Кўргазмага тайёргарлик даврида бир гуруҳ ёш рассомлар Қарши ва Жиззах чўлларида, БАМда ижодий сафарда бўлдилар. Республикамизнинг чорвадор ва ғаллакор районларида ҳам кўпгина асарлар яратилди.

«Ёшлар намойиш этадилар» кўргазмаси рассомларимиз ўзлари кўрган ва таъсирланган воқеа-ҳодисаларнинг асл маъносини англашга, замондошларимиз ҳаёти ва меҳнати моҳиятини бадиий теран идрок этишга интилаётганликларини кўрсатди. Кўпгина расмларнинг ёшлар — студентлар, ишчилар, олимлар ҳаётига бағишланганлиги бежиз эмас.

Рассом Б. Назаров ижодида ҳаёт воқеа-ҳодисаларини кенг миқёсда кўрсатишга мойиллик сезилади. Бу жиҳатдан унинг БАМ қурилишига бағишланган асарлари эътиборга молик. Айниқса, «Республика вакили» полотносининг бадиий ёрқинлиги, оригинал композицион тузилиши, унда манзаранинг маиший ўзига хосликлари билан уйғунликда берилиши диққатни тортади: рассом қурувчиларнинг меҳнат муҳитини ишонарли тарзда жонлантира олган.

Кўргазмага қўйилган асарлар ёш санъаткорларнинг тематик картиналарга мурожаат этаётганликларини, ўз таассуротларини йирик полотноларда умумлаштиришга интилаётганликларини, республикамизда юз бераётган улуғвор ўзгаришлар жараёнини бадиий идрок этаётганликларини кўрсатди. Маълумки, кўп фигурали картиналар яратиш муаллифдан юксак маданият ва профессионал маҳорат талаб этадиган мураккаб жараёндир. Афсуски, кўргазмада айрим ёш рассомларнинг йирик мавзуларга бирмунча юзаки қараганликлари ҳам сезилди. Баъзи расмларда қаҳрамонларнинг меҳнати дурустгина кўрсатилса ҳам, образларнинг жонли ва табиий чиқмагани маълум бўлди. Бу ҳозирча ўша авторларнинг меҳнат қаҳрамонлари руҳига, ички дунёсига кира олмаганликларининг оқибатидир.

Рассом А. Абдураҳмоновнинг «Менинг дўстларим» деган йирик полотноси эса айрим композицион камчиликларидан қатъий назар, авторнинг ўз тасвир объектига зўр меҳр билан ёндошганини кўрсатади. Асар, мавзуи гарчи мазмунан янги бўлмаса ҳам, ўзига хос талқин этилган. Аввало бу ҳолат картинанинг қаҳрамонлик-романтик асосида кўзга ташланади. Қаҳрамонларнинг қиёфалари, ўзларини тутишлари — жиддий; интерьер бўйлаб қорамтир-кўкиш — қуюқ соялар ўйнайди, хона пардасига қизғиш нур уриб туради— буларнинг ҳаммаси қандайдир ташвишли воқеа содир бўлажагидан хабар бераётган асар драматизмини кучайтиришга хизмат қилади. Рассом мамлакатимиз тарихидаги муҳим воқеани — бу масъулиятли мавзуни психологик теранлик билан талқин этишга интилади, шунинг учун маиший тафсилотларни тасвирлашдан қочади.

Айтиш керакки, кўпгина ёшларни тарихий мавзу қизиқтиради, кўргазмада намойиш этилган бир қанча асарлар фикримизнинг исботи бўла олади.

Кўргазмада ёш рассом С. Холматов чизган расмлар ҳам намойиш этилди. Унинг «Тоғ манзараси» асари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Рассом А. Безроднийнинг «Халқ устаси» полотноси шоирона туйғуларнинг нозик бўёқларда ифодаланиши билан алоҳида ажралиб туради. Автор унда қалбига яқин кишиларнинг кундалик ҳаётини зўр меҳр ва самимият билан акс эттиради.

Т. Ашуров «Қадрдон қишлоғим» асарида рангларни нозик ҳис қилади, яхлит бадиий ечим топади. Бу ёш рассомнинг муваффақиятидир.

Кўргазмада манзара асарларига муносиб ўрин берилди. Айни пайтда бир қанча маиший композициялар, портретлар, натюрмортлар ҳам намойиш этилдики, уларда манзара санъатига хос фазилатлар етакчилик қилади. М. Нуриддиновнинг «Қиз портрети» картинаси ана шу хилдаги асарлар сирасига киради. Автор она табиатнинг поэтик образи орқали Ватан тушунчасини англатишга, бахтли ҳаёт образини яратишга интилади.

У. Тўқбоевнинг манзара ва натюрморт хусусиятларини ўзида мужассам этган асари ҳам диққатга сазовор. Рассом олдинги планни — хона ичкарисини дераза ортидаги ажиб манзара билан уйғунликда тасвирлайди. Уларнинг муштараклиги пластика ва рангларда зуҳур этади. Натижада, инсон атрофидаги нарсалар билан табиатнинг уйғунлиги намоён бўлади.

Кўргазмага қўйилган асарларни таҳлил этарканмиз, рассомлар ижодий жиҳатдан хилма-хил йўналишда изланаётганликларини кўришимиз мумкин. Айниқса, уларнинг портрет жанридаги муваффақиятлари қувонарлидир. Бу борада Б. Назаров, У. Тўқбоевнинг ишлари, М. Нуриддиновнинг полотноси эътиборни тортади. Чунончи, улардан бирида рассом қаҳрамоннинг ички дунёсини бадиий идрок қилишга интилади: биз унда дераза олдида турган ўйчан йигитни кўрамиз. Ойнада эса рассомнинг ўзи ва бизга таниш сурат — расм чизаётган Рембрандтнинг шарпаси акс этиб туради. Томошабин баайни қаҳрамон кечинмалари, фикрлари ва иштиёқи оламига кириб боради. Тасвирий санъат асари нуқтаи назаридан баҳолаганда, бу — асарнинг иккинчи тасвирий плани ниҳоятда усталик билан ифодаланган.

М. Нуриддинов мураккаб ракурс воситасида чизган динамик руҳдаги портрет қаҳрамоннинг бутун моҳиятини, унинг характерини очиб беради. Портретда заррача ғайритабиийлик сезилмайди. Асарнинг фазилатлари шубҳасиздир: рассом ўз ғоявий мақсадини бадиий мукаммал ифода этган.

Кўргазмада графика жанри ҳам катта ўрин олди. Бу жиҳатдан М. Содиқовнинг қаламда ишланган расмлар туркумини ижобий баҳолаб ўтиш мумкин. Таъкидлаш керакки, автор графика техникасини дурустгина эгаллаб олган. Мавзуни ёритиш учун зарур бўлган асосий ва характерли белгиларни танлай билган.

Ёш рассом Т. Мансурова қаламда чизилган «Тошкентим» расмлар туркумини она шаҳрига бағишлаган. Романтик ҳаяжон туйғулари ифодаси, эркин чизиқлар тортиш услуби, ёруғлик ва соядан аниқ ва дадил фойдаланиш — рассом асарларининг асосий аломатларидир.

Лекин кўргазманинг ҳайкалтарошлик бўлими, театр рассомлиги бўлими каби, суратқашлик бўлимига қараганда бир қадар камбағалроқ кўринади. Аммо намойиш қилинган асарларнинг ўзиёқ санъатнинг бу турлари ҳам тобора ривожланиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Амалий санъат асарларининг хилма-хиллиги кўргазма томошабинларида яхши таассурот қолдирди. Бу бўлимда чиройли гобеленларни, биноларнинг ички безак унсурларини, кулолчилик ва заргарлик буюмларини томоша қилиш мумкин бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, республика ёш рассомлари асарларининг Тошкентда бўлиб ўтган кўргазмаси навқирон санъаткорларимизнинг илк ижодий парвозларидан, ўз маҳоратларини, гражданлик туйғуларини кундан-кунга ўстириб бораётганликларидан далолат берди. Бу парвозлар КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорининг бевосита самарасидир.

Р. СОДИҚОВ

Зиёда ҒАЙБУЛЛАЕВА

Қўшиғим

Мен қўшиқ куйлайин,
эй замондошим,
Эшитиб ол, унда шодлик мужассам.
Эшитиб ол, қадрдоним, жондошим,
Қўшиғимда гўзал тонг бор,
бордир шом.
У — қалбимда қайнаган чашма,
Томиримда гупирувчи қон,
У бахтимни куйлагувчи тор,
Вужудимни қамраб олган жон.
Бир қўшиққи, ғолиб севгидан
Юрагингга чўғ ташлаб кетар,
Бир қўшиққи, ҳарорати зўр,
Тошларни ҳам ҳатто эритар.
Куйлай, эшит, тингла бир нафас,
Қўшиқ менга, мен унга пайваст.
Қўшиқдадир Ватанимнинг зеболиги ҳам,
Бу қўшиқда бахтли халқим донолиги жам.

* * *

Далаларга боқиб тўймайман,
Олам қайта яшармоқда, оҳ.
Оппоқ либос кияр ўриклар,
Чаман-чаман очилиб уйғоқ.
Ариқ қазар колхозчи қизлар,
Меҳнат майин ичишиб шод, маст.
Тупроқ ҳидин туйиб, энтикиб,
Дилда ёнди завқли бир ҳавас.
Табиатга қоришиб кетиб,
Бола бўлиб қолгим келди, ҳай.
Наврўз кўркин томоша қилдим,
Букун бошим кўкка етгудай.

Навбаҳор

Сўлим навбаҳорнинг майин эпкини
Баҳорнинг исмини шивирлаб қолди.
Қорда кўпчиб ётган сахий ерларни
Шабада қаноти бағрига олди.
Беқарор булутлар кўзидан пинҳон
Гоҳ аста мўралар осмонда қуёш.
Гоҳ ёмғир қайси бир туйғудан нолон,
Инжиқланиб тўкар кўзларидан ёш.
Димоққа урилар ялпизлар ҳиди,
Нигоҳни тортади дарахтда куртак,
Эҳ, мафтун этади баҳор жамоли,
Гўё гўзалликдан яралган эртак.

Қўшрабод

Б. НАЗАРОВ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ВАКИЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ РАССОМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДАН

А. АБДУРАҲМОНОВ. МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМ.

А. ИКРОМЖОНОВ. ЁЗ ЁМҒИРИ.

С. СКОКОВ. БИРИНЧИ ДАРС.

А. БЕЗРОДНИЙ. ХАЛҚ УСТАСИ



В. КОЛЕСОВ. АРХЕОЛОГЛАР.

Ў. ТЎҚБОЕВ. ЙИГИТ ПОРТРЕТИ.



Т. АШУРОВ. ҚАДРДОН ҚИШЛОҚИМ.

С. ХОЛМАТОВ. ТОҒ МАНЗАРАСИ.

РЕВОЛЮЦИЯ ВА ТЕАТР

Тошпўлат ТУРСУНОВ

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 10 йиллигини ўзбек театри тарихий аҳамиятга молик натижа билан кутиб олди. Намуна давлат труппасининг асосчи режиссёри ва артистлари, 1924 йили танлаб олиниб коллективга жалб этилган иқтидорли ёшлар Москвадаги ўзбек драма студияси ва Бокудаги Театр билим юртини битириб келдилар. Москва студиясидаги ўқиш — фақат профессионал билим олишгина эмас, миллий мерос билан жаҳон театр санъати асосларини синтезлаш бўйича олиб борилган изланишлардан ҳам иборат эди. Изланишлар жараёнида ижро маҳорати ва оригинал асарлар лаборатория усули билан синовдан ўтказиларди. Қўйилган асарлар орасида учта тажриба спектакль — «Қоровул уйқуси» пантомимаси, «Яна уйланаман» комедияси ва «Ёркиной» («Саркаш қиз») деган саҳна эртаги алоҳида ўрин тутди.

Студиячилар Москвадаги ўқиш жараёнида Иттифоқимиздаги етук коллективлар фаолиятини яқиндан ўрганиб, театр маданияти анъаналари ва ўша кунлардаги иш тажрибалари билан таққослаб, яқинлик ва муштараклик принципларини ахтардилар, улардан ибрат олиб, ўзларининг оригинал спектаклларини яратишга киришдилар. Масалан, ўзини «сиёсий театр» деб эълон қилган Мейерхольд театри ижтимоий мавзуларни идрок этишда комедия гротески, ўткир сатира, муболаға ва шартлилик сингари воситалардан кўп фойдаланар эди. Студия вакиллари бу воситаларда ўзбек анъанавий театри аломатларини ҳам кўриб, дастлабки спектаклларини яратдилар.

Студиячилар бу тажриба хусусида матбуотда шундай деб ёзган эдилар: «Бу театрнинг соддалиги биз учун керак, кўпчиликка яқин келиши яна биз учун маъқул. Бизнинг халқ театрлари унсурларидан баъзилари унда бор. Шунинг учун бизнинг янги театримиз ҳам бундан воз кечмоқчи эмас. Москва драма студияси бу йўлда биринчи қадамини қўйди: ўтган йили... мейерхольдчилардан ўртоқ Л. Свердлин бошчилигида «Қоровул уйқуси» деган сўзсиз ўйин тайёрланган эди. Бу йил эса «Пул қидириш» деган бир кулгили асар тайёрлаб келадилар» («Ер юзи», 1927 йил, 19-сон).

Бу ерда гап репертуар учун пьеса яратиш хусусидагина эмас, балки Мейерхольд театри таъсирида ўзбек халқ театри руҳини ўзига сингдирган замонавий профессионал спектакль яратиш ҳақида боради. Ана шу ният «Пул қидириш» ва «Яна уйланаман» каби спектаклларда ўз ифодасини топди. «Правда» газетасида (1927 йил, 22 апрель) бу саҳна асарининг қиймати аввало профессионал театр белгилари билан анъанавий ўзбек халқ театрида бўлган аломатларнинг уйғунлаштирилганлигидадир, деб кўрсатилди. Бинобарин, студиячилар бу спектакллар билан тайёр асарларнинг ижрочиларигина эмас, балки янги ўзбек театри тараққиёти билан боғлиқ муҳим муаммолар устида жиддий иш олиб борган ижодкорлар бўлиб майдонга чиқадилар. Буни бошқа фактлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, «Маликаи Турондот»— қадимий Шарқ эртакларида учрайдиган хаёлий ҳикоялардандир. Студиячилар ўз мазмуни ва руҳи билан Ўрта Осиё ҳаётига яқин бўлган бу эртакни профессионал театрнинг бой анъаналарига суянган ҳолда саҳналаштиришга киришдилар. Шу билан бир вақтда К. Гоцци ва К. Гольдони сингари драматургларнинг тажрибаларидан ибрат олиб, ўзларининг катта ҳажмдаги оригинал театр эртакларини яратишга бел боғладилар. Катта ҳажмдаги «Ёркиной» пьесасининг эпик варианти ана шу тариқа юзага келди. Ҳар иккала спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари махсус таҳлилни талаб этади. Лекин студиячиларнинг масалага ижодий ёндашганликлари эътиборга лойиқ ижодий воқеадир. Агар студияда рус ва жаҳон классик драматургиясининг талқин этилиши жараёнидаги изланишларни ҳам эсласак, масала янада ойдинлашади. Маълумки, студияда Ж. Мольернинг «Хасис» ва Н. Гоголнинг «Ревизор» комедиялари ҳам саҳналаштирилди. Ҳар иккала спектакль реалистик талқинда қўйилди. Француз халқ театри руҳини классик комедиянинг гуманистик ва профессионал сифатлари билан уйғунлаштирилган Мольер драматургиясида студиячилар ўзбек халқ театрига ҳамоҳанг жиҳатларни ҳам топдилар. Масалан, пьесадаги воқеанинг деярли ярми халқ орасида — томоша залида ўйналарди. Масалани профессионал идрок этишда примитивликка йўл қўйилмади: артистларнинг ижро принциплари замонавий театр позициясига мос эди. Бу классик меросга бўлган марксистик муносабатдир.

Спектаклни қўйган педагог режиссёр В. Канцель ана шу тажрибани студиянинг иккинчи спектакли —«Ревизор»да янада изчиллик билан теранлаштиради. Энди изланишларнинг тўғри методологияси хусусидагина эмас, персонажлар ва муҳит, образларнинг ўзига хос характеристикаси, характерларнинг миллийлиги, сўз оҳанглари сингари маҳорат муаммолари ҳақида ҳам сўз юритса бўларди. Спектаклни қўйишда студиячилар эришган ютуқлар социалистик революция вужудга келтирган янги шароитда ўзбек актёрларининг революцион таълимот асосида иш кўришлари оқибати эди.

Студиячилар ўзбек социалистик миллий театрининг тўнғич вакиллари сифатида ўз санъатларининг тенденцияларини аниқлаб олдилар. Уларнинг дастлаб яратган спектакллари, изланишлари ўша пайтларда юз бериши мумкин бўлган ғоявий ва формалистик тойилишлардан холи эканлигининг сабабини ана шундан қидириш керак. Камчиликлар маҳорат ва билимнинг етишмаслиги оқибатида юз берарди, холос. Шу сабабдан, айрим тадқиқотларимизда кўзга ташланаётганидек, ўзбек актёрларининг студия даври фаолиятига юзаки, кўпинча ўқиш жараёни сифатидагина ёндашишимиз тўғри эмас. Жаҳон ва рус классик драматургиясини талқин этиш, ўзбек театри, хусусан Ҳамза номидаги театр фаолиятининг кучли томони экани аллақачон тан олинган. Бироқ бундай юксак маҳорат мезонига студиячилар томонидан асос солинганлигининг ҳамон аниқ кўрсатилмаётгани тадқиқотларимиз нуқсонидир.

Сўзимиз «Ревизор» спектакли хусусида бораётган эди. Бу спектакль мисолида режиссёр В. Канцель, унинг ёрдамчиси М. Уйғур ва ижрочилар ҳал қилмоқчи бўлган мураккаб фикрлар синовдан ўтказилди ва асар ажойиб муваффақият билан якунланди. Спектакль Ўзбекистон жамоатчилиги ва матбуот томонидан мамнуният билан қабул қилинди. «Правда Востока» газетасининг мухбири спектакль бошланишидан анча аввал келиб, «Ўзбеклар «Ревизор»ни қандай ўйнар эканлар», деб шубҳа билан ўтирганидан сўз бошлайди. Сўнгра ўз ўйларига шундай якун ясайди: «Саҳнадаги биринчи қадам, айтилган биринчи сўзданоқ буюк асарни иқтидорли актёрлар ижро этгани маълум бўлди. Томошабин қаршисида ҳаваскорлар эмас, шу чоққача Ўзбекистонда бўлмаган малакали театр артистлари турарди... Бу тарихий аҳамиятга эга постановкадир» (Правда Востока» газетаси, 1926 йил, 7 июль).

Бўлажак профессионал театримиз кадрларининг тарбиясида янги давр театрчилик ҳаракатининг барча илғор интилишларига мансуб коллективлар (масалан, озарбойжон театрининг намояндалари ҳам) иштирок этдилар. Москва студиясидаги педагоглардан Р. Симонов, Б. Захава, И. Толчанов, О. Басов — Вахтангов театрининг, Л. Свердлин — Мейерхольд театрининг, В. Канцель — Революция театрининг вакиллари бўлиб, улар К. Станиславский системаси асосида ҳар бири ўз театрининг ижодий қиёфасини белгилаш ва бойитишда актив изланиш олиб бораётган санъаткорлар эдилар. Билимдон саҳна усталари дастлабки профессионал ўзбек актёрларига теран мазмунли қўлланмалар асосида билим беribгина қолмай, театримизнинг ўзига хос қиёфасини профессионал санъат позицияси асосида шакллантиришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Бундай воқеа ҳали жаҳон театрчилик ҳаракатида учрамаган эди. Студиячилар иккинчи группасининг Бокудаги Театр билим юртига юборилганлигини эслсак, ўзбек театрига мутасаддилик қилган раҳбар ташкилотларнинг кўп миллатли совет санъати ва маданиятини шакллантиришда ўта изчиллик билан иш олиб борганликлари яққол кўринади.

Шундай қилиб, ўзбек совет театри Улуғ Октябрнинг ўн йиллиги байрамини тарихий аҳамиятга молик асарлар билан кутиб олди. Ўша йилдан эътиборан ўзбек театри ҳаётида янги давр бошланди. Студиячилар ўқишдан қайтишлари муносабати билан Намуна Труппаси Ўзбек давлат марказий драма труппасига айлантирилиб, театрнинг ижодий, маъмурий состави қайтадан тузилди. Коллективнинг бадиий раҳбари қилиб В. Тихонович тайинланди. М. Уйғур эса труппанинг режиссёри бўлиб қолди.

Афсуски, театр режиссурасини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган баъзи тадбирлар кутилган натижа бермади. Театрнинг ижодий ҳаётида кетма-кет зиддиятлар пайдо бўла бошлади. Гап шундаки, В. Тихоновичнинг ижоди совет театрининг илғор тенденцияларига ёт бўлган эклектизм, формалистик ва жўн тушунчалар билан боғланиб қолган эди. Чунончи, у 1927 йили К. Гольдонининг «Икки бойга бир қарол» комедиясини саҳналаштираркан, ўзбек совет театрининг шаклланиш давриданоқ асос қилиб олинган реалистик йўлга, айниқса, студияда эришилган принципларга тамомила зид иш тутди. Комедияни «ўзбек томошабинига тушунарли қилиш» мақсадида, деб, ўта шарқлаштиради. Гольдони қаҳрамонларига ўзбекча уст-бош кийдириб, пьесага ўзбек ҳаётидан эпизодлар киритади, персонажларга ўзбек халқ қўшиқларини айттиради.

В. Тихоновичнинг санъатдаги «услуби» бўйича рус ёки Европа саҳналарида Шарқ авторларининг асарлари қўйилса, уларни ҳам «ғарблаштириш» лозим эди. Режиссёр ана шу

1929 йили Маннон Уйғур режиссёрлигида саҳналаштирилган «Икки коммунист» спектаклидан бир кўриниш. Уртада — Аброр Ҳидоятов, ўнгда — Миршоҳид Мироқилов.

ТЕАТР

йўл билан А. Глебовнинг «Ўсиш» ва «Загмук» пьесаларини ҳам саҳналаштирди. Театрни бу хато йўлга бошламоқчи бўлган В. Тихонович 1929 йили вазифасидан четлаштирилди.

Ўзбек давлат марказий драма театри ташкил этилиши билан труппада бир қанча сифат ўзгаришлари юз берди. Москва студиясини Т. Сайидазимова, С. Эшонтўраева, З. Ҳидоятова ва Т. Султонова каби аёллар ҳам битириб келдилар. Орадан кўп вақт ўтмай театр актёрлари сафига М. Қориева ва М. Кузнецова каби актрисалар келиб қўшилди. Шу тариқа театрда аёллар ролини фақат аёллар ижро этиши учун имкон туғилибгина қолмай, уларни ижодий имкониятига қараб муҳим ролларга жалб этиш учун ҳам шароит вужудга келди. М. Қориева, Т. Сайидазимова ва С. Эшонтўраева қаҳрамонона пландаги актрисалар эди. З. Ҳидоятова оналар ва кекса аёллар ролининг реалистик талқинини бошлаб берди. Т. Султонова кучли характерлар устаси бўлиб танилди. Шундай қилиб, труппанинг аёл ва эркак ижрочи кучлари орасида аста-секин мувозанат вужудга келди. Бу нарса саҳнада реалистик ижро санъатини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб қолди.

Фаолиятининг янги фаслига қадам қўйган труппа олдида, ишни қандай асарлар устида бошлаш керак, деган муҳим савол турарди. Театр ўз ижодини ижтимоий-инқилобий мавзудаги асарлар билан бошлаганлиги сабабли В. Билль-Белоцерковскийнинг «Пўртана» драмасига мурожаат этди ва бу спектаклни Улуғ Октябрнинг 10 йиллигига бағишлади. В. Билль-Белоцерковский драматургияси труппа аъзоларига таниш эди. Драматургнинг «Акс садо» пьесасини Москва Революция театридан кейин Иттифоқда иккинчи бўлиб Ўзбек театр студияси саҳналаштирган, бу ишга атоқли режиссёр ва актёр В. Канцель бошчилик қилган эди. «Пўртана» ўзбек театри саҳнасида марказий Россиядаги революцион ҳаракат ва гражданлар уруши лавҳаларидан ҳикоя қилувчи биринчи асар бўлди. Пьесани М. Уйғур билан Л. Берковский саҳналаштирдилар. Маннон Уйғурнинг ўзи Уезд комитетининг раиси ролини маҳорат билан ижро этди. Гарчи бошқа ижрочиларнинг маҳорати ҳали етарли даражада сайқал топган бўлмаса-да, оммавий саҳналар жонли чиқди.

Театрнинг инқилоб мавзуига бағишланган навбатдаги спектакли В. Ивановнинг «14—69-бронепоезд» пьесаси асосида яратилди. Уни махсус таклиф этилган режиссёр В. Демерт саҳналаштирди. Аммо бу спектакль режиссёрнинг пухта ўйлаб тузилган режаси асосида яратилган асар бўлиб чиқмади. Спектаклда большевиклар партиясининг революцион кураш ва партизанлар ҳаракатини уюштиришдаги ташкилотчилик ҳамда раҳбарлик роли, ишчилар билан деҳқонлар синфи ўртасидаги биродарлик ҳислари етарли очилмай қолди. Пеклеванов, Васька Окорок образлари чала ёритилди, оқ гвардиячилар вакили Незеласов образи нотўғри талқин этилди. Асарда муваффақиятли талқин этилган образлар ҳам бор эди. Чунончи, Обид Жалилов Вершинин образини маънавий олами бой, самимий, содда ва иродаси кучли шахс сифатида гавдалантирдики, моҳият эътибори билан спектаклнинг бош қаҳрамони шу образ бўлиб қолди. Артист Вершининни тайёр қаҳрамон сифатида эмас, ҳаётдан сабоқ олиб, онги ўсиб борган инсон қиёфасида мужассамлаштирди.

Спектаклда А. Ҳидоятов ревком аъзоси Злобов, Ҳ. Латипов Петров ролларини яхши олиб чиқдилар. Матбуотнинг гувоҳлик беришича, («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 12 май), спектаклдаги энг катта ютуқ — оммавий саҳналарнинг қунт билан ифодали акс эттирилганида эди.

Спектакль ўзининг ютуқ ва камчиликлари билан зиддиятли эди. Бу нарса театрда режиссураниг заифлиги ва айниқса В. Тихоновичнинг театрда носоғлом муҳит яратиб кетгани оқибати эди.

«14—69-бронепоезд» постановкасидан кейин П. Алексеев саҳналаштирган «Боғовот» («Исён») спектакли коллектив ишида бурилиш ясади. Бу спектакль тарихий-инқилобий мавзудаги асарлар орасида ғоявий ва бадиий етуклиги билан ажралиб турарди. Асар мазмунини чуқур англаб, саҳнада яхши профессионал савия билан талқин этилгани спектаклнинг асосий ютуғи бўлди. Чунончи, Д. Фурманов асарининг композицион жиҳатдан тарқоқроқ инсценировка қилинганлигини англаган режиссёр персонажларни йирик ва индивидуал планда конкрет очишга, оммавий саҳналар моҳиятини кучайтиришга катта аҳамият берди. Оқибатда ажойиб, қарийб монументал спектакль вужудга келди. Аввало, спектакль коммунистлар образининг бой ички оламини чуқур таҳлил этганлиги билан эътиборга лойиқ. Ўзбек театри саҳнасида илк марта кўрсатилган тарихий шахс сиймоси муваффақиятли талқин этилди. Ш. Қаюмов Фурманов ролини меҳр-муҳаббат билан ижро этди. Шу образ туфайли артист ўзининг кенг имкониятларга эга, моҳир санъаткор эканини намойиш қилди. Л. Назруллаев ҳам «Боғовот»да теран характерларнинг моҳир ижрочиси сифатида кўринди. У батальон командири Ерискиннинг мураккаб образини профессионал ижодкорга хос лаёқат билан очиб берди.

«Боғовот» спектакли театрга энди қадам қўйган артистларни ҳам томошабинга биринчи бор таништирди. Бу ерда биз Ш. Бурҳонов ва Н. Раҳимовни кўзда тутмоқдамиз. Ш. Бурҳонов халқ вакили бўлган Парасюкни янги замон кишиси, давр қаҳрамони даражасига кўтарди.

«Боғовот» спектаклида эпизодик персонажлар образларини мужассамлаштиришга алоҳида эътибор берилиб, бундай роллар ижросига труппанинг етакчи артистлари жалб этилди. А. Ҳидоятов — Қўқимбой, Е. Бобожонов — Караваев, К. Ёқубий — Петров, С. Табибуллаев — Чеусов ролларини маҳорат билан ижро этдилар.

Таъкидлаш лозимки, социалистик революция ва шаклланаётган янги ҳаёт учун кураш мавзуини саҳнада кўрсатиш ўзбек театри фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу мавзу Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий драматургияси билан бошланиб, 20-йилларда юқорида тилга олинган рус совет авторларининг пьесалари ҳисобига кенгайди. Шу даврда драматургияга К. Яшиннинг «Икки коммунист» (1929) драмаси билан кириб келиши совет воқелиги мавзуини янада чуқур ва конкретроқ идрок этишда ўзбек саҳна санъати тарихида янги босқич бўлди. Бу пьесанинг мукаммал постановкасини яратган Ўзбек давлат драматик труппаси асардаги мавзулардан энг муҳимларини, чунончи, пролетар диктатурасининг ўрнатилиши, янги ҳаёт ва совет характерининг туғилиб, шаклланиши мавзуини спектаклга асос қилиб олди. Пьесадаги Арслон, айниқса Дилбар образининг талқини театр учун аҳамиятли вазифага айланди. Маълумки, Арслон ва Дилбар бир-бирига зид икки замонда — инқилоб рад этган эски даврда ва туғилаётган совет воқелиги тонгида шахс сифатида шаклланадилар. Бу тарихий факт образлар талқинида ўз аксини топиши шарт эди. Энди «Бой ила хизматчи» постановкасида бўлганидек персонажнинг қаҳрамонлик даражасини унда шаклланган синфий онги ва интеллекти савияси билангина белгилаб бўлмасди. Чунки бу ўтилган босқич эди. Спектаклда революцияга олиб келган жараён эмас, балки унинг ўзи, янги совет тузуми, совет характерининг туғилиб шаклланаётган даври ҳал қилувчи ўрин тутмоғи зарур эди. Дилбарни янги ҳаётнинг эгаси, эри билан тенг ҳуқуқли инсон сифатида кўрсатиш, шу билан бирга ундаги аёллик латофати ва назокатини ҳам намоён этиш талаб қилинарди. Бироқ Дилбарнинг саҳна қиёфасини чизишда бу ниятнинг ўзигина етарли эмасди. Туғилиб ўсган давр руҳи унинг хатти-ҳаракатида, ўйларида акс этмаслиги мумкин эмас. Театр коллективи ана шулар хусусида кўпроқ мулоҳаза юритгани учун постановкада ижтимоий-психологик услуб ҳал қилувчи ўрин тутди. Аммо спектаклнинг биринчи —«Икки коммунист» вариантида ният ниятлигича қолди. Сабаби, пьесадаги Дилбар саҳналарида унинг ўйларини, ички дунёсини атрофлича очиб борувчи ҳолатлар ва қарама-қаршиликлар кам эди. Асарнинг иккинчи — «Тор-мор» вариантида Дилбар учун махсус саҳналар яратилди ва аввалги ниятни амалга ошириш имконияти вужудга келди.

Яна бир муҳим нарса шуки, Комил Яшин Ҳамза эътибордан қочирмаган мавзуни, яъни миллий манфаатлар эмас, синфий манфаатларнинг халқларни бирлаштириши муқаррарлигини муҳим мавзулардан бири сифатида драматургияга олиб кирди. Чунончи, Арслон ва Петаков, иккинчи томонда Пўлат ва Шацкий қарама-қарши синф манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар даражасида кўрсатилди. Ана шу икки синф курашининг талқинида театр коллективи бир деталга алоҳида аҳамият берди: Пўлат ва Шацкий ўз синфий қиёфаларини яширадилар. Чунки маҳв этилган душманлар энди ниқобланиш ва яширинишдан ўзга чора тополмайдилар. Театр эса бу ниқобланиш тактикасини детективдан холи бўлган талқин воситалари билан кўрсатишга аҳд қилди.

Қисқаси, «Икки коммунист»—«Тор-мор» спектакли театр билан авторнинг беш йиллик изланишлари якуни сифатида муҳим аҳамият касб этди. Дилбар образининг талқинига бир йўла уч актриса — С. Эшонтўраева, Х. Хўжаева, Т. Султонова жалб этилдилар. Бу нарса ўзбек театри учун илк тажриба бўлиб, ижро маҳоратини оширишда янги давр бошланганидан дарак берарди. Шу нарса эътиборга лойиқки, ҳар учала актриса ўз заковати билан Дилбарнинг табиатан бир-биридан фарқланувчи сифатини аниқ таърифлаб бера олди. С. Эшонтўраеванинг Дилбари оловқалб, фусункор эди. Унинг ҳусни ва заковати доим рақобатда бўларди, ҳамсуҳбат ёки кузатувчи нигоҳини аввало кўрки билан қамаштириб қўярди, бундан Дилбарнинг ўкингани, дили озор чекканини ижрочи таъкидловчи ҳолатларда кўрсатишни маъқул топарди. Чунки Дилбарнинг шуури, ҳаётга қараши ва жамиятда ўз ўрнига эга эканининг атрофидагилар томонидан ҳурмат билан тан олиниши С. Эшонтўраева учун ҳамма нарсадан муқаддасроқ эди.

Х. Хўжаеванинг Дилбари атроф ва муҳитга тафтиш назари билан қарайдиган, ўйчан аёл эди. Дилбарнинг қиёфасини кўрган одам биринчи навбатда унинг хаёлини банд этган ўйлардан воқиф бўлишга ўзида зарурат ҳис этарди. Т. Султонова эса Дилбарни биринчи галда янги ҳаёт тенденцияларини актив ёқловчи ва озодлик ҳуқуқи билан фахрланадиган мағрур, чеҳраси очиқ, иложи борича табассумга майл берган кимса сифатида гавдалантирди.

Спектаклда бошқа талқинлар борасида ҳам шу сингари изланишлар олиб борилди. Масалан, Арслон образини А. Ҳидоятов ва О. Жалилов икки хил йўлда ижро этдилар. Ш. Бурҳонов билан Х. Хўжаева илк бор ана шу спектаклда роль ўйнаб, томошабинга танилдилар. Ш. Бурҳонов «Икки коммунист»да Деҳқонбой, «Тор-мор»да Баҳодир ролларини олиб чиқди. Ш. Қаюмовнинг Пўлати ва Л. Назруллаевнинг Мадазими бу актёрлар учун ижрочилик санъати сирларини эгаллашларида муҳим машқ бўлди. Умуман, «Икки коммунист»—«Тор-мор» ва унинг постановкалари (режиссёрлар М. Уйғур ва Е. Бобожонов) мавзу ва бадиият эътибори билан «Бой ила хизматчи» спектакли анъаналарини давом эттириб, ўзбек саҳна санъати хазинасини бойитди. Театр ана шу икки постановка мисолида маиший реализм унсурларидан воз кечиб, социалистик реализм принципларига амал қилиш йўлига ўтди. Бу нарса Ҳамза вафотидан кейин унинг номи билан атала бошлаган театрнинг узил-кесил ўзбек драматургиясининг лабораториясига айланганини кўрсатади.

Ғулом Зафарий, Хуршид ва Комил Яшинга мактаб бўлган бу даргоҳ «Икки коммунист»нинг «Тор-мор» варианти яратилиши жараёнида бир қанча ёш драматургларни вояга етказиб, уларнинг илк пьесаларини саҳналаштирди. Сотти Ҳусайннинг «Лойқалар», Умаржон Исмоиловнинг «Пахта шумғиялари» ва «Рустам», Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди», Зиннат Фатхуллиннинг «Бургут янчилди», «Ниқоб йиртилди», «Истиқлол» пьесаларининг постановкалари шулар жумласидан эди. Муҳими, тилга олинган асарларнинг авторлари З. Саид, Н. Сафаров, З. Фатхуллин, К. Яшин 30-йилларда ва ундан кейинги даврларда саҳна адабиётининг пешқадам авторлари бўлиб қолдилар.

1927—1934 йиллар ўзбек театри ижрочилик санъатида катта ижодий силжишлар даври бўлди. Артистлар ўзларининг профессионал маҳоратларини мунтазам ошириб, рус, қардош халқлар ва жаҳон классик драматургияси намуналарини саҳналаштиришни мақсад қилиб олдилар. Бу фазилат ёш ўзбек совет саҳна санъатининг тарихий ютуғи бўлиб, унинг кўп миллатли совет театри пешқадамлари сафидан ўрин олишида муҳим аҳамият касб этди.

---

* * *

Гулларга ҳавасим келади,
Гулларга!
Улар қўрқмайдилар умрнинг бир фасл эканлигидан.
Улар қайғурмайдилар баҳорнинг бир фасл эканлигидан.
Жонзотлар сарвари агар мен бўлсам,
Чамалаб кўраман йилларни.
Хотирлаб юраман йилларни.
Гоҳо,
Мен боболарингни кўрганман,
дегим келади,

Эй, гул — норасида!
Гоҳо,
Тўйиб-тўйиб йиғлагим келади
Гуллар қаршисида.
Аслида мен
Умрим эртагини айтолмасам керак —
Бир асрда.
Куртак эса жажжигина гўзалликни куйлаб
Гул бўлади
Бир фаслда.

Йўлдош ЭШМУРОДОВ

Хоразм

Рауль МИРҲАЙДАРОВ

ТЎҒОН

Қисса

Комилни ишга таклиф қилиб Қобилов янглишмаган эди. Комил трест излаб юрган одам бўлиб чиқди. У бўлар-бўлмасга Қобилов олдига кириб, бошини қотиравермади. Унинг беминнат ёрдами ва дўстона ишончини оқлашга аҳд қилган эди. Икки ой ичида янги лабораторияга тааллуқли масалаларни ўринлатиб ҳал этди. Лекин орадан кўп ўтмай, бўлғуси тўғонга боғлиқ ҳужжатлар кела бошлаганда Комил лойиҳанинг чалкашлигини сезиб қолди. Бу фикрини у планёркада айтди. Комилнинг эътирозларини эшитиб бировлар масхараомуз кулишди. Ҳатто «Бу дайди ўзини жуда баланд оляпти-ку? Келиб-келиб Москвадаги лойиҳачиларга осилганини қаранглар. Хув хомкалла, бу лойиҳани анов-манов одамлар чизган эмас. У ерда фан докторлари ўтирибди. Улар билан олишаман, деб, белинг чиқмасин тағин!», деб киноя қилганлар ҳам бўлди. Трестда техника кенгаши чақирилди. Кенгашга Заркент комбинати вакиллари ҳам таклиф этилди. Ҳамманинг олдида Комил лойиҳанинг нуқсонларини осонгина исботлаб берди. Сўзига далил сифатида у сўнгги беш йил ичида гидрогеологлар ва тупроқшунослар тўплаган маълумотларни келтирди. Комилнинг фикрича, лойиҳани ўзгартириш шарт эмас, лекин тоғ тарафдан худди панжага ўхшаш тармоқ-тармоқ ўзанлар қуриш лозим. Бу ўзанлар тошқин сувларни вақтинча жамлаб турадию комбинатдан чиққан чиқиндилар сунъий ҳавза тагига чўккач, махсус каналлар орқали яна комбинатга қайтаради. Натижада корхона тоза сув билан муттасил таъминланиб туради. Бундай панжанусха ўзанлар ҳисобига олинадиган сув лойиҳада кўрсатилган қайтарма каналлар харажатини бемалол оқлайди.

Комбинат вакиллари Комил Муртазоевнинг таклифини маъқулладилар. Лойиҳа қайта кўриб чиқиш учун авторларига қайтарилди. Тармоқ ўзанлар эвазига комбинатни қўшимча сув билан таъминлаш ҳақидаги фикр рационализаторлик таклифи деб топилди ва Комил Муртазоевни мукофотладилар. Чунки бу таклиф давлатга миллион-миллион сўм фойда келтирарди.

Тўғонда иш қизиб кетди. Бироқ йўл-йўлакай кутилмаган муаммолар чиқиб турарди. Қобилов бир куни қурилишга бориб, ишнинг кетишини узоқ кузатди. Бульдозерлар бир томондан, грейдерлару скреперлар иккинчи томондан сўлқилдоқ ернинг етти қават терисини шилиб, тупроғини бир четга уймоқда. Бу тупроқ кейинчалик тўғонга ишлатилади, тобора чуқурлашиб бораётган баҳайбат «товоқ» сув тўплайди. Қобилов ингичка, қорамтир томирлар илиниб ётган улкан қатламларга, қора қуюн ичида гўё фарёд кўтариб тупроққа қоришаётган ям-яшил майсаларга тикилиб турдию юраги ўйнаб кетди: «Биз ернинг қаймоғини шилиб оляпмиз-ку! Бу энг ҳосилдор, бебаҳо қатламлар-ку! Тўғри, бундай қараганда трестга ҳам, комбинатга ҳам, ўша лойиҳа тузган институтга ҳам бунинг алоқаси йўқ. Лекин деҳқоннинг оғзидаги нонни тортиб олиш инсофдан эмас. Ўзимизнинг ишимиз битса бас, деб атроф-муҳитни дабдала қилиб кетаверсак... Йўқ, бир иложини топиш керак!»

Эртасига Қобилов шу яқин-атрофдаги колхозларни айланиб чиқди. Раислар билан гаплашди. Уни ёқтирмайроқ қаршиладилар. Чунки колхозлар тўғон деб қанча экинзор ва яйлов ерлардан айрилди. Бунинг устига ёнгиналарида заҳарли кўл пайдо бўлаётганидан одамларнинг таъби тирриқ эди. Қобилов раисларга бор гапни айтди. «Қанча ҳосилдор майдонлар бекорга нобуд бўлиб кетяпти, иложини топиб тупроғини ташиб олинглар», деди. Раислар аввалига ишонишмади. «Бунинг бир балоси бор, бекорга меҳрибончилик қилаётган бўлмаса керак?», деб баҳона кўрсатишди. Даврон Қобилов ўйлаб туриб, таваккал қилди. Нима бўлса бўлар, дедию қарамоғидаги механизмларни ишга солди. Колхоз раҳбарлари экин экишга яроқсиз деб ташлаб қўйган тошлоқ ерларни текислаттирди, сўнг скреперу самосвваллар билан бўлиқ қатламларни ташитиб, ҳалиги тошлоқларга тўктирди. Қобиловнинг бунақа ўзбошимчалик билан иш тартибини бузиши комбинатдагиларнинг тепа сочини тикка қилди, албатта. Жанжал бошланди. Ҳатто «Қобилов колхозларга зимдан техника бериб, пул ишламоқда», дейишгача бордилар.

Қобилов парвойига ҳам келтирмади. Ошинг ҳалол бўлса — кўчада ич, деб юраверди. Унинг кутилмаган ҳимматидан хурсанд бўлган колхоз раҳбарлари қурилиш ёнида чойхона, ошхона очиб бердилар. Ишчилар ҳам ёлчиб қолишди. Илгаригидек зир югуриб овқат излаш йўқ, тушлик бўлди дегунча каскаларини қийшайтириб, қўлбола палов билан шўрва қайдасан, деб тўғри келаверишди...

Бу орада Комил Муртазоев лойиҳанинг яна бир ишкал томонини топди. Унинг фикрича, тўғон тагига тўкиладиган тупроқ таркиби етарли текширилмаган эди. Агар лойиҳа институти тавсия этган усул билан тўғон тикланаверса, у бир-икки йил ўтмай чўкиши мумкин. Бу эса юзлаб кишиларнинг меҳнатини чиппакка чиқаришдан ташқари, иншоотни ҳам барбод қилади.

Комил ҳисоб-китобларини кўтариб Қобиловнинг олдига кирди.

— Ўзинг нимани таклиф қиласан?— деди Комилнинг гапини диққат билан тинглаган Даврон Қобилов.

— Менингча, тўғоннинг энг пастки қатламидан то устигача муттасил сув қуйиб туриб шиббалаш керак. Шунда у метиндек бўлиб зичлашади. Акс ҳолда аста-секин ўпирилиб кетиши турган гап. Чунки тупроқнинг таркиби яхши текширилмаган.

— Мен рози,— деди Қобилов.— Энди гап бундай. Сен мана бу далил-исботларингни кўтариб комбинатга борасан. Қурилиш бошқармасига учрайсан. Комбинат холис бир лаборатория топиб, тўғонга босиладиган тупроқ таркибини қайта текширтирсин. Ундан кейин яна кўрамиз. Мабодо сенинг фикринг исботланса, лойиҳани институтга қайтариш керак бўлади. Камчилигини тўғрилаб беришсин. Лекин бир нарсага ақлим етиб турибди. Комбинат ҳам, институт ҳам ўлақолса сенинг ёнингни олмайди.

Трест бошлиғи рост айтган эди. Комбинатнинг қурилиш бўлимидагилар Комилнинг таклифини эшитиб, дод деб юбораёзишди. Улардан баъзилар трест лаборатория бошлиғига кўпдан тишларини қайраб юришарди. «Аввало, бу Муртазоев ўзини жуда билимдон деб ўйлаб, таклиф устига таклиф киритяпти. Лойиҳани ҳадеб бузгани бузган. Комбинат билан Москвадаги забардаст институт орасига совуқчилик тушди. Инсоф деган нарса йўқ бу Муртазоевда,— дея тўнғиллашарди улар.— Сал илгари битта таклиф киритди. Хўп, дедик. Лойиҳани ўзгартирдик. Лекин ноинсоф шунча пулни бир ўзи еб кетди-я! Мукофотнинг бир четидан ушатиб бериш хаёлига ҳам келмади. Ўша рационализаторлик таклифига институт билан комбинатдан тўрт-беш кишининг фамилиясини тиркаб қўйса ўлиб қолмасди-ку!»

Комилнинг янги таклифига комбинат инженерларининг бошқа эътирози ҳам бор эди. Агар Муртазоевнинг ҳисоб-китоби бўйича лойиҳа яна ўзгартирилса, институтгагина эмас, комбинат қурилиши бошқармасидагиларга ҳам гап тегиши мумкин эди. Юқоридагилар «Комбинатда шунча инженер ивирсиб юрса-ю, битта Муртазоев топган хатони тополмаса, уларнинг кўзи қаёқда эди?», деб қолиши ҳам бор. Қурилиш сурилиб кетади. Ортиқча харажат кўпаяди. Қарабсизки, ким айбдор — комбинатнинг ўзи айбдор бўлиб тураверади. Шунинг учун Муртазоевнинг тўғон пойдеворини сув сепиб шиббалаш ҳақидаги таклифига комбинатдагилар тиш-тирноғи билан қарши чиқдилар.

Комил ўйлаб-ўйлаб охири директорга кирмоқчи бўлди. Лекин турли баҳоналар билан уни директор ҳузурига йўлатмадилар. Комбинатдагилар Комилга ижирғаниб, менсимай қараётгани аниқ сезилиб турарди. У жаҳл устида папкасини қўлтиқладию Тошкентга жўнади.

Бир ҳафта ишга бормади. Ётиб ичди. Кейин сал кўзи очилгандай бўлиб, икки кун лабораториядан чиқмай ишлади. Чизмалари, далиллари, ҳисоб-китобларини қайта-қайта текширди, қиёслади, илгариги ахборотига қўшимчалар киритди. Сўнг уларни бир пакетга солди-да, Москвага, лойиҳа институти бош инженерига жўнатди. Албатта, эгасига тегадиган қилиб жўнатди. Кейин айшини қилиб юраверди.

Бир куни комбинат қурилиши бошқармасидан трестга хат келди. Хат «Строймеханизация» трести лабораториясининг бошлиғи Комил Муртазоев устидан бўлиб, унинг қилмиш-қидирмишлари бирма-бир ипга тизилган эди: «...Муртазоев учига чиққан ичкиликбоз, саёқ, бировларнинг оиласини бузишни касб қилиб олган; Заркентда Муртазоев деса зир титрашади, чунки маст бўлиб, кўча-кўйда жанжал кўтаради; ўлгудек такаббур: «Айтганим инобатга олинаверар экан», деб, кимсан — Москвадаги машҳур олимлар тасдиқлаган лойиҳага яна ўзгартиш киритмоқчи. Институтдагиларнинг бошини оғритиб, комбинатдагиларни ишдан қўйиб, фақат ўз манфаатини ўйламоқда» ва ҳоказо.

Мактуб сўнгида «Муртазоевдек юлғич шахслар тийиб қўйилсин», деб трест партия комитетига мурожаат қилинган эди.

Комил бу хатни ўқимаган бўлсада, тахминан мазмунидан хабардор эди. Аламдан бошини чангаллади. Бекорчи одамларга ҳам эрмак топилди: «Кейинги пайтда жуда ҳаддидан ошиб кетди-да ўзи; Қобиловнинг ҳамтовоғи бўлгандан кейин ошадида; қара, гулдай хотинини хор қилиб қўйибди ноинсоф!»

Қобилов командировкадан қайтдию хат билан танишди. Дарҳол Комилни чақиртирди. У одатдагидек ширакайф эди.

— «Иғволарга парво қилма,— деди Қобилов ва хатни ғижимлаб саватга ташлади.— Ишингни билиб қилавер. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл.

Унинг нимага имо қилаётгани маълум эди. Аммо Комил индамади. Уҳ тортиб пишқирди. Бошини сарак-сарак қилди. Кейин еб қўйгудек бўлиб Қобиловга тикилди. Қобилов ҳам унинг қизарган кўзларига, паришон сочлари, хира кўзларига боқиб, андак хаёлга толди. Эски дўстига раҳми келди.

— Комил,— деди аста,— жуда чарчаганга ўхшайсан. Озгина дам оласанми? Хоҳласанг, бирор тинчроқ ерга путёвка топтириб берай, нима дединг?

Муртазоев сергакланди. Захарханда билан кулди:

— Билама-ан сени!— деди кўрсатгич бармоғини ўқталиб.— Сен илоннинг ёғини ялаган маккорсан! Аввалига гўё биз бечораларга раҳмшафқат қилмоқчи бўлдинг. Бизни Тошкентга кўчириб келдинг. Иш бердинг, уй бердинг. Энди мени курортга жўнатиб, Саломат билан... а? У ҳам сени яхши кўради, ҳар қалай, эски жазманинг! Вей, Даврон...

Қобилов чидамади.

— Йўқол кўзимдан, беномус!— деб бақирдию юрагини чангаллаб столга гурсиллаб тушди.

Қобилов икки ой касалхонада ётиб чиқди. Врачлар унга отпуска олиб, бирор денгиз бўйидами, ўрмондами дам олишни маслаҳат бердилар. Лекин Қобилов кўнмади. Тўғон қурилиши авжига чиққан, бунақа долзарб пайтда олисга жўнаб кетиш Қобиловнинг хаёлига сиғмас эди.

Ёз охирларига келиб тўғоннинг дастлабки уч километрини битириб, фойдаланишга топширдилар. Бу улкан сунъий кўлнинг биринчи қисми эди. Ҳали олдинда иш кўп, яна уч қисм қурилиши керак, шундагина ўн икки километрли тўғон ниҳоясига етади. Лекин бари бир дастлабки ғалабани тантанали нишонладилар. Митинг бўлди. Карнай-сурнайлар эрталабдан дала-тузни бошга кўтариб меҳмон чорлади. Пишиқчилик эмасми, колхозлар қовун-тарвуз деганни ғарам қилиб ташлади. Қурувчилар ясаниб-тусаниб тўғон тўрида илжайиб туришибди. Комбинат раҳбарлари ҳам хурсанд: ахир, қурилиш муддатидан анча олдин битмоқда. Суръат шу тарзда кетса, ҳадемай корхона қудрати бир неча баравар ортади!

Ана шундай кунларнинг бирида Қобилов: «Ҳавзага сув қуйиб кўрайлик-чи, тўғонимиз ўзини қандай тутар экан», деб комбинат раҳбарларидан илтимос қилиб қолди. Комбинатдагилар эътироз билдирмади. Аввало, бу ишнинг ортиқча харажати йўқ. Иккинчидан, тўғоннинг яхши-ёмонлигини ўз кўзлари билан кўриб, баҳолаш улар учун ҳам жуда муҳим эди.

Кеч кузда ҳавзага сув қуйдилар. Тўғон қишга чидаб берди. Уч километрли ернинг бирон қаричида на ёриқ, на ўпқон кўринди. Аммо қиш ўтиб, баҳор келдию томошанинг каттаси бошланди. Ҳаводан қора булут

Охири. Боши журналнинг 2- ва 3-сонларида.

кетмай қолди. Шаррос ёмғир қуйгани қуйган. Тоғлардан айқириб сел келди. Тўғон кун сайин банди-бандидан бўшашиб кетаётгандек эди. Майнинг ўрталарига бориб у таслим бўлди. Нортуядек турган ерида чўка бошлади. Тепа қисмида ўнгирлар пайдо бўлди, ҳар ер-ҳар еридан дарз кетди. Хуллас, Комил Муртазоевнинг тахмини тўғри чиқди. Тўғон илк синовга бардош беролмади.

Комбинат «Тўғонни наридан-бери қургансизлар, энди уни ўз ҳисобларингдан тўғрилаб берасизлар», деб дарҳол «Строймеханизация» трестига ёпишди. Қобиловнинг ўрнида бошқа одам бўлса, «Кел, шулар билан сан-манга бориб, ғижиллашиб ўтираманми?», деб бир-икки ҳафтада тўғоннинг бузуқ-ёриғини тузатиб бериб қутиларди. Пул бўлса бор. Қурилишда меҳнатни яхши ташкил этгани ва машиналардан унумли фойдалангани учун трест юз минглаб фойда кўрган. Агар Қобилов хўп деса, биров уни койимасди ҳам. Негаки, катта қурилишларда бунақа чала ишлар доим учраб туради. Раҳбарлар ҳам бунга кўникиб кетишган. Аммо Қобилов комбинатнинг талабига рози бўлмади. Унинг жавоби лўнда ва қатъий эди: «Тўғон пешма-пеш, қатламма-қатлам тикланди. Биз лойиҳадан заррача четга чиқмадик, қурилиш нормасига риоя қилдик. Тўғон битгач, унинг қатламлари синов комиссияси томонидан махсус текширишдан ўтказилган. Актимиз бор. Хуллас, иншоотнинг чўкишига биз жавобгар эмасмиз, демак, таъмир ҳам қилмаймиз!»

Аввалига комбинат раҳбарлари Қобиловнинг қайсарлигига ичларида кулиб юришди. Кейин, «Шошма, юқоридан бир телефон бўлсин, попугинг пасайиб, мусичадек бўлиб қоласан», деб кутиб туришди. Бироқ Даврон Қобиловнинг «эси кирай» демасди. Унга ҳатто министрликнинг ҳам гапи ўтмади. Комбинатдагилар жанжал кўтариб, трест устидан тегишли ташкилотларга арз қилишди. Шунда ҳам Қобилов бўй бермади. «Ишни чўзавермай, давлат ҳакам комиссиясига ўтказинглар, ким ҳақ, ким ноҳақ — шулар ҳал қилсин», деб комбинатга расмий хат йўллади.

Ниҳоят, ҳакам комиссияси келадиган кун ҳам маълум бўлди. Қобилов комиссияга ўз далиллари, исботлари билан шай бўлиб туриши керак эди. У тўғонга таллуқли ҳужжатларни кўтариб уйига олиб кетди. Кечалари тинч, осуда шароитда чизмаларни, схема ва тупроқ анализларини қайта-қайта кўздан кечирди, далилларни қиёслади, такрор ва такрор ҳисоб-китоб қилди, ўй суриб, айтадиган гапларини, таклиф ва мулоҳазаларини қоғозга туширди. «Ишқилиб, комиссия олдида комбинатга таслим бўлмасанг бас,— дея пичирларди Қобилов,— таслим бўлишга ҳаққимиз йўқ. Гап — тўғонни ремонт қилишга кетадиган бир-икки юз минг сўм устида эмас. Гап принципда. «Хато биздан ўтибди, тузатамиз», десак, бутун трестнинг, қолаверса, минглаб ишчи-хизматчиларимизнинг ҳафсаласи пир бўлади. Ёмон отлиқ бўлиб қоламиз. Минбаъд бизга ишонмай қўйишади. Ундан ташқари, қурувчиларнинг олтин қонуни бор: ким хато қилган бўлса, жавобини ўзи берсин, жазосини ўзи тортсин. Мана бу ҳужжатлар, трест шаънига доғ туширмаймиз, деб турибди».

Қобилов яна қоғоз титкилай бошлади.

Ана шундай оқшомларнинг бирида Қобиловнинг эшигида қўнғироқ жиринглади. У хушламайгина бориб эшикни очди. Остонада чамадон кўтарганча бир ҳол бўлиб... Саломат турарди.

— Узр, мен... бир минутга келувдим. Кирсам майлими?— деди у ловлов қизариб.

— Бемалол! Марҳамат, Саломат! Қани, ичкарига!— Қобилов шошиб Саломатнинг қўлидан чамадонини олди. Аёлни ичкари киритиб, унинг ғамгин чеҳрасига тикилди.— Тинчликми? Қаёққа кетяпсиз бемаҳалда?

Саломат индамади. Чайқалиб кетдию Қобиловнинг кўксига бош қўйиб ҳўнграб юборди. Уй эгаси нимадир деб уни овутмоқчи бўлар, бироқ тили гапга келмас, бир томони, «Майли, йиғлаб олсин, ҳоври босилади», дея Саломатни жимгина бағрига босиб турар эди.

Ниҳоят, у аёлни суяб диванга олиб бориб ўтқазди. Чой қуйиб берди. Саломат ҳамон пиқиллаб йиғлаб, ерга қараб рўмолчасига юз-кўзини артар эди.

— Ўзингизни босинг, синглим. Мана чойдан ичиб, бирпас нафас ростланг, ўзингизга келиб қоласиз. Мен ҳозир яна иссиқ чой дамлаб келаман.

Саломатнинг «Овора бўлманг, мен тезда кетаман», дейишига қарамай, Қобилов шипиллаб ошхонага чиқди. Газга чой қўйдию овқатга уннади. У шошилар, тезроқ сабзи-пиёзни қозонга босиб, Саломатнинг ёнига киргиси, унинг кўнглини кўтаргиси, ҳол-аҳвол сўраб, чақчақлашиб ўтиргиси келар эди. Даврон Қобилов ишга ўралашиб қолиб, анчадан буён Саломат билан бемалол гаплашолмади. Бу аёл кейинги пайтларда жуда ўзгариб кетган эди. Айниқса, эри билан Тошкентга кўчиб келгач, Қобилов унга трестдан дурустгина иш берган, институтга қайта тикланишида ҳам кўмаклашган, шунданми, Саломат тобора очилиб, яшнаб борар, унга боққан киши ҳар томонлама тўкис аёллардагина бўладиган бахтиёрликни кўриб, ҳавас қилар эди. «Бўлмаса нега йиғлаб келди экан?— деб ажабланди гўшт тўғраётган Қобилов.— Баттол Комил яна бирон ҳунар кўрсатдимикан?»

— Даврон ака...

Қобилов ялт этиб қаради. Саломат маъюс кулимсираганча эшикка суяниб турарди.

— Нимага овора бўляпсиз?— деди у бир қадам ичкари босиб.— Мен кетаман, дедим-ку? Сиз билан хайрлашгани кирувдим. Поездга чиқишим керак. Билет чўнтагимда.

Қобилов жазиллаб турган декчанинг қопқоғини ёпдию холодильникдан бир шиша вино олиб столга қўйди.

— Келинг, Саломат, ўтиринг,— деди унга стул суриб. Саломат хўрсинганча ўтирди. Шишага қараб жилмайди:

— Қизиқ-а, Даврон ака, биринчи танишганимизда ҳам мана шу винодан ичган эдик. Хайрлашгани кирсам... яна «Баён ширин»! Дунёнинг ишларини қаранг. Ғалати тасодиф...

Қобилов қадаҳларга вино қуйди.

— Хўп бўлмаса, Даврон ака,— деди Саломат ва қадаҳини кўтариб Қобиловга жозибали боқди,— хайр энди! Мен отпускага чиқдим. Энди бу ёққа қайтиб келиш ниятим йўқ. Бутунлай кетяпман. Бўшаш ҳақидаги аризамни почтадан юбораман.

Қобиловнинг юраги шиғ этди. У «Нима гап?», дегандек Саломатга тикилди. Аёл анча тетик, ҳатто қувноқроқ оҳангда шундай деди:

— Ҳаётим барбод бўлди, Даврон ака. Комил билан ажрашдик. Раҳмат сизга. Шунча яхшилик қилдингиз. Лекин у кўрнамак билмади. Кейинги пайтда қилдан қийиқ ахтарадиган одат чиқарди. Ичгани ичган. Баъзи кунлари уйга келмай қолади. Бу ҳам етмагандай мени сиздан рашк қилади... Узр, мен ўз дардим билан бўлиб, бошингизни оғритдим шекилли? Хуллас, бизни... мени кечиринг, Даврон ака. Эски сабоқдошлик ҳурмати — кечиринг. Бизни деб кўп жафолар чекдингиз. Бир оғиз «Кечирдим» деган сўзингизни эшитсам, бас, елкамдаги, виждонимдаги, юрагимдаги оғир тошдан қутулгандай бўламан.— Саломатнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.— Кечирасизми? Ҳа, денг, Даврон ака...

Қобилов нақадар иродали, қайсар, чўрткесар бўлмасин, рўпарасидаги дилбар, забун ва паришонҳол аёлнинг аҳволи руҳиясини кўриб, чидамади. Кўнгли бўшашди.

— Э, хафа бўлманг, Саломатхон,— деди зўраки бир тетиклик билан.— Мен ҳаммасини унутиб юборганман. Сизга ҳам, Комилга нисбатан ҳам кўнглимда заррача гина йўқ. Ҳаётда нималар бўлмайди..

— Демак, менинг гуноҳларимни кечирасиз-а, Даврон ака?

— Минг марта кечирдим, Саломатхон,— дея Қобиловнинг овози негадир титраб кетди.— Начора, тақдир шунақа экан.

Қобилов таом сузиб келди. Саломат овқатдан хушламайгина еди. Кейин соатига қаради-да, аста қўзғалди.

Қобилов уни таксига ўтқазиб, кўзида ёш ғилтиллаганча кузатиб қолди.

Кун тушдан оққан, Заркентда давлат ҳакам комиссиясининг йиғилиши бошланишига икки соатгача вақт бор эди. Қобилов кабинетига лаборатория ходимларини тўплади. У бўлғуси «жанглар» олдидан ўз инженерлари билан яна бир марта маслаҳатлашиб олмоқчи ва обрўли комиссия аъзоларига кўрсатадиган далилларини сўнгги карра назардан ўтказмоқчи эди.

Шу пайт эшик зарб билан очилдида, кабинетга Муртазоев кириб келди. Унинг авзойи бузуқ, бир нарсадан қаттиқ изтироб чекаётгани аниқ билиниб турарди. Қобиловнинг энсаси қотди. «Бу тентак яна қанақа ғалва билан келди экан? Ё Саломат важидан жанжаллашмоқчими?», деб ўйладию ходимларига жавоб бериб юборди. Сўнг Комилга ўгирилди:

— Кел, ўтир. Кечирасан, мен ҳозир Заркентга жўнашим керак,— деди совуққина.— Комиссия келган. Вақтим зиқроқ...

— Биламан.— Комил уҳ тортиб ўтирди.— Кўп вақтингни олмайман. Сенга мана бу нарсани олиб келувдим.

Комил офтобда ётиб, темирдай қизиб кетган чарм папкани чўзди. Қобилов яғири чиққан эски папкани ажабланиб қўлига олди.

— Нима бу?

— Ичишга ҳеч нарсанг йўқми?— деди Комил кўзлари ўйнаб,— озгина заҳри қотилдан ютиб олмасам, сен билан гаплашолмайман.

Қобилов деворга ўйиб ишланган кўринмас рафдан бир шиша коньяк олиб столга қўйди. Кейин шошиб папкани оча бошлади.

Папкадаги ҳужжатларга кўз югуртираркан юраги ўйнаб кетди. Кутилмаганда бебаҳо хазинага йўлиққан одамдай беихтиёр илжайди. Дарров хаёлига Комилнинг бултурги гапи тушди; «Муайян бир шароитда тўғон чўкиши мумкин, шунинг учун унга пешма-пеш сув шиббалаш керак», деган таклифини, бу таклиф туфайли бўлган тортишувларни эслади. Бугунги ҳакам комиссияси ҳам ана шу жанжални бир ёқли қилиш учун чақиртирилган эди. Энди Қобиловнинг кўнгли тўқ. Чунки мана бу ҳужжатлар Қобилов учун, унинг тарафдорлари учун рад этиб бўлмас дастак эди. Папкада Муртазоевнинг Москвага, ўша лойиҳа институтига ёзган хатлари ётар, уларга институт юборган жавоблар илова қилинган эди. Жавобга эса, панжарагулчин қилиб бир нечта фан доктори, лойиҳа бош инженери қўл қўйган, Муртазоевнинг таклифига қатъий равишда эътироз билдиришган эди.

— Ажойиб, жуда ажойиб!— деди Қобилов мамнун кулимсираб ва лаборатория текширишларини ўқиди. Энергетикларнинг хулосалари ҳам трест фойдасига эди. Қобилов Комилга юзланди:— Бу хизматларинг эвазига бирор нарса талаб қиласанми?

Комил шишага қўл чўзди, қултиллатиб коньяк қуйди-да, аччиқ кулди:

— Оғзига кучи етмаганлар нима деса деяверишсин. Лекин мен бирон нарса тамъа қилиб келганим йўқ. Мен эҳтимол аҳмоқдирман, бироқ пасткаш эмасман.

— Тушундим. Бўлмаса, шундай бебаҳо ҳужжатни... Яшириб юришдан мақсадинг нима эди? Ахир билардинг-ку, кейинги икки ой ичида тўғон устида ҳазилакам жанг бўлаётгани йўқ!

— Билардим, азизим, билардим. Аввалига гаплашишнинг хонаси бўлмади. Сен билан айтишиб қолдик.

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Бола эдим...

Бола эдим, бола эди бу дунё,
Ташвишлардан холи эди бу дунё.
Бу дунёнинг ғамларини билмасдим,
Ёндиргувчи дамларини билмасдим.
Ҳамма нарса тўкис эди кўзимга,
Одамлар ҳам ўхшар эди ўзимга.
Ва мен ҳам тез улғайишни истардим,
«Онажоним, улғайтир», деб қистардим.
Улғайдиму кўрдим ўзга дунёни,
Улғайдиму кўрдим ўзга рўёни.
Оҳ, у дунё, дўстлар нега йўқолди,
Мен севган одамлар қайларда қолди?
Ўзга эди, эди улар бир олам,
Мендек мурғак гўдакларга сир олам.
Суярдилар, агар ногоҳ йиқилсам,
Суярдилар, нелардандир сиқилсам.
Улғайдиму ажаб, улар йўқолди.
Улғайтиб, ўзлари қайларда қолди?
Неча кундир уларни мен излайман,
Ўтганларга термуламан, бўзлайман.
Ана, улар, мени ўпиб-суйганлар,
Озор чексам бошим узра куйганлар.
Ана, улар, ёнгинамдан ўтдилар,
Лекин бу гал сўзларини ютдилар.
Ўтди улар — бегонадай бепарво,
Ҳол сўрашни кўришмасдан ҳам раво.
Билолмадим, нега алам, нега ғам?
Ёки мендай улғайдими улар ҳам?
Бола эдим, бола эди бу дунё,
Ташвишлардан холи эди бу дунё.

* * *

Ойга айтар розини
Ойдай тўлин бир аёл.
Эшитиб овозини
Ой ҳам суради хаёл.
«Наҳот йўқдир дардкаши,
Наҳот ишқи ниҳондур?»
Қайғу-алами ошиб,
Ой дард билан тўкар нур.
Япроқлар йиғлар беун,
Тўлғанади чечаклар.
Оқарадн рашкдан тун,
Ой аёлни қучоқлар.
Оловланар, нурланар
Ойдай юзлар олланиб
Ва кетар ул силкиб бар
Сўқмоқ бўйлаб солланиб.
Кетар аёл. Зум ўтмай
Бирлашади соялар;
Чигирткалар чалар най,
Куйлар буғдой поялар.

* * *

Минг азоб,
Минг қийноқ,
Дард билан
Кўксимда тўлғаниб,
Сўнг қаро киприклар
Қаддини дол этган
Кўз ёшлар сингари
Сирқираб-сирқираб
Ёмғир ёғаётир.

* * *

Эҳ, билмайсиз, оғир менга
Сизни унутмоқ.

Унутардим ҳеч ўкинмай орзуларимнинг
Юлдузлари чарақлаган осмонин шаксиз;
Унутмоғим мумкин яна ўлчаб берилган
Гул умримнинг хуш дамларин қайғусиз, сассиз.

Унутарман диққинафас сокин тунларнинг
Оромини бузган алвон қўшиқларимни,
Унутарман — қувонч нима, шодликлар нима,
Чечакларнинг бўйи надир, бари-барини!

Лекин оғир, оғир менга
Сизни унутмоқ.

* * *

Саҳар уйғонаман, қуёшдан эрта,
Мудроқ далаларим — туманли рўё.
Зангори шаббода елар оҳиста,
Қизғалдоқ ҳидларин сезаман гўё.

Худди ранг олгандек тонг тушларимдан
Шаффоф кўринади кўзимга дунё.
Қадамимнинг товушларидан
Уйғонади қуёш, таралар зиё...

* * *

Уғлим, ҳали сен жуда ёшсан,
Кўзларингда чақнар кулгулар.
Қувончларга тўлиб чопасан,
Товушингдан уйғонар гуллар.

Шохда ҳозир тебраниб беун,
Сенга ором берар беланчак.
Билмайсанки, ногаҳон бир кун
Уйғотади сени келажак!..

Турсун АЛИ

* * *

Бас, кел энди, хайрлашайлик,
Тинсин чигал ўйлар гирдоби.
Етар ахир шунча жимжитлик,
Оғир ахир сукут азоби.

Қара, осмон — зулмат бус-бутун,
Бошимизда на юлдуз, на ой.
Сени олиб кетган қора тун
Бир умр бағримда қолар ҳойнаҳой.

* * *

Юлдузларга қара, ҳув, юлдузларга,
Балки сен уларни зор кутмагансан.
Балки юлдузларнинг қадим қўшиғин
Қалбингда бир лаҳза ҳис этмагансан.

Бир зум юлдузларга қарагин, дўстим,
Тунда ёнаётган, ҳув, юлдузларга.
Ахир, зулматларни тилкалаб улар
Сен учун йўл очар оқ кундузларга.

Қарз бўлсам...

Тунлари фалакка боқаман,
Чамандай очилган юлдузлар.
Орзулар чақмоғин ёқаман,
Таъқиб этар минг-минглаб кўзлар.
Менинг ҳам юлдузим юксакда,
Ёғдуси қалбимга қуйилар.
Юлдузлар учади фалакда,—
Бош узра мезондек туйилар.
Нигоҳим тортади «Тарози»,
Ўлчамоқ бўлгандек умримни.
Балки у умримдан норози,
Балки у тингламас узримни?
Тарози паллада ҳар дамим,
Ҳисобот бераман кунимдан.
Қарз бўлсам, сезади юрагим,
«Ҳаққимни олурман тунимдан».[1]

Мухтор РАЗЗОҚОВ

Бухоро

[1] Рауф Парфидан.

Касалхонада ётдинг. Кейин мен бўшаб кетдим. Шунда ҳам папкамни кўтариб келаверсам бўларди-ю, келмадим. «Бир таъзирини есин, мен томоша қилай», деб пойлаб юрдим.

— Қалай, энди кўнглинг жойига тушдими?

— Даврон, кел, қўй, эски ярамга туз сепма. Ўтган ишга салавот. Ҳозир гап сенинг ё менинг устимда бораётгани йўқ. Менки, олдингга бош эгиб келибманми, демак, ҳаётимда, тўғрироғи, кўнглимда нимадир ўзгарган. Эҳтимол, сенга муносабатим ўзгардими... Мен юрак ютиб олдингга келгунча минг хил хаёлга бордим, Даврон. Эшигингни очиб кириш осон бўлмади менга. Бари бир келдим. Менинг номимни булғаб, ёмон отлиқ қилган кимсалар сени ҳам балчиққа қоришларини истамадим. Аслида сен-ку унча-мунча кишига ўзингни енгдириб қўймайсан, буни ҳам биламан.— Комил коньякдан яна бир қуйиб ичди-да, қизишиб давом этди:— Сен инженерсан, мени яхши тушунасан. Ахир сир эмас, қурилишдаги ҳар икки бракдан биттаси албатта лойиҳага бориб тақалади. Лойиҳачилар ҳам ғалати. Осонгина ҳал қилинадиган нарсани гоҳо мураккаблаштириб юборадилар. Жиддий, чуқур масалаларни жўн қолипга солиб, қурувчиларнинг бошини қотираверадилар. Нега шунақа? Чунки иқтисод кетидан қувишади. Оқибатда нима бўлади? Қурилиш бошланади. Қарабсанки, лойиҳа бўйича ажратилган маблағ камлик қилаётгани сезилиб қолади. Кейин беш-ўн минг ташлашади, кейин яна бирор юз минг сўм... Натижада давлатнинг бир сўмини тежайман, деб бир қанча сўм ортиқча харажат қилинади...

Қобилов бетоқат бўлиб соатига қаради.

— Ҳозир тугатаман,— деди Комил мастона бош силкиб,— асосий гапим қолди. Ман атай бу ҳужжатларни кўтариб кутиб юрдим. Қани, Қобилов нима қилар экан, дедим. Мабодо сен комбинат билан институтнинг тазйиқидан чўчиб, тўғонни ремонт қилиб беришга рози бўлганингда шартта келмоқчи эдим. «Мана бу қоғозларга қара, қўрқоқ!», деб башарангга отмоқчи эдим. Хайрият, сен қўрқоқлик қилмадинг, ўзингга ишониб, очиқ жангга киришдинг. Қойилман сенга, Даврон!

— Сенга раҳмат, Комил!— Қобилов ўрнидан турди.— Узр, мен кечикяпман, тезроқ бормасам бўлмайди.

— Бор, Даврон, омадингни берсин,— деди Комил эшик томон юраркан.— Уларнинг бурнини бир ерга ишқаб қўй. Мен сен билан бутунлай хайрлашаман энди. Узоқроқ бир ерга кетаман.

— Борадиган жойингни айт. Таништиларим кўп, ёрдам беришади.

— Раҳмат, кераги йўқ. Мен ўз йўлимни ўзим топиб олишим керак. Ўзим йиқилдим, ўзим бир амаллаб ўрнимдан тураман. Хайр!

Комил гандираклаб чиқиб кетди. Даврон Қобилов унинг ортидан қараб, афсус билан бош чайқадию қалин папкасини кўтарганча пастга югурди.

ЁШЛИК — ЖЎШҚИНЛИК

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Беруний мукофоти лауреати

Ўронтчи шоирлар авлодининг таниқли вакили Николай Старшинов мақолаларидан бирида ўз таржимаи ҳолидан шундай воқеани эслайди: 1943 йилнинг ёзида фронт бўйлаб ялпи ҳужумга қизғин тайёргарлик бораётган пайтда қуролдош дўсти миномётчи Носков икковларини олдинги марраdан чиқариб фронт яқинидаги бир жойга жўнатишибди. Бу жойда Ғарбий фронтдаги ёш шоирларнинг кенгаши ўтаётган экан. Ўшанда Николай ўн тўққиз яшар ҳаваскор шоир эди. Бугун эса Н. Старшинов рус совет шеъриятининг кўзга кўринган намояндаларидан. Ўша кенгаш Старшиновнинг йирик шоир сифатида камол топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган бўлиши ҳам мумкин. Бу воқеа бошқа жиҳатдан диққатга сазовор: адабиёт, адабиётнинг ёш кучлари, бинобарин, истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилиш — бизнинг социалистик жамиятимизда шунчаки вақтивақти билан ўтказиб туриладиган «тадбир» эмас, балки доимий, қонуний ва зарурий ҳолдир. Урушнинг энг оғир дамларида, ҳар бир одам ҳисобда бўлган шароитдаки бутун бир фронтнинг ёш шоирларини тўплаб, улар билан батафсил фикр алмашиб олинган экан, демак, бизда ёш ижодкорнинг тақдири ва истиқболи давлат аҳамиятига молик туриши шундан ҳам кўринади. Буни далиллайдиган мисолларни ҳаётдан кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, КПССнинг XXV съездидан кейин ёш ижодкорларга ғамхўрлик том маънода янги босқичга кўтарилди. Бу эса яхши самаралар бериши шакшубҳасиз эди. Сўнгги йилларда биз Умумиттифоқ миқёсида ҳам, республикамизда ҳам ёш ижодкорларнинг беқиёс фаоллашганини кузатмоқдамиз. Ёшлар бугунги адабий жараёнга тобора сезиларли таъсир кўрсатмоқдалар. Уларнинг асарлари умуммаданий хазинамизни бойитмоқда ва кўплаб адабиёт, санъат мухлисларининг муҳаббатини қозонмоқда. «Ёш гвардия» нашриётининг директори А. Ваҳобов «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилган мақоласида ёшларнинг ижодий фаоллигини кўрсатадиган шундай фактни келтиради: «Сўнгги беш йил ичида ёш авлоднинг 180 номдаги китоби чоп этилди. Буларнинг 40 номдан ортиқроғи биринчи китоблардир. Шу йиллар мобайнида 500 га яқин бошловчи ижодкор «Ёшлик» ва «Молодость» альманахларида ўзларининг ижод намуналари билан қатнашди». Бу фақат «Ёш гвардия» нашриётининг фаолиятига доир. Уларнинг ёнига «Ёшлик баёзи»да, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» ва «Йилдиз» журналларида, «Авторнинг илк китоби», «Авторнинг биринчи китоби», «Мунаққиднинг биринчи китоби» каби сериялларда, ниҳоят, «Саодат», «Муштум», «Гулхан», «Ғунча» каби кўп сонли журнал ва газеталар саҳифаларида дастлабки асарлари эълон қилинаётган ёшларни жамласак, манзара янада ойдинлашади. Дадил айтиш мумкинки, адабиётимиз тарихида ҳали ҳеч қачон ёш ижодкорлар адабиёт майдонига бугунгидай зич сафлар, шахдам қадамлар билан кириб келмаган эдилар. Бу тасодифий эмас. Халқ маънавий ҳаётининг мислсиз ривожи, ижод булоқларининг қайнаб-тошиши ривожланган социализм даврининг муҳим белгиларидан биридир. Албатта, бугун шеърлари ёхуд ҳикоялари босилиб турган, ҳатто биттаяримта китоби чиққан ёшларнинг ҳаммаси ҳам эртага муқаррар тарзда катта шоир ёки катта адиб бўлиб қолмайди. Лекин келажакнинг атоқли сўз санъаткорлари айни бугунги ёшлар орасидан етишиб чиқажаги шубҳасиздир. Ёшлар орасида чинакам истеъдод эгаларининг кўплиги бу фикрни комил ишонч билан айтишга имкон беради. Фақат бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш керак — ҳолва деган билан оғиз чучимаслиги бадиий ижодга ҳам тааллуқли. Одамда истеъдод бўлгани жуда яхши нарса, албатта. Лекин ижодда «фалончи истеъдодли» дейиш билан иш битмайди. Йўл бошида турган ёш ижодкорнинг истеъдоди очилишга тайёр ғунчага ўхшайди — уни авайлаб, парваришлаб вояга етказиш керак. Ҳар бир ёш ижодкор ўз истеъдоди учун адабиёт олдида, халқ ва жамият олдида чуқур масъулият туйғусини ҳис этиб меҳнат қилгандагина, истеъдодини ҳаёт тошида тинимсиз чархлаб боргандагина унинг ўсиб-улғайиши учун зарур шароит вужудга келади.

Бугунги адабиётимизнинг навқирон вакилларини шартли равишда 70-йиллар авлоди деб аташ мумкин. Маълумки, биз адабий авлод деганда, биринчи навбатда, адабиёт ривожида янги саҳифа очишга қодир, ўзидан аввалги авлодларга нисбатан янги гап айта оладиган, ўз қиёфасига эга ижодкорларни тушунамиз. Шу маънода 70-йиллар авлоди қандай авлод? Уларнинг ижодий қиёфаси қандай? Шоирнинг ўрнини, шеъриятнинг моҳиятини, сўзнинг қадрини улар қандай тушунадилар? Қайси ижодий принципларни муқаддас биладилар? Бу авлод шеъриятимизнинг мисқоллаб тўпланган тажрибасидан нималарни олмоқдаю уни нималар билан бойитмоқда? Беором, серташвиш, сертаҳлика XX аср ҳаётининг қай жиҳатлари уларни кўпроқ қизиқтиради? Уларнинг асарларида инсон қандай ўрин тутади ва қандай талқин қилинади? Бу авлоднинг ҳаётни мустақил кўришга имкон берадиган ўз кўзи ва китобхонни ларзага соладиган ўз сўзи борми? Бу саволларга мукаммал жавоб бериш учун ҳозир самарали ва баракали ижод қилаётган ёшлар тажрибасини имкони борича тўла қамраб олиб иш тутмоқ лозим. Лекин ўз-ўзидан аёнки, бир мақола доирасида бунинг имкони йўқ. Шу сабабли биз фақат беш шоирнинг ижоди асосида фикр юритишни маъқул кўрдик. Булар — Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Раҳмон ва Сулаймон Раҳмон. Айни шу шоирлар ижодини танлаганимизга алоҳида маъно бермаслик керак. Биз уларни бошқа шоирлардан ажратиб олиб, бир-бирларига қарама-қарши қўйиш ниятида эмасмиз, албатта. Бу шоирларнинг ижоди ҳозирги кунда бизга кўпроқ таниш бўлгани туфайли ва улар ижодида, фикримизча, ўз авлодига хос хислатлар тўлароқ, аниқроқ намоён бўлгани учунгина шунга жазм этдик, холос.

Аввало, ана шу шоирларга хос баъзи муштарак жиҳатларни кўрайлик. Бу муштараклик, биринчи навбатда, уларнинг биографиясида кўринади. Уларнинг ҳаммаси ҳам урушдан кейин, 50-йилларнинг бошида туғилган, мактабда, олий ўқув юртларида ўқиган, Совет армияси сафида хизмат қилган. Уларнинг ижоди ҳам деярли бир вақтда бошланган. Аксарияти ҳозиргача учтадан тўплам эълон қилди. Булар — Усмон Азимовнинг «Инсонни тушуниш», «Холат», «Оқибат», Сулаймон Раҳмоннинг «Хаёл», «Хилол», «Биллур қўнғироқлар», Муҳаммад Солиҳнинг «Бешинчи фасл», «Оқ кўйлаклар», «Қудуқдаги ой», Муҳаммад Раҳмоннинг «Мувозанат», «Момоқаймоқ», «Яшил дарё», Шавкат Раҳмоннинг «Рангин лаҳзалар» тўпламларидир. Уларнинг биринчи китоблари танқидчилик томонидан, асосан, ижобий баҳоланди. Бироқ уларни бир авлод вакили сифатида ёнма-ён қўйишга асос берадиган сабаб фақат ана шу ташқи белгиларида эмас, балки шеърларининг ички пафосида, оламни, замонни ва инсонни тушунишдаги муштаракликда.

Хўш, бугунги ёшлар нима ҳақда ёзмоқдалар? Умумлаштириб айтсак, Ватан ва табиат, меҳнат ва муҳаббат, адолат ва эрк, ҳақиқат ва бахт тўғрисида. Уларнинг шеърларида замон садоларининг бонги ҳам, инсон қалбининг нозик тебранишлари ҳам бор. Бир сўз билан айтганда, улар ҳаёт ҳақида ёзмоқдалар ва уларнинг шеърларини халқ қалбининг поэтик кардиограммаси деб аташ мумкин. Лекин бу янгилик эмас-ку! Ўзбек шоирларининг ҳаммаси ҳам поэзиямиз ривожининг ҳамма босқичларида шу ҳақда ёзган. Фақат ўзбек шоирлари эмас, балки барча шоирларимиз, қолаверса, бутун жаҳоннинг илғор шоирлари ҳам шу ҳақда ёзганлар. Тўғри, ёшлар шеъриятининг мавзуларида муайян анъанавийлик бор. Бу жуда яхши. Шунинг учун яхшики, бу анъанавийлик шеъриятнинг олис ва машаққатли йўлларида кашф этилган буюк бир ҳақиқатни ёшларимиз яхши ўзлаштириб олганидан далолат беради. Бу ҳақиқат — чинакам поэзиянинг ҳамиша реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини, унинг эстетик эҳтиёжларига хизмат қилишини кўрсатадиган ҳақиқатдир. Ҳозирги ёшлар фақат бу ҳақиқатни эмас, поэзиямиз ривожида синалган яна бир қанча муҳим ижодий принципларни ҳам пухта ўзлаштириб олганлар. Шеъриятнинг ижтимоий-эстетик вазифаларини тушунишда, ҳаққонийлик, халқчиллик ва ғоявийлик принципларига садоқатда ҳам улар Ҳамза ва Ғафур Ғулом, Ойбек ва Ҳамид Олимжон, Шайхзода ва Миртемир каби улкан сўз санъаткорлари изидан бормоқдалар. Бу ҳол ёшларни танқидчиликда ёки ижодий маҳдудликда айблашга асос бўлмаслиги керак — адабиётимизнинг муқаддас принципларига садоқат тақлидчиликни, бир жойда депсинишни билдирмайди, балки, аксинча, бу ижодда янги парвозларнинг, янги кашфиётларнинг, юксак чўққиларга кўтарилишнинг бирламчи зарурий шартидир.

Бугунги ёшлар шеърияти ўзбек поэзиясининг кўп йиллик бой ва ранг-баранг ижодий тажрибаси заминида шаклланмоқда. Қолаверса, ёшлар бу тажрибани ўзлаштириш билан чекланмай, уни қардош халқлар поэзиясининг, прогрессив жаҳон поэзиясининг тажрибаси билан ҳам бойитиб ижод қилмоқдалар. Улар мана шу мустаҳкам заминга таяниб, бугун шоирона сўзнинг янги имкониятларини изламоқдалар, шеърий шаклларнинг ранг-баранглигига, тасвир воситаларининг ўзига хослигига, поэтик образлар системасининг оригиналлигига интилмоқдалар. Лекин бугунги ёшларнинг ўзига хослиги, оригиналлиги, новаторлиги (ёшларга нисбатан бу сўзни қўллашдан чўчимайлик) фақат шу изланишлардагина намоён бўлмайди. Энг муҳими шундаки, улар шеъриятнинг азалий мавзуларини ҳозирги шиддатли, мураккаб ҳаёт нафасига йўғириб куйламоқдалар. Уларнинг асарларида инсон ва замон муаммолари ижтимоий фикрнинг замонавий юксак даражасидан талқин этилмоқда.

Бошқа тенгдошлари каби Сулаймон Раҳмоннинг ҳам лирик қаҳрамонида урушдан кейинги йилларда туғилиб ўсган, лекин уруш даҳшатларини қалбдан ҳис қилувчи, шу сабабли тинч ҳаётни астойдил қадрловчи, дунёнинг бугунги нотинч, таҳликали аҳволидан изтироб чекувчи авлоднинг фикр ва туйғулари ифодаланган. Бу қаҳрамон характеридаги энг жозибадор хислат шуки, у XX асрнинг зиддиятли ҳаётини чуқур ҳис қилади, лекин унинг мураккабликлари, фожиалари, машаққатлари қаршисида довдираб қолмайди. У ўзини олам қуюнлари учириб юрадиган ожиз, ҳеч нарсага кучи етмайдиган бир зарра деб билмайди. Аксинча, ўз тақдирининг эгаси эканини тушунади ва истиқболни яратиш йўлида фаол курашмоқ кераклигини англайди. Умуман, ҳаётга фаол муносабат бугунги ёшлар поэзиясидаги лирик қаҳрамоннинг энг характерли хислатидир.

Сулаймон Раҳмоннинг лирик қаҳрамони, биринчи навбатда, ўзини революционерлар авлодининг вориси деб билади ва бундан чексиз фахрланади. У бугун бутун дунёни ўзгартириш, ҳаётни қайта қуриш иштиёқида яшамоқда. У инсоннинг бугунги ҳаётида шодлик кўп бўлишини, қувонч чеҳраларга нур бағишлашини, ҳамма ерда адолат ва ҳақиқат, эрк ва бахт ҳукмрон бўлишини истайди. Лирик қаҳрамон бу идеалнинг реал ифодасини коммунизмда кўради ва шунинг учун ҳам бутун дунёда коммунистик ҳаёт тарзини кўрмоқ истайди.

Коммунистик идеалга садоқат одамдан ижтимоий фаолликни талаб қилади, у ҳар қандай лоқайдликка, фаолиятсизликка, пассивликка зид.

Шу сабабли ҳам лирик қаҳрамон назарида ҳатто «уйқу —...нофаол ҳаёт», у истайдики, «шоир байтлари мизғиган куртакларни, чигитларни, фикрларни, кўзларни, юракларни бир содиқ соатдай уйғотиб турсин!»

Сулаймоннинг «Коммунист», «Уйқу», «XX асрнинг хотира дафтаридан», «Йиллар қўшиғи» каби шеърлари ўткир публицистик руҳ билан суғорилган, бироқ бу руҳ шеърлардаги образлиликка путур етказмайди. Шоир бугунги куннинг энг муҳим ғояларини янгича, оригинал образлар замирига сингдириб юборади. Тўғри, унинг шеърларида «Юраклар, талпининг буюк ниятга! Қалқинг! Қалқининг! Отланинг қани, ҳар бир сонияни, ҳар дақиқани айлантирмоқ учун абадиятга!» каби яланғочроқ ифодаланган чақириқ руҳидаги парчалар ҳам учраб туради. Бироқ бундай парчалар бутун шеърдан ажратиб олингандагина шундай туюлади. Аслида эса, кўп шеърларда улар асар давомида китобхон кўз ўнгида очила борадиган поэтик образнинг мантиқий интиҳосидир.

Сулаймон инсон ҳаётининг серқирра, сержило, мазмунга бой бўлишига тарафдор. У инсон қалби дунёдаги барча гўзалликларга макон бўлишини истайди ва бу истагини кўпгина шеърларида жўшқин эҳтирос билан ёниб ифодалайди. Умуман, Сулаймон Раҳмон — китобдан китобга поэтик нигоҳи чуқурлашиб, оламни идрок этиши теранлашиб бораётган шоир. Шу жиҳатдан сўнгги китоби — «Биллур қўнғироқлар»ни унинг ижодий ўсишида катта воқеа деб ҳисоблаш керак. Бу китобда Сулаймоннинг инсон ҳақидаги ўйлари янги босқичга кўтарилади, у ҳаётнинг энг оддий манзараларидан ҳам теран поэтик маъно топа олади, дадил ва салмоқли поэтик образлар қўллайди, одатий мавзуларни янгича эҳтирос билан қаламга олади.

Ёш шоир севги, садоқат, вафо каби шеъриятимизнинг азалий ҳамроҳларини романтик юксакликлардан реал заминга олиб тушишга, улар замиридаги инсоний мазмунни чуқурлаштиришга интилади. Мана, «Сенга хотин эмас, дўст керак сенга» деб бошланадиган шеър. Унда «муҳаббат» сўзи тилга олинмаса-да, оилада эру хотин ўртасида ҳақиқий муҳаббатга асосланган муносабатларнинг мазмуни жуда яхши очилган. Бу муносабатлар шундай бўлмоғи керакки, улар қаршисида «айтиб бўлмас гуноҳларни» ҳам «бемалол айтиш мумкин бўлсин».

Инсоний мазмуннинг чуқурлашиши, ҳаётийликнинг ошиши ҳозирги ёшлар поэзиясининг жиддий ютуғидир.

«Рангин лаҳзалар» тўпламининг автори Шавкат Раҳмон ҳам ўзига хос ўткир шоирона нигоҳ эгаси. У дунёни нозик ва оригинал поэтик образлар орқали идрок этади. Унинг лирик қаҳрамони ҳам фикрловчи шахс, у замон ҳақида, истиқбол ҳақида, инсон табиатининг зиддиятлари ҳақида ўйлайди. Лирик қаҳрамон характери орқали биз шоирнинг дунёга муносабати билан танишамиз, унинг беором ўйлари ва изтиробли дардларига шерик бўламиз. Шоир инсонни севади, лекин уни идеаллаштирмайди. Унинг назида инсон буюк, лекин ҳали мукаммалликдан хийла узоқ. Дарҳақиқат, инсоннинг мураккаблиги шундаки, у фақат гўзалликлар ижодкори, олижаноблик, эзгулик тимсолигина эмас. Унинг табиатида ҳали кемтиклар кўп. Бугун инсон ақлий тараққиётининг бениҳоя юксак чўққиларига кўтарила бораётган бир шароитда бу кемтикларнинг хунуклиги, ножоизлиги борган сари аён бўлмоқда. Бугун ёвузлик, зўравонлик, ёмон ният каби иллатлар инсоният истиқболига таҳдид соладиган бир кучга айланмоқда. Шунинг учун ҳам шоир изтиробли ҳаяжон, теран бир юрак дарди билан инсонинг инсон бўлишини истайди, яхшилик, эзгулик, олижаноблик, меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват ғалаба қозонишини қўмсайди. Шоир ана шу туйғуларини ихчам, лекин мазмундор ва таъсирчан поэтик образларда мужассамлаштиради. Бу жиҳатдан унинг «Венеция» шеъри диққатга лойиқдир.

Аста-секин чўкиб бораётган Венеция шоир қалбида яна инсон ҳақидаги ташвишли ўйларни қўзғайди. Ҳа, минг йиллик тарихга эга Венеция, инсон даҳосининг буюклигига тимсол Венеция чўкиб бормоқда. Бу — ёмон. Лекин бугун дунёда бундан ҳам ёмонроқ, бундан ҳам даҳшатлирок ҳодисалар содир бўлмоқда! XX асрда ҳам ҳали муҳтожлар кўп, қонталаш яралар бор. Инсониятнинг муқаддас ҳислари, муқаддас орзулари, гўзал туйғулари барбод бўлмоқда. Бу шоирни ларзага солади. У Венеция тилидан ўз асрига мурожаат қилади.

Йигирманчи аср!
Мени ўйлама.
Тумшуғимга тиқма лираларингни,
Муҳтожларга бергин, камингни
яма,
Шифола қонталаш яраларингни!

Жуда изтиробли, ғоят дардли ва айни чоғда ғоят мардона мисралар! Фақат одамзод қалбининг Троясини халос кўришни истаган, инсон юрагининг венециялари чўкиб кетишини хоҳламаган одамгина муҳтожларни, очларни ўйламай, камига қарамай, жароҳатларини даволамай, одамлар яратаётган бойликларни қурол-аслаҳага сарфлаётган, кўкка совураётган XX асрга шундай мурожаат қилиб, унинг юзига шафқатсиз, лекин ҳаққоний гапларни айта олади. Бугунги одамнинг — истиқбол ташвишини чекаётган, урушдан нафратланаётган, вайроналикларни истамаётган, тинч, осуда, бахтиёр турмушни қўмсовчи одамнинг кайфиятлари, туйғулари — «Венеция» шеърида яхши ифодаланган.

Шавкатнинг шеърлари ҳам Сулаймоннинг шеърлари каби чуқур граждаплик руҳи билан суғорилган. Тўғри, бу руҳ Шавкат шеърларида бевосита публицистик шаклларда эмас, кўпроқ лирик лавҳаларда ифодаланади. Шавкатдаги гражданлик пафоси — лоқайдликни, бепарволикни тан олмасликда, мешчанлик психологиясини эҳтирос билан қоралашда, одамларни ижтимоий фаолликка ундашда кўринади. Унинг лирик қаҳрамони елкасида «қақшаган асрлар юки — кишанлар, фарёдлар, сўнгсиз урушлар...» билан чайқалиб, секин олға боради. У оғирликдан юзлари буришса ҳам олға одимлашдан тўхтамайди, чунки унинг ҳар қадами муқаддас, ҳар қадами ўлимга қарши. Шавкатнинг лирик қаҳрамони ўз ҳаётининг мазмунини ифтихор билан шундай ифодалайди:

Биз заминни меҳрга ўраб,
Олов чизиқ тортганча Тунга
Бурчимизни оқлаб тобора
Яқинлашиб боряпмиз Кунга.

Шавкатнинг қаҳрамони, кўзи зиёдан қамашиб оғриса ҳам, очиқлиги туфайли яшаш қийинроқ бўлса ҳам, тик боқиб яшаш тарафдори. У ҳар қандай оғриқда лаззат бор деб ҳисоблайди ва ўз оғриқларини «бегам, бўғриққан, оғриқсиз изларга отади». Унинг яшаш принципи қуйидаги мисраларда ифодаланган:

Қийнанг, ўз ҳолига қўйманг
юракни —
Яшамаслик учун юраксиз.

Шавкатнинг яна бир шеърида яшамоқнинг маъноси ҳаётга фаол муносабатда бўлмоқ эканлиги яхши айтилган. Шавкатнинг бошқа шеърлари каби бунда ҳам асосий ғоя яланғоч тарзда баён этилмайди, балки қалб қаъридан чиққан туйғу сифатида ифодаланади.

Шавкатнинг лирик қаҳрамони жуда юксак маънавият кишиси — у тинимсиз покликка, ҳалолликка, виждонийликка интилади, чунки ҳалол бўлмаган қўллар билан дунёни меҳрга ўраб бўлмаслигини яхши билади. Ана шу юксак маънавият унга бошқалар олдига ҳам юксак талаблар қўйишга ҳуқуқ беради. Шу юксак маънавияти туфайли у ҳаётдаги ҳар қандай виждонсизликни, нопокликни, ёмон ниятларни эҳтирос билан қоралайди, виждонсизлик, маънавиятсизлик туғдирувчи бош иллатни — фаолиятсизлик, лоқайдлик, бепарволикни фош қилади:

Қотиллик қилганлар қотил-ку,
лекин
Кузатиб турганлар асил қотилдир.

Шавкат шеърларида Кун ва Тун, Нур ва Зулмат, Зиё ва Қоронғилик образлари кўп учрайди. Булар мавҳум романтик образлар эмас, балки реал ҳаётий мазмунга тўла образлардир. Нур, зиё, қуёш шоир учун гўзаллик тимсоли, инсон фаолиятининг моҳияти, зулмат, қоронғилик, тун эса инсоний иллатлар рамзидир. Уларга қарши муросасиз кураш ҳам инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этмоғи керак. Шу тарзда, Шавкат шеърларида юксак маънавият эгаси бўлган, ҳаётда ўзининг фаол мавқеи бор, турли-туман иллатларга қарши муросасиз курашга интилувчи қаҳрамон мавжудки, унда замондошларимизнинг энг муҳим хислатларини кўрамиз.

Муҳаммад Раҳмон — лириканинг янги-янги тасвирий имкониятларини излаётган ва топаётган шоирларимиздан. Тўғри, унинг шеърларида ошкора экспериментлар йўқ. Лекин у бир қарашда лирикага сиғмайдигандек кўринган ҳаётий деталларни, насрий тафсилотларни шеър мағзига сингдириб юбора олади. Баъзан эса Муҳаммад жуда оддий ва ҳатто дағал ҳаётий деталларни шундай поэтик образга айлантирадики, унда инсоният босиб ўтган олис кураш йўлларининг умумлашма манзаралари мужассам бўлади. Унинг лирик қаҳрамони инсонга теран муҳаббат ва эҳтиром билан қарайди, инсон ҳаётининг мураккаблигини яхши ҳис қилади. Муҳаммад ҳам бугунги инсон ҳаётининг энг муҳим, энг зарурий масалалари ҳақида — эрк, адолат, виждонийлик, муҳаббат тўғрисида тўлиб-тошиб, ёниб куйлайди. У энг яхши шеърларидан бири — «Кинокамера»да инсонни юнон афсоналарининг қаҳрамонларидан бири Гераклдан юқори қўяди. Бироқ бу таққос инсон шаънига умумий ва мавҳум мадҳия ўқиш истагидан туғилган эмас, балки бугунги реал одамларнинг реал ҳаётини кузатишдан, умумлаштиришдан туғилган. Ҳақиқатан ҳам, бугун ҳар бир фикрловчи инсон зиммасида жуда оғир масъулият юки билан, бутун дунё ташвишларини ортган ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

Битта осмон эди гарданида
Гераклнинг,
Ерга ботди тиззасигача шўрлик
зўриқиб.
Биз бўлсак кўтариб юрибмиз
бугун
Осиёни,
Европани,
Ғарбий ярим шарни —
Осмони,
Денгизлари,
Узун-узун кўчалари,
Қасрлари, вайроналари,
Кўз ёшлари,
Бутун фожиалари билан.

Бу мисраларда бутун олам ташвишларини орқалаб олиб, ҳар қанча қийин бўлса-да, олға бораётган одам овозидаги ҳорғин ва умидсиз оҳанг йўқ. Аксинча, уларда шу масъулиятни ҳис қилиб яшаётганларнинг ғуруридан туғилган шиддат барқ уриб туради.

Муҳаммад бугунги инсон характерини очадиган, унинг учун зарур бўлган юксак маънавий ақидаларни нафис поэтик образлар орқали китобхонга сингдиришга интилади. Унинг шеърларида инсон фаолиятининг муҳим белгиларидан бири сифатида ҳаракат тасвирланади. Бироқ ҳаракатнинг ўзи нима? Ҳар қандай ҳаракат ҳам инсон шаънига мос келаверадими? Шоир бу саволларга жавоб берар экан, юлғичлик психологиясини қоралайди, ҳаётнинг маъносини истеъмол қилишдагина деб биладиганлар фалсафасини рад этади ва инсоннинг инсонлигини унинг эътиқодининг юксаклигида кўради.

Шоирнинг «Бинафша» деган бошқа бир шеърида «ҳаракат» тушунчаси янада ривожлантирилади — бу гал у «жилмаслик» эмас, аксинча, қаршиликларни тан олмай, умидсизлар шов-шувига қулоқ солмай, муттасил олға — мақсад сари, гўзаллик сари интилишдир. Шеърда «Бинафша» ана шу эзгу ва мусаффо мақсаднинг, пок гўзалликнинг рамзи сифатида кўринади. Умуман, Муҳаммад ҳам, бошқа тенгқурлари сингари, ҳаракатсизликни, лоқайдликни, текин ошга баковуллик психологиясини рад этади. Шеърларида бахт ҳақида куйлар экан, шу бахтнинг қирраларидан бирини беоромликда, изланишда, одамларга муҳаббат улашиб яшашда деб билади. «...Мен бахтиёрман: ҳар кунимда бор/Ўртаниш, завқланиш, севиш имкони». Ойбекка бағишланган шеърда бу фикр шундай ифодаланган:

Изҳор истар муҳаббат, меҳр.
Изҳор истар мендан бу юрак.
Иссиқ нондек уларни ҳозир
Сизга узиб беришим керак.

Муҳаммад шеърларида инсон тириклигининг азалий қонунлари, ҳаётнинг негизини ташкил этувчи асрий ақидалар теран бир лиризм билан куйланади. Шундай қонунлардан бири одамлар ўртасида меҳр-шафқатнинг, мурувватнинг, муҳаббатнинг барқарор бўлишидир, яхшиликнинг устворлигидир. Шоир бу ғояларни шундай ҳаётий манзараларда ифодалайдики, улар ҳаққонийлиги билан ҳам, чуқур лиризми билан ҳам китобхонни ларзага солади. Шоирнинг «Якшанбалар» деган шеъри бор. Унда интернат болаларининг ҳаёти ҳақида, ҳар якшанба уларнинг уйуйига — ота-оналари олдига кетиши ҳақида гап боради. Шеър «Якшанбалар, аслида, болаларнинг кунидир» деган, формулага ўхшаш сатр билан бошланади. Интернатда якшанба — болалар куни, улар орзиқиб кутадиган байрам. Бироқ интернатда яшовчи бола етим бўлса-чи? Унинг борадиган жойи бўлмаса-чи? Ҳамма ўртоқлари уй-уйига кетганда, у ўкинч ва алам ичида ёлғиз қолса-чи? Бундай чоқда якшанба болага байрам эмас, интиҳосиз изтироблар манбаига айланади ва унинг қалбида «лаънати якшанбалар» деган ҳайқириқ кўтарилади. Муҳаммаднинг бу шеъри жуда теран инсоний мазмун билан суғорилган — унда ёлғизлик азоби, меҳрга ташналик туйғуси жуда чуқур ифодаланган. Бу шеър ҳам Муҳаммаднинг бошқа кўпгина шеърлари каби шоир инсоннинг энг драматик кечинмаларини ҳамдардлик билан куйлаш иқтидорига эга эканини кўрсатади.

Муҳаммад шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг яна бир муҳим хислати бор — у ҳаёт ошиғи. У ҳаётни жамики гўзаллиги, жамики ранглари, жамики ташвишлари билан севади. Албатта, ҳаётга ошиқлик туйғусини куйлаш бизнинг лирикамиз учун янгилик эмас. Бироқ Муҳаммад шеърларида бу туйғу янгича жило касб этади: шоир ҳаётга ошиқлик туйғуси ҳақида узундан-узоқ гапирмайди-ю, жуда аниқ манзараларда шу туйғунинг ўзини кўрсатади-қўяди. «Юлдузлар оқиб келяпти» деб бошланадиган шеърни ўқиб кўринг. Ёки

Ёруғлик қўшиғи

Кўчада тун кезар ёруғлик излаб,
Дераза ёпилган. Парда осилган...
Ой сузар қадимий эртагин сўзлаб,
Юлдузлар тамғадир кўкка босилган...

Дераза ёпилган. Парда осилган...
Ёруғлик хонада тинмай бўзлайди.
Билмадим, дераза нега тўсилган?
Ёруғлик тунлари кенглик излайди.

Тошкент

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Излар

Излар ҳам сўзларга ўхшайди,
Гоҳида босамиз ўйламай.
Излар ҳам сўзлардек яшайди,
Ўйнамай қадам бос, ўйнамай.

Тупроққа тушару ўчар, деб,
Изларга бермаймиз эътибор.
Аслида изларнинг рухсордек
Кўзларда қолувчи акси бор...

Тошкент

Дилором СУЛТОНОВА

«Нима гап, шабада?..» деб бошланувчи шеърни эсланг. Бу шеърларда ҳаёт гўзалликларини жуда теран ҳис қилувчи шоирона қалбнинг ҳарорати мужассам.

Бошқа тенгдошлари сингари Муҳаммад ҳам шеър санъатини муқаддас деб билади ва унга сидқидилдан фидойилик билан ҳалол хизмат этишни шоирнинг, санъаткорнинг бурчи деб ҳисоблайди. «Шовқинлар» шеърида шоир шу эътиқодини ифодалаш билан чегараланмайди, балки санъатнинг буюк шарафига доғ солувчи «шовқинларни», санъат гўзаллигини ҳис қилолмайдиган маҳдуд қалб эгаларини қоралайди. Бу шеър ҳозирги ёш ижодкорларнинг эстетик позициясини аниқлашга ёрдам беради. Ёшларимизнинг санъатга фидойилиги, ҳар қандай халтурага муросасизлиги, улардаги гражданлик руҳи балоғатга етганини кўрсатувчи белгидир.

Усмон Азимов шеърларида ҳам бугун дунё ташвишлари билан яшаётган, ҳаёт зиддиятлари ҳақида чуқур фикрлайдиган, айни чоқда юксак маънавий эътиқодларга содиқ, мешчанликдан, лоқайдликдан нафратланувчи замондошимизнинг лирик образини кўрамиз. Усмон биринчи китобини «Инсонни тушуниш» деб атаган ва бу тасодифий эмас эди. Инсонни тушуниш — шунчаки сарлавҳа эмас, балки Усмоннинг деярли ҳамма шеърларига сингиб кетган маънавий эътиқод. Одамлар хилма-хил: бири яхши, бири бундайроқ, бири олижаноб, бири ташвишларга кўмилган. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам қандайдир яхши, эзгу, инсоний хислатлар бор. Бу хислатлар бировда рўй-рост кўзга ташланса, кимлардадир қалбининг пинҳон жойларига яширинган бўлиши мумкин. Инсоний муносабатлар равнақи учун инсонни тушунмоқ, унга меҳр билан дўстона, самимий муносабатда бўлмоқ керак. Инсонни тушуниш, унга ҳамдардлик, самимият, меҳр-шафқат, оқибат Усмон шеърларидаги асосий ғоявий эътиқодни ташкил этади. Шоир ҳаётнинг мураккаблигини, фақат ширин истаклар билан мукаммаллашиб қолмаслигини яхши тушунади. Лекин шундай бўлса-да, инсонни тушунмоқ керак:

Кечирасизлар, орзумнинг қаноти
узунроқ.
Бундай бўлмайди...
Тузалмас маразлар ҳали анча
бор...
Бироқ менга туюлади:
Жами душманларим,
Севмаганларим —
Мен тушунмаган дўстларим.

Усмон шеърларида бугунги одамнинг энг улкан армони — эртаю кеч унинг хаёлини банд этган орзуси — тинчликни қўмсаш туйғуси бошқа ҳамма ёшларнинг шеърларидагидан кучлироқ ифодаланган. Усмон бу мавзуни қаламга олганда маълум шиорларни қофиялаштириш, маълум ҳақиқатларни ҳайқириб айтиш йўлидан бормайди, балки ҳозирги ҳаётнинг — урушлар даҳшатини кўрган, ундан ҳозир ҳам азоб чекаётган, қалб жароҳатлари битмаган инсоният ҳаётининг шундай манзараларини чизадики, улар китобхон қалбини ларзага солади. Айниқса, шоирнинг «Бу сочларнинг ҳар толасига...» деб бошланадиган шеъри тинч яшашни, тинч меҳнат қилишни, тириклик ташвишларига кўмилиб осуда умр кечиришни истаган одамларнинг дунёни яна уруш олови билан ўрташга, қонга ботиришга интилаётган ёвуз кучларга қарши нафратли талабидай жаранглайди.

Бугун оламда инсон истиқболига чанг солмоқчи бўлганлар бор, «денгизлар ортида кимдир семиз қоринни минбарга тираб, ўлимга, қирғинга фатво бермоқда...» Уларни шум нияти рўёбга чиқмаслиги учун, оқ тоседан мастона ёнувчи кўзларнинг ёшини қорахатга тўкмаслик учун одамлар бугун курашмоғи, оёққа турмоғи лозим. Усмоннинг лирик қаҳрамони ҳаммани тинчлик учун курашга чорлайди — бу қўрқоқликдан, ожизликдан эмас. Лозим бўлса, бу қаҳрамон одамзод бахти учун жанг қилишга, фидо бўлишга ҳам тайёр.

Усмон кўпгина шеърларида юксакларга интилувчи одамларни кўтаринки романтик бўёқларда куйлайди. Бироқ улар ердан узилиб қолган, реал ҳаётдан ажралган одамлар эмас. Улар икки оёғи билан шу заминда турадиган, «юлдузга термулиб, заминни қучоқлаб ўладиган» одамлар. Оддий маиший ҳаёт фалсафаси, кўпинча донолик либосида кўринувчи мешчанлик эътиқодлари уларга ёт. Худбинлик иллати, бедард, беғам яшаш касали, бутун ҳаётининг маъносини бойлик тўплашга бахш этган одамлардаги молпарастлик қусури эҳтиросли нафрат билан қораланади. Бунда ҳам Усмон оддий нарсалар замиридаги улкан ҳақиқатларни топади. Унинг «Буюмлар ҳақида баллада» шеърида буюм деб майсалар бўйини унутган, севгисидан ажралган, маънавиятидан маҳрум бўлган, ҳатто она меҳрини ҳам буюмга алмаштирган мешчаннинг фожиали қисмати яхши очилган.

Бироқ Усмон севган қаҳрамон бундайлардан олис туради — у беором яшаш тарафдори, чунки унинг мақсади бутун дунёни шеърга кўмиш:

Ҳали бутун жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором қучоғини,
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш
керак
Қалбга санчиб шеъриятнинг
пичоғини!

Шу тарзда Усмон шеърларида замондошимизнинг анча тугал образи намоён бўлади. Уни яратишда Усмон романтик бўёқларни реалистик тасвирга омихта қилиб, ўзига хос йўлдан бормоқда.

Муҳаммад Солиҳ ҳам тенгқурлари каби замонни ва замондошини куйламоқда. Албатта, бу ибора унинг шоирлик қиёфасини очиш учун мутлақо кифоя қилмайди. Муҳаммад Солиҳ Сўзга, Шеърга батамом янгича қарашларни жорий қилаётган, унинг тасвирий имкониятларидан максимал фойдаланишга интилаётган шоирлардан. У сўзга жуда хасис, шеърларида шунчаки оҳангни тўлдириш учун ёхуд қофия талаби билан киритилган, тасвир мақсади учун хизмат қилмайдиган сўз йўқ. Умуман, Муҳаммад Солиҳ «шеър» деганда шоир қалбидан кечган туйғунинг ўзини бевосита, нақд, кўзга кўринадиган тарзда ифодалашни тушунади. Муҳаммад Солиҳ ҳақидаги мақолаларда унинг прогрессив ғарб шоирлари тажрибасига таяниши ҳақида фикрлар айтилди. Бу ўринда унинг қайси шоирга кўпроқ эргашаётганининг унча аҳамияти йўқ. Ўйлайманки, Муҳаммад Солиҳ ҳам реалистик шеъриятни бойитиш йўлидан бормоқда. Унинг шеърларида кўпинча ҳаётий таассуротнинг бевосита тасвирига дуч келамиз. Шоир бу йўл билан ҳам даврнинг катта ҳақиқатларини айтиш, китобхонга кучли таъсир кўрсатиш мумкинлигини исбот қилмоқда. Мана, унинг «Турмадаги гул» шеъри. Турмада ўтирган Хуаннинг хотини унга гул келтиради. Камерадаги ўн икки киши гулни ардоқлаб, қаҳвадан бўшаган идишга солиб, унга ўн икки қултум сув қуяди. Лекин...

Даричанинг олдига гулни
Қўйиб... Хомуш, жим қолдилар.
Ўн икки кишининг осмонини гул
Тўсганини сезиб қолдилар...
Хуанга ноқулай. Хуан билади:
Энди улар тонг отгунча
Гулнинг сўлишини тилайди.

Албатта, озодликни мадҳ этиб, унинг инсон учун ардоқли эканини, инсон бахтиёрлигининг энг зарур шарти эканини таърифлаб, жуда чиройли ва жуда таъсирли сўзлар айтиш мумкин. Лекин, ўйлайманки, осмон парчасини тўсиб қўйгани учун туни билан гулнинг сўлишини тилаб чиққан одамлар ҳолатининг юқоридаги тасвири ҳар қандай таърифлар билан бемалол баҳслаша олади. Яна бир мисол:

Қўлини чўнтагига тиқиб
Сесканиб кетар у —
Куйдириб юборар бармоқларини
Кимсасиз уйининг муздай калити!

Шеърнинг бор-йўғи шу — у тўрт мисрадан иборат. Лекин буни қаранг — шу тўрт мисрага жойлашган биргина ҳодиса остида катта мазмун ётибди: унда ҳижрон алами ҳам, барг ёзмаган муҳаббатнинг изтироби ҳам, ёлғизлик даҳшати ҳам бор. Шоир «у»нинг кимлигини айтмайди, биографиясини кўрсатмайди — фақат биргина деталь билан унинг драмасини, фожиасини очади. Унинг ҳолатини ҳис этиб, биз ҳам жунжикиб кетгандек бўламиз. Муҳаммад Солиҳ шеърларида ана шундай ўзига хос услубда замондошимиз образи чизилади. У ҳам бошқа шоирларнинг лирик қаҳрамони каби давр ташвишлари билан яшайди, у ҳам бахтни, маънавий юксакликни қўмсайди, у ҳам севади ва севги азобларида ўртанади. Муҳаммад Солиҳ ҳам бошқа шоирлар каби маънавий баркамолликни, виждонийликни, покликни инсоннинг энг улуғ хислатларидан деб билади. У ҳам одамлар ўртасида меҳр ва оқибатнинг ҳукмрон бўлишини истайди ва бу истакларини ўзига хос тарзда, афористик шаклда шеърга солади.

Муҳаммад Солиҳ шеърларидаги лирик қаҳрамон яна бир жиҳати билан характерли — табиат гўзаллигини теран ҳис қилиш унинг маънавий дунёсининг катта бир қисмини ташкил қилади. Тўғри, табиат ҳақидаги шеърлар Муҳаммад Солиҳнинг тенгдошларида ҳам кўп. Лекин ҳар ҳолда, менинг назаримда, табиатга муносабат масаласи Муҳаммад Солиҳда тугалроқ ифодаланган. Унинг лирик қаҳрамонининг табиатга муносабатида ҳам ўзгачалик бор — у энг оддий, энг кўникилган нарсаларни ҳам шу қадар ўткир нигоҳ билан кўриб, шу қадар нозик қалб билан ҳис этадики, натижада бирдан уларда шоирона жозиба пайдо бўлади, улар кўз ўнгимизда боқий гўзалликнинг бебаҳо ва беғубор тимсоллари сифатида гавдалана бошлайди:

Отхонада...
От ухлар тикка.
Ухлар унинг бўйнида бўрон.
Дунёда жонзот йўқ
Ухлаётган отдан ғамгинроқ.
Уни силаш учун,
Ачиниш учун
Юзта сулув қизнинг қўллари
керак.
Юзта!
Отхонада от ухлар тикка.
Маъюс бўрон бўйнида ухлар.

Муҳаммад Солиҳнинг ҳам, бошқа кўпгина ёш шоирларнинг ҳам табиат ҳақидаги шеърларида атроф-муҳитни, табиат бойликларини кўз қорачиғидай авайлаш керак эканини кечикиб бўлса-да тушунган, кечикиб бўлсада, шунга киришаётган одам психологияси ифодаланган. Ёш шоирлар табиатни жуда нозик ҳис этадилар ва уни қадрлаш, эъзозлаш ғояларини ёниб куйлайдилар.

Шу тариқа биз, беш шоирнинг ижоди билан умумий тарзда бўлса ҳамки танишиб чиқдик. Хўш, бу айтилганлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Сизга аёнки, мақолани адабий авлод ҳақидаги гапдан, ҳар қайси авлоднинг адабиётда очадиган янги саҳифаси ҳақидаги гапдан бошлаган эдик. Биз мақолада, биринчи навбатда, замондошимизнинг маънавий дунёсини тасвирлаш бобида ёшлар очаётган янги саҳифани ўқишга уриниб кўрдик. Ўйлайманки, юқорида айтилган мулоҳазалар, ёшлар ижодида бугунги одамларнинг кайфияти, маънавий дунёси, оламга муносабати ҳаққоний ифодаланмоқда, деган хулоса чиқариш учун асос беради. Энг муҳими, ҳозирги шеърлардаги лирик қаҳрамон ва улар билан бирга шоирларнинг ўзлари ҳам бугун жаҳон миқёсида фикрлайдиган, инсон ҳаётига жуда кенг миқёслардан назар ташлай оладиган даражага кўтарилмоқдалар. Бу жуда муҳим, чунки ҳар қайси халқнинг адабиёти конкрет миллий заминда яратилсада, умумбашарият ишига хизмат қилмоғи керак.

Ёшлик — жўшқинлик демакдир. Ҳозирги ёшлар шеъриятида мужассам топган ҳисларда, туйғуларда, фикрларда шу жўшқинлик бор. Уни кейин ҳам йўқотмай, ижод йўлларида нест-нобуд қилмай, авайлаб сақлаш керак. Шунда бу жўшқинлик тажриба билан бирга келадиган донолик ва теранликка қўшилиб, шеърий юксакликлар сари олиб боради.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАДАМ

ЁТУК социализм давридаги адабий жараённинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу босқичда сўз санъати ривожи қонуниятларини кенг ўрганиш, бадиий ижоднинг назарий масалаларига қизиқиш ғоят кучайди. Адабиёт ҳақидаги фаннинг етакчи тармоқлари — адабий танқидчилик, адабиёт тарихи ва назарияси ҳам янги поғонага кўтарилди. Хусусан, СССР Фанлар академиясининг М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти коллективи тайёрлаган уч томлик «Адабиёт назарияси» тадқиқоти ва қардош украин адабиётшунос олимлари яратган «Адабиёт назарияси» асари бу соҳада эришилган катта ютуқлардир. Бир қанча қардош республикаларнинг адабиётшунос олимлари ҳам танқидчилик ва адабиёт тарихининг муҳим назарий масалаларига бағишланган монографиялар, мажмуалар яратдилар. Буларнинг барчаси «Адабиёт назарияси» асарини тайёрлашда ўзбек олимларига қўл келди. ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг адабиёт назарияси ва адабий танқид тарихи бўлими коллективи тайёрлаган икки жилдлик «Адабиёт назарияси» («Фан» нашриёти, 1978—1979) монографияси шу тариқа майдонга келди. Бу тадқиқот нашр этилганидан буён республикамизнинг турли илм даргоҳларида, газета-журналлар саҳифаларида монографиянинг илмий-амалий аҳамияти хусусида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Асар ЎзФА Тил ва адабиёт институти ҳамда Самарқанд Давлат педагогика институти илмий жамоатчилиги ўртасида муҳокама қилинди. Қисқаси, республика матбуоти ва илмий жамоатчилиги ўзбек олимлари яратган бу улкан назарий асарни қувонч билан маъқуллаб, кутиб олди.

Маълумки, адабиёт назариясига бағишланган асар яратиш ғоят мушкул иш. Иззат Султоновнинг 1939 йили нашр этилган дарслигини мустасно этганда, ўзбек китобхонлари ҳозирга қадар бундай қўлланмага эга эмас эдилар. Ўзбек олимлари бу масъул ишга қўл урар эканлар, совет адабиётшунослиги эришган энг сўнгги ютуқлар ва тажрибалардан ижодий фойдаландилар. Рус ва бошқа қардош тилларда ҳозирга қадар яратилган «Адабиёт назарияси» асарлари қамраб олган масалаларни жиҳатидан ҳам, тузилиши жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин, баъзи ҳолларда ҳатто бир-бирини такрорлар эди. Ўзбек адабиётшунослари эса ўзига хос йўлдан боришга интилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур «Адабиёт назарияси» монографиясида асосан етук реализм ва социалистик реализм адабиёти тажрибалари умумлаштирилган. Шу билан бирга авторлар китобхоннинг диққатини ҳозирги замон адабиёти ва адабиёт назариясининг асосий масалаларига тортишни ҳам зарур деб билганлар. Ўзбекча «Адабиёт назарияси»да одатда адабиётшуносликка кириш курсларида ёритиладиган баъзи масалаларга, яъни санъат ва адабиётнинг келиб чиқиши, уларнинг тарихий ривожи, адабиётшуносликнинг қисмлари ва ҳоказолар эмас, балки шу вақтгача адабиёт назариясига оид асарларда камроқ ёритилиб келинган масалалар — адабиётнинг фаол ижтимоий мавқеи, адабиётнинг ўзига хослигига тааллуқли масалалар, адабий жараён ва маҳкуравий кураш, анъана ва новаторлик, адабий таъсир каби назарий муаммоларга кенг ўрин берилган. Авторлар коллективи марксизм-ленинизмнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги таълимотини тарғиб қилар эканлар, ўзбек адабиёти материалларини илмий таҳлил доирасига кенг жалб этадилар. Бу ўзбек классик адабиётининг ҳам, ўзбек совет адабиётининг ҳам кўпгина ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш, адабиётимиз тажрибасини дурустроқ умумлаштириш имконини яратади.

Китобнинг бир қанча боблари зўр қизиқиш билан ўқилади. И. Султонов, М. Қўшжонов, М. Юнусов, Ҳ. Абдусаматов, П. Қодиров қаламига мансуб боблар фикримизга далил бўла олади. Ана шу яхши ишлар қаторига У. Тўйчиевнинг поэзия тилига оид асарини ҳам қўшиш мумкин. Унда автор бой, конкрет материаллар асосида бугунги шеършуносликнинг муҳим масалаларини қўйган.

Асарнинг биринчи жилдида адабиётнинг ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги, халқчиллик, партиявийлик принциплари, бадиий ижод спецификаси, образ, образли нутқ ва унинг турли кўринишлари бадиий ғоя, конфликт, сюжет, композиция каби сўз санъатига оид муҳим масалалар ёритилган бўлса иккинчи жилдида бадиий адабиётнинг ижтимоий мавқеи, адабий асар ва унинг компонентлари, адабий жинслар ҳамда адабий-тарихий жараённинг бошқа турли жиҳатларига доир назарий масалалар тадқиқ этилади. Ҳар иккала китоб ҳам бадиий асарни адабий жараён билан боғлиқ ҳолда текширишга қаратилган.

ЎзФА мухбир аъзоси Иззат Султонов қаламига мансуб «Адабиётнинг спецификаси», «Драма», «Жинслар ва жанрларнинг нормативлиги ва тарихийлиги», «Ижодий метод» каби боблар, шубҳасиз, «Адабиёт назарияси»даги бақувват тадқиқотлардан ҳисобланиши лозим.

«Адабиётнинг спецификаси» бобида олим бадиийликнинг бош хусусияти деганда биринчи навбатда образлилик кўзда тутилиши керак, деган эски ақиданинг кўп жиҳатдан мувофиқ эмаслигини конкрет мисоллар асосида далиллаб беради. Тадқиқотда адабиётнинг бош хусусияти — ғоявий мазмуннинг бадиий шаклда ифодаланишидир, деб, «бадиий» терминининг мазмуни «образлилик» терминининг мазмунидан кенгроқ эканлиги, бадиийлик (унинг бош аломати бўлган образлилик билан бирга) асарда мазмун билан шакл бирлиги, ғоянинг шаклга ва шаклнинг ғояга мослиги, асарнинг турли қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва шу каби кўпгина муҳим тушунчаларни ҳам қамраб олиши кўрсатилади. Бунда адабиётнинг вазифаси, мазмуни ва шакли спецификаси каби уч муҳим масала алоҳида ажратилиб, адабиётда ҳаёт тасвирининг ўзига хослиги, инсон кечинмаларининг тасвири оммавийликка интилиш, характер ва эстетик идеал, типиклаштириш ҳамда унинг турли компонентлари, бадиий асарнинг эстетик аҳамияти каби масалалар юзасидан теран фикр юритилади.

Адабий асарни бадиий ижод намунаси сифатида кўздан кечирганда, юқорида зикр этилган масалалар орасида мазмун билан шаклнинг муносабати ва бадиийликнинг мезони масаласи марказий ўринни эгаллайди. Шу сабабли «Адабий асарда мазмун ва шакл бирлиги» бобида бу икки масалага махсус илмий изоҳ берилиши, шубҳасиз, назарий ишнинг салмоғини оширган.

Маълумки, адабий асарнинг бадиий мукаммаллик касб этишида фақат мазмун эмас, шаклнинг ҳам катта аҳамияти бор. Кўпинча танқидчиликда адабий асарнинг мазмунини унинг бадиий шаклидан ажратиб баҳолаш ҳоллари учраб туради. Айрим танқидчилар гўё асарнинг ғоявий мазмунига юқори баҳо бериб, унда бадиий жиҳатдан камчиликлар борлигини иккинчи даражали нуқсон сифатида қайд этадилар, холос. Мазкур бобда бадиий жиҳатдан суст асар нуқсонларини унинг ғоявий мазмунидаги муҳимлик ва актуаллик билан суваб юбориш мумкин эмаслиги қайд этилади. Мазмуннинг салмоқдорлиги, ҳаққонийлиги, универсаллиги, оригиналлиги ва ҳиссий таъсирдорлиги, мазмун ва шаклнинг бир-бирига мослиги, тилнинг равонлиги каби масалалар адабий асарнинг санъат асари эканини белгиловчи асосий мезонлар сифатида қаралади.

Монографиянинг «Драма» боби оригинал фикр ҳамда мушоҳадаларга ғоят бойлиги билан диққатни тортади. Бобда драманинг ўзига хос хусусиятлари ҳозирги замон адабиёти билан чамбарчас боғлиқликда кўрсатиб берилади.

Тадқиқотда совет адабиётшунослигида кенг тарқалган таъриф келтирилади: «Театр саҳнасида қўйиш учун (XX асрдан бошланган даврга нисбатан эса, киноэкранга кўчириш учун ҳам) ёзилган адабий асарлар адабиётнинг уч асосий жинсидан бири бўлган драматик жинсни ёки, қисқа қилиб айтганда, драмани ташкил этади». Бу таъриф драманинг ҳаётий асоси ҳақидагина гапириш учун кифоя қилиши мумкинлиги, аммо драматик жинснинг спецификасини тайин этиш учун етарли эмаслиги далиллар билан очилади. Авторнинг таъкидлашича, драматик жинснинг спецификасини тайин этувчи бош «аломат» драманинг коллектив сезимга мўлжалланганидир. Драманинг спецификаси ҳақида адабиётшуносликда мавжуд ва автор томонидан юқорида келтирилган таъриф шу сабабли чала ва ноаниқки, унда драматик жинснинг ижрога мўлжалланганлиги қайд этилади, аммо драматик жинснинг тақдирини ҳал этувчи томошабиннинг мавқеи алоҳида таъкидланмайди. «Ваҳоланки,— дейди И. Султонов,— драматик жинснинг туғилиши ва яшашида томошабиннинг ҳал этувчи жуда катта роли бор. Бу ролни кўзда тутмасак, бизнинг драматик жинснинг спецификаси ҳақидаги тасаввуримиз доимо нотўла ва бирёқлама бўлиб қола беради».

«Ижодий метод» бобида эса «мақсадлари тамоман икки хил ва қарама-қарши бўлган танқидий реализм билан социалистик реализмнинг бир-биридан принципиал фарқи» марксча-ленинча эстетика талаблари нуқтаи назаридан тўғри ёритилади. Адабиётшуносларга аёнки, ижодий методни белгилаш мураккаб, айни пайтда жуда баҳсли масаладир. Ижодий методни текширганда классицизм, романтизм, реализм, танқидий реализм ва социалистик реализм масалаларини четлаб ўтиб бўлмайди. Методга доир масалаларнинг айримлари ҳануз мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Ана шу мураккабликларга қарамай, автор бу масалани бартараф қилишда илмда пишиб етилган сўнгги хулосаларни умумлаштириб беришга интилади. Хусусан, ўзбек адабиётида реализм проблемасини ҳал этишда И. Султонов 1972 йили Бокуда шу масалага бағишлаб ўтказилган конференция хулосаларига таянади. «Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти даражасини,— деб ёзади олим,— Европа адабиётида эришилган даражага тенг қилиб қараш тарихий фактларга зид бўлишдан ташқари, етук реализмдан сабоқ олиш аҳамиятини пасайтиради».

Дарҳақиқат, Европа реализмидан сабоқ олиш совет Шарқи халқлари адабиётларининг тез суръатларда ривожланиши учун катта туртки бўлди. Умуман, автор тадқиқотда социалистик реализмнинг ўзбек адабиётида туғилиши, шаклланиши, ўзига хос жиҳатлари ва янги босқичга кўтарилиши каби масалаларни илмий жиҳатдан асосли ёритади.

Монографиядаги адабий асар конфликти, сюжети ва композициясига доир бобларни ЎзФА мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов ёзган. «Адабий асарда конфликт» бобида конфликтнинг эстетик гўзаллик проблемалари билан диалектик алоқаси очилади, конфликт масаласи адабиёт назариясигагина боғлиқ бўлмасдан, борлиқни эстетик ўзлаштириш ишига ҳам боғлиқ проблемалардан эканлиги айтилади. Тадқиқотнинг фазилатларидан яна бири шундаки, унда назарий фикрлар илмий кузатиш ва умумлашмалар ўзбек адабиётининг бадиий жиҳатдан юксак намуналари мисолида баён қилинади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Олтин водийдан шабадалар», Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асарлари таҳлили орқали конфликт ҳақида шундай муҳим хулоса чиқарилади: «Конфликт — ҳаётдаги реал қарамақаршиликларнинг бадиий ифодасидир. Асарда эса, у сюжетни ҳаракатга солувчи асосий куч, ривож берувчи пружина, ричагдир. Сюжетни асар скелети деб фараз қилсак, конфликт унга жон берадиган, ҳаракатга келтирадиган юракдир».

Конфликт адабиётнинг деярли ҳамма жанрларига хос бўлиб, ҳар бир жанрда у ўзига хос хусусиятлар касб этиб бориши фактик материаллар асосида кўрсатилади. Лекин бу ўринда кўпроқ эпик, лиро-эпик, драматик асарлардаги конфликтга диққат қилинадию шеъриятдаги конфликт ёки очерк конфликтининг ўзига хослиги деярли кўрсатилмайди.

Маълумки, бадиий асарда ҳаётни реалистик тасвирлаш, зарур ғояни ифодалашда сюжетнинг мавқеи ниҳоятда катта. Ҳар бир жанрда сюжет ўзига хос, бошқа жанрлардагига ўхшамайдиган бўлади. «Бадиий сюжет» бобида М. Қўшжонов ана шу — барча турларга мансуб асарлардаги сюжетнинг характерли хусусиятларини кўрсатади.

Ўзбек адабиётида «воқеабозлик»ни сюжет деб ҳисоблаб юрган, оригинал сюжет яратаман деб кўпроқ воқеаларни қалаштириб ташлаш билан банд бўлган баъзи қаламкашларнинг асарларини тадқиқотчи асосли равишда танқид қилади. Сюжетнинг кўпқирралилиги, унинг адабий асарнинг бошқа компонентлари билан ўзаро алоқаси «Воқеа ва характерлар муносабати», «Сюжетда ҳаёт ва характер мантиқи», «Сюжет ва концепция», «Сюжет — бадиий восита» деб номланган қисмларда очиб бе-

рилади. Шу билан бирга, экспозиция, ситуация, тугун, воқеалар ривожи, кульминация ва ечим сингари сюжет элементлари тилга олинмаганлигини ҳам қайд этиш жоиз кўринади.

М. Қўшжоновнинг «Асар композицияси» тадқиқотида ҳам оригинал кузатишларнинг синтезини кўриш мумкин. Бу, энг аввало, композиция таърифига доир мавжуд қоидаларга автор томонидан киритилган янгиликда ҳам аксини топган. Гап шундаки, адабиётшунос олимларнинг асарлари ва дарсликларда композицияни «асарнинг қурилиши, унинг таркибий қисмларининг жойлаштирилиши, воқеаларни баён қилиш тартиби», деб тушунтирилар эди. Бу таърифга автор воқеаларни тартибга солишда асосий ташкил қилувчи куч — ёзувчининг мақсадини ҳам қўшиш кераклигини алоҳида таъкидлаб, композицияга қуйидагича таъриф беради: «Композиция — асарда ижодкор диққат марказининг яққоллиги, бадиий ғоянинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир».

«Адабиётда эстетик категориялар» деб аталган бобда эса олим ҳаёт гўзалликларини бадиий адабиётда акс эттириш принципларидан баҳс очади. Бу тадқиқот эстетик категориялар ҳақидаги тасаввуримизни бойитиши жиҳатидан, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов ўзбек адабиётида сатира муаммосини ёритишда Ҳамза, С. Айний, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор асарларига мурожаат қилиб, социалистик реализм адабиёти фақат ҳаётдаги ижобий ҳодисаларни мадҳ этувчи, барқарор этувчи бўлибгина қолмай, балки салбий иллатларни фош қилувчи илғор метод эканлигини анча кенг ифодалаб берган. Автор бу мақоласида ўзбек сатирасининг ривожланиш босқичларини тўғри таърифлайди.

«Традиция ва новаторлик», «Адабий алоқалар ва таъсирлар» бобларида филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусов адабиёт назариясининг муҳим проблемаларини қаламга олади. Олим ўтмишдаги традиция ва новаторликка оид зарарли қарашларга кенг тўхталгач, бу йўлдаги ижодий изланишларни холисона қайд этади. Айниқса, маданий меросга бўлган нигилистик қарашлар қизиқарли текширилган. У традиция масалаларини атрофлича ўрганиб, анъананинг ўз ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра, консерватив, эскирган ва прогрессив шаклларини алоҳида-алоҳида тадқиқ этади. Бироқ, бу бобни ҳам айрим қўшимчалар билан бойитиш керакка ўхшайди. Жумладан, «анъана» хусусида гапирганда, тақлид ва таъсир тушунчаларига кенгроқ тўхталиш лозим. Чунки ўзбек адабиётида кўпинча бу тушунчалар аралаштирилиб юборилади.

Авторнинг филология фанлари кандидати Ш. Турдиев билан ёзган «Адабий алоқалар ва таъсирлар» тадқиқотида бу проблемалар адабий-тарихий жараённинг энг самарали омиллари сифатида текширилади. Маълумки, ҳар бир даврда ҳам миллий адабий жараённинг асосини биринчи навбатда ўша халқнинг ўз ижтимоий-тарихий шароити, ёзма ва оғзаки адабий традициялари ва ички ривожланиш мантиқи ташкил қилади. Мавжуд ижтимоий-сиёсий муҳит, тарихий шароит, миллий адабий анъаналар шу миллатнинг янги адабиёти ҳамда ёзувчиларининг миллий ўзига хослигини белгилайди, уларнинг ривожланишида асосий ҳаракатлантирувчи куч, ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунга қарамай, буржуа компаративистлари бошқа миллатлар адабиётларининг (масалан, рус адабиётининг) таъсири миллий адабий жараён ривожланишининг асосини ташкил этади, деб даъво қиладилар. Тадқиқотда ана шундай бир томонлама нотўғри қарашлар ҳам қораланиб, миллий адабиётлар бошқа қардош халқларнинг маънавий бойлигидан фойдаланибгина қолмай, балки уларга ҳам ўз навбатида таъсир кўрсатишлари қонуний жараён эканлиги уқтирилади.

Адабий асар тилини ўрганиш ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки бадиий тил — ҳар қандай адабий асарнинг ўзига хослигини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Шу сабабли ҳам адабий асарнинг тилини тилшунослик нуқтаи назаридангина текшириб конкрет фикрлар айтиб бўлмайди. Бадиий тилнинг таҳлилида, деб изоҳлайди П. Қодиров, тил ва услуб деб текширилаётган нарса кўпинча бошқа нарса бўлиб чиқади. Чунки «бадиий тил асардаги образлар, характерлар ва бошқа компонентларга сингиб кетган бўлади, уларнинг таркибига кириб, ажралмас синтезга айланади».

Автор бадиий тилни ўрганишнинг методи ва методологиясига алоҳида урғу бериб, унинг ўзига хос хусусиятлари фақат лингвистика, терминология қоидалари билан эмас, балки эстетик категория сифатида ҳам таҳлил қилиниши асарнинг бошқа компонентлари билан узвий бирликда текширилиши кераклигини айтади. Мазкур бобда бадиий тилнинг ғоявий-эстетик хусусиятлари асосан адабиётшунослик фанига хос методлар билан тадқиқ этилади. «Адабий асар тили» тадқиқотида реалистик асар тилининг бу хусусиятлари дуруст ёритилганини таъкидлаш билан бирга, унда баъзи камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Чунончи, поэзия тили билан проза тилининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши аниқ кўрсатилмайди. Шунингдек, адабий асар тилининг асосий хусусиятлари саналмиш тасвирийлик, эмоционаллик, образлилик, халқчиллик каби масалалар ҳам таҳлилдан четда қолган. Бадиий асар тилининг персонажлар ҳис-туйғусини ифодалаш орқали китобхон қалбига таъсир этиш хусусияти, унинг ҳиссийлиги рад этиб бўлмайдиган объектив ҳақиқатдир. Бадиий асар тили образли тил билан узвий боғлиқдир. Ёзувчи асарида бир қанча йўллар билан тилнинг образлилигига, тасвирийлигига эришади. Шу сабабли ҳам автор адабий асар тилини текширганда, албатта, «образли» тил масаласига махсус тўхтаб ўтиши керак эди.

П. Қодировнинг «Адабий-тарихий жараён ҳақида» деб номланган иши маълум маънода «Адабиёт назарияси» II жилдига муқаддима вазифасини ўтайди. Адабиётни муттасил ҳаракатга келтириб турган куч нима? Бу кучнинг манбаи қаерда? Асарда ана шу саволга буржуа адабиётчилари билан совет адабиётшунослик фани олға сураётган назарий фикрларни муқояса қилиш асосида аниқ ва лўнда жавоблар берилади.

Олимнинг «Ижод жараёни» деб номланган тадқиқоти ҳажман ихчамлиги, фикр, хулоса ва кузатишларга бойлиги жиҳатидан қимматлидир. Бунда П. Қодиров ижодкор шахсининг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги жаҳон эстетик тафаккури дурдоналарига таяниб, мазмун ва шакл, илҳом ва меҳнат, талант ва дунёқараш, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат ўртасидаги диалектик алоқадорлик моҳиятини очади, ижодий жараёнга таъриф беради.

Филология фанлари кандидати У. Тўйчиевнинг поэзия тили хусусиятларига доир кузатишлари ҳам анча қизиқарли. Тадқиқотдаги янгилик, аввало, шунда кўринадики, ҳозиргача айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда, бу соҳада махсус иш ёзилмаган эди. Поэзия тилидан баҳс очувчи мавжуд баъзи мақолаларда эса бадиий тил гоҳо асар ғоясидан ажратиб ўрганилади ёки эстетик таҳлил лингвистик таҳлил билан аралашиб кетади. Ана шу мураккаб жараён мазкур ишда эстетик жиҳатдан таҳлил қилинади. Айни чоғда тадқиқотда «академизм» руҳи ошириброқ юборилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ишда ҳар хил терминологик чалкашликлар, баҳсли ўринлар, айрим жумлаларда ғализликлар учрайди.

Монографиянинг II жилдида У. Тўйчиев «Ўзбек шеър тузилиши» иши билан қатнашади. Унда ўзбек шеър тузилишининг келиб чиқиши ва тараққиёти, вазн, қофия, банд, сўз такрори, тажнис каби унсурлари шакл ва мазмунга боғлаб текширилади.

Шеършунослик масалаларига доир тадқиқотларнинг аксариятида шеърни формал ва статистик текширишга эътибор берилмайди. Ваҳоланки, шеър тузилиши соф ҳолда формал текширишни ҳам тақозо қилади. Буни бир қанча шеършунослар эътироф этганлар. Жумладан, шеършунос олим Ю. Лотманнинг бу ҳақда шундай фикри бор: «Шеърни санъат кашфиёти ва поэтик фикрнинг яшаш тарзи сифатида тушунган ҳолда, шеър ва унинг турфа кўринишларини техник, соф формал таҳлил қилишдан воз кечиш, албатта, ярамайди». Шундай фикрни В. Жирмунский, Б. Томашевский, М. Гаспаров, И. Стеблева каби олимлар ҳам айтганлар. «Ўзбек шеър тузилиши» бобининг диққатга сазовор жиҳатларидан бири унда шеър формал жиҳатдан ҳам текширилганлигидадир.

Аёнки, адабиётнинг моҳияти дастlaввал унинг ижтимоийлигида тўла намоён бўлади. Филология фанлари кандидати С. Қосимов «Адабиёт ва ижтимоий ҳаёт» бобида ана шу масала — адабиётнинг ижтимоий онг шакллари орасида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ёркин кўрсатиб берган.

Монографиядаги «Характер ва шароит» бобининг «Романтик характернинг уфқлари» деган қисмида номутаносибликка йўл қўйилган. Ундаги рус ва ғарб адабиётларидан келтирилган мисолларни қисқартириш ҳисобига ўзбек адабиёти материалларини кенгроқ жалб этиш зарур эди. Филология фанлари кандидати Э. Каримов характер масаласини тадқиқ қилар экан, энг аввало, унинг муайян бир даврдаги ижтимоий ролини, социал-психологик миллий хусусиятларини очишга интилади. Бироқ бу масала назарий аспектда эмас, кўпроқ тарихий фонда таҳлил қилинади.

Автор «Эпос» деган ишида эса, эпик асарнинг ҳали ёзма адабиёт туғилмасдан анча илгари пайдо бўлганидан то ҳозирги кунгача бўлган тараққиёти хронологик тавсифланади. Бу, албатта, яхши. Аммо «Адабиёт назарияси»дек фундаментал асарга эпоснинг ғоявий-эстетик таҳлили билангина чекланиб қолмайдиган, эпоснинг типологик хусусиятларини ҳам ойдинлаштириб берадиган илмий тадқиқот керак. Ишда ана шу руҳ суст.

Монографиядаги «Бадиий образли нутқ ва унинг айрим хусусиятлари» боби сиртдан қараганда «Адабиётнинг спецификаси» бобининг такрорига ўхшайди. Чунки унда ҳам адабиётнинг барча компонентлари билан бирга образ ва образлилик ҳақида фикр юритилади. Аммо филология фанлари кандидати Тўлқин Расулев тадқиқоти оригинал ишдир. Автор бадиий образ нима, у қандай ташкил топади, «образлилик» билан «образли ифоралилик»нинг ўзига хосликлари, «шеърий образлилик» билан «насрий образлилик» ўртасидаги принципиал фарқлар каби масалаларни махсус ўрганади. Т. Расулев бу масалаларни ҳал этишда ўзбек адабиёти материалларига мустақил ёндашиб, ўзига хос йўлдан боришга ҳаракат қилади. Шу сабабли «образ» ва «образлилик» тушунчалари борасида айтилган фикрлар И. Султонов фикрларини такрорламайди, балки амалий ва назарий жиҳатдан тўлдиради, кенгайтиради.

Услуб масаласи ҳақида ҳам ўзбек адабиётида бир қанча илмий ишлар ёзилган. Аммо Т. Расулевнинг «Адабий ижодда услуб» тадқиқоти мазкур асарларни такрорламайди. Маълумки, ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларгача «услуб» деб кўпинча адабий усуллар, бадиий тасвир воситалари ва образ яратиш йўллари кўрсатилар эди. Ҳатто кўзга кўринган танқидчиларнинг асарлари ҳам бундай чалкашликлардан холи эмас эди. Мазкур ишда «услуб» ижодкорнинг ўзига хос, индивидуал ва маълум даражада типик шахсияти билан боғлиқ равишда юзага чиқадиган қонуний ҳодиса эканлиги қизиқарли далиллар билан исботланган.

Хуллас, икки жилдли «Адабиёт назарияси» монографиясида ғоят қимматли илмий кузатишлар, умумлашма фикрлар, қизиқарли мулоҳазалар баён этилган, ёркин мисоллар ва далиллар келтирилган. Шу билан бирга, унда йўл қўйилган бир қанча нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Энг аввало шуни айтиш керакки, китобнинг ҳар иккала жилдида ҳам такрор ўринлар бор.

Ҳар икки китобда ҳам анчагина янги терминлар қўлланилган. Бизнингча, эски терминларни ҳам ёнмаён қавс ичида бериб кетилса, фойдадан холи бўлмас эди. Айрим мақолаларда ҳажм эътибори билан номутаносибликлар сезилади. Масалан, композицияга доир мақолада эпик ва лирик асарлардаги композицияга етарли ўрин берилгани ҳолда драма композициясига доир қисмида уч-тўрт оғиз гап айтиш билан чегараланилади. Айрим мақолаларда эса турли-туман услубий ғализликлар, фактик нуқсонлар, адиблар номларининг ҳар хил ёзилиши каби камчиликлар учрайди.

Баъзан чуқур мушоҳада қилинмасдан айтиб юборилган иборалар кўзга ташланади. Чунончи, китобда Аристотель «Поэтика»сини Форобий ўша замон Шарқининг умумий илмий тили бўлган араб тилига таржима қилди, дейилади. (I жилди, 45-бет). Ҳолбуки, Форобий Аристотель «Поэтика»сини таржима қилмаган, балки ўша асар таъсирида мустақил иш ёзиб, маълум маънода уни шарҳлаган. Китобнинг баъзи ўринларида кўчирмалар асл манбалардан эмас, энциклопедиялардан, бошқа авторларнинг асарларидан келтирилади. Шунингдек, баъзи мақолаларнинг назарий савияси юксак бўлса, бошқаларида фактларни санашга берилиб кетиб умумлашмалар чиқаришга қунт қилинмаганлиги сезилади. Айрим мақолаларнинг тили анча ғализ. Бир қанча ишларда нодир манбалардан иқтибослар олинади, лекин манба кўрсатилмайди. Яна бир мулоҳаза. Ишда классик ва ўзбек совет адабиётини сохталаштирувчиларга қарши руҳ кучайтирилиши керакка ўхшайди. Чунки, чет эллардаги баъзи советшуносларнинг адабиётимиз ва маданиятимизга нисбатан айтаётган бир томонлама зарарли қарашларига назарий жиҳатдан зарба бериш мазкур монографиянинг ҳам вазифасидир. Китобнинг адабий-тарихий жараён қисмида бунга жавоб беришга ҳаракат қилинган. Лекин бу етарли эмас.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Адабиёт назарияси»-дек нодир ва зарур китоб негадир жуда кам — атиги 3000 нусха нашр этилган.

Бироқ, биз кўрсатган камчиликлар тадқиқотнинг умумий савиясига қисман таъсир этса-да, умуман, бу йирик ишни қўллаб-қувватлашга ҳақлимиз. Чунки баркамол «Адабиёт назарияси» яратиш йўлида бу дадил ва муваффақиятли қадамдир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

Нусрат РАҲМАТОВ

ТЎРТ МАКТУБ

Ҳикоя

Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган

Ассалому алайкум, ҳурматли тоғажон!

Ушбу номани қадрдон жиянингиз Содиқжондан деб билгайсиз!

Саломатлигингиз яхшими? Янгам, жиянларим соғ-саломат ишлаб, ўқиб юришибдими? Диссертация ишингиз қийнаб қўймадими? Барча ёр-оғайнилар соғ-саломатми?

Мендан аҳвол сўрасангиз, ёмон эмас, тоғажон. Врачлар обдон текширишди, рентгендан ўтказиб, дори-дармон тайинлашди. Жуда меҳрибон, ғамхўр одамлар экан. Тузалиб кетсам, бирор йўл билан яхшиликларини қайтаришни кўнглимга тугиб юрибман. Дори-дармонлардан кейин енгил овқатларни баҳузур ҳазм қиляпман. Даволовчи врачимиз узум, анор, сабзи шарбати ичишни тавсия қилди.

Палатамиздагиларнинг ҳаммаси ҳам ажойиб кишилар. Ўнг томонимда Ҳожи бобо деган мўйсафид. Инқилобдан илгари — ҳали мендан ҳам ёш бўлганида тоғалари ҳажга олиб борган экан. Туяда, отда нақ олти ой йўл босишибди. «Ҳозирги ҳожилар ҳожи эмас,— дейди у киши,— зув этиб самолётда бориб келишади».

Чап томонимда Владик исмли мендан кичикроқ йигитча ётади. Уни кўрган киши ўзбек деб ўйлайди. Аммо у ўзбекчани унча тушунмайди. Болалар уйида тарбияланган экан — ҳеч кими йўқ. Владик биз билан камдан-кам гаплашади, китобдан бошини кўтармайди. Ундан нарида Сергей амаки дегани бор, бир оёғи ёғоч. Оёғи кечалари билан оғриб чиқади.

Даволовчи врачимиз Ҳакимжон ҳам мен тенги ёшгина йигит. Жуда камтарин, андишали. Ҳожи бобо аваллари бош остидаги қандайдир арабча китобни ҳамширалардан яшириб ўқирди. Уша Ҳакимжон сезиб қолиб, «Қўрқмай ўқийверинг, ишимиз йўқ», деди. Ҳожи бобо жуда қувонди, икки кунгача Ҳакимжонни дуо қилди.

Тоғажон, ортиқча нарсаларни ёзиб вақтингизни олаётганим учун кечиринг. Бу ерда одам зерикиб, нима қилишини билмай қолади. Шунинг учун, бошқа одамларга ёзган хатларим ҳам узундан-узоқ. Дадамга ҳам уч варақли хат ёзиб, яқин кунларда тузалиб кетишимни маълум қилдим.

Ҳурматли тоғажон! Сиз у кишидан хафа бўлманг. Урушда бошига ўқ тегиб, шунақа бўлиб қолган. Айниқса, онам вафотидан кейин гоҳо тажанг, гоҳо камгап, ғалати... Аслида у киши сизни хафа қилмоқчи эмасди. Ўша гапларни ёддан чиқаринг, тоғажон! Биз сиз билан фахрланамиз, сиз авлодимиздан чиққан улуғ одамсиз. Мен Ҳожи бобога ҳам сизнинг ҳақингизда гапириб бердим, яқинда олим бўлишингизни айтдим. Одобахлоқ борасида ёзган мақолаларингиз ҳақидаги гапимни қизиқиб эшитди. Ҳожи бобо ҳам ўзининг ўша ҳажга олиб борган тоғасини эслаб, мақтаб кетди. «Ўқимаган бўлса ҳам одамгарчилиги зўр эди», деди. Ҳаждан қайтишда, Самарқандга яқинлашганларида Ҳожи бобо юқумли касалга чалиниб қолган экан. Касаллик бошқаларга ҳам юқишидан қўрққан сорбон беморнинг тушиб қолишини талаб қилибди. Тоғаси сорбоннинг оёғига йиқилиб ёлворса ҳам кўнмабди. Ниҳоят жияни билан бирга ўзи ҳам тушиб қолибди. Жияни тузалибди-ю, касаллик унга юқиб, ўша ерда нобуд бўлибди. Ҳожи бобони ўшанда чўпонлар топиб олишган экан. У киши ҳар гал шу воқеани эслаганда хаста хиргойисини бошлайди:

«Эй сорбон, оҳиста рон, оромижонам меравад...» Кейин ғусса босади шекилли, икки қўлини боши остига қўйиб жимиб қолади.

Азиз тоғажон! Шу лаънати касаллик сабаб бўлиб, бу йил республика чемпионатига қатнашолмай қолганимдан жуда-жуда афсусланаман. Қатнашсам, албатта чемпион бўлардим. Буни кўнглим сезиб турибди. Ёдингизда бўлса, тоғдаги қишлоққа курашга борганимизда ўзингиз ҳам шундай деган эдингиз. Қизиқ бўлган эди ўшанда. Машинангизда уч соатча йўл босдик. Шунча тез ҳайдасангиз ҳам бари бир кечикиб бордик — кураш аллақачон бошланиб кетган экан. Иккаламиз бир чеккадан жой олдик. Тоғликларнинг ажойиб удумларига жуда ҳавасим келди. Қишлоқлардан келган меҳмонлар ўз полвонлари билан бирга эдилар. Тўй эгаси ғолибларга қўй, эчки улашарди. Лекин катта полвонлар ҳали сабр қилаётганини, улар охирида майдонга тушишини сиз айтмасангиз билмасдим, тоғажон. Сездингизми, каттақўрғонлик ўша донғи кетган полвон ўртага тушиши билан оломон бир гувилладию кейин жимиб қолди. У аввал ҳам бу ерларга келиб, кўпларни йиқитиб кетган экан-да. Полвон мағрур давра айланар, каттақўрғонлик меҳмонлар эса атрофга беписанд назар ташлашар эди.

Мен ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, сиз аввалига негадир унамадингиз. Тўй эгаси солимга бир қўй ваъда қилди, рақиб топилмагач, ёнига телевизор ҳам қўшди. Шундан кейингина менга қараб имладингиз. Мен учун шунинг ўзи кифоя эди, тоғажон. Биз кўп олишмадик: рақибим кучли бўлса ҳамки, оёғини олиб қочолмас экан. Кўтариб ташлашим билан атроф қий-чув бўлиб кетди. Мен олқишлардан хижолат бўлиб, жойимга қайтмоқчи эдим, ҳакам унамай, бир қўлимни кўтарганча давра айлантирди ва ким мен билан кураш тушса ўртага бир гилам қўйилишини айтди. Ҳеч ким қимир этмасди. Тўй эгаси гиламдан бошқа бир қўй ҳам етаклаб чиқди. Шундан кейин одамлар қийқиришга тушишди: «Шоймардон! Шоймардон!» Мен аввалига ҳеч нарса тушунмадим. Қарасам, давранинг у чеккасида икки қўлини тиззасига тираб энкайганча бир полвон турибди. Шоймардон шу қишлоқлик эканини, ҳали елкаси ерга тегмаганини билмасдим ўшанда. Бунинг устига вазнимиз ҳам тўғри келмас — кураш қоидасига зид эди. Ажабланиб сизга қараган эдим, «Дадил бўл!», деб имладингиз. О, ўшанда менга қанчалик қудрат берганингизни билсангиз эди... Лекин дастлабки дақиқаданоқ рақибимнинг жуда кучли, тажрибали ва бешафқат эканини сездим. Шоймардон полвон кураш қоидаларига умуман амал қилмас, қўли теккан жойни чангаллаб кўкартирар эди. Ҳакам ва томошабинлар уни тартибга чақириш ўрнига олқишлашар, у мени ҳар гал итқитиб юборганда гувиллаб қарсак чалар эдилар. Лекин мен ҳам ёлғиз эмасдим: орқамда сиз — меҳрибон тоғам бор эдингиз! Вужудим ҳар қанча зирқираб оғриса ҳам сабот билан олишишим керак эди. Шоймардон полвон дзюдо билан маҳаллий курашимизни бир-бирига сингдириб юборгани учун ҳам хавфли эди. Москвалик бир тренернинг «Бундай полвонларни фақат чарчатиб йиқитиш мумкин», деган гапини эсладим. Шунинг учун анчагача давра айланиб, яъни чекиниб ўзимни ҳимоя қилдим. Рақибим чарчаб қолиши билан чаққон ҳаракат қилиб, икки оёғи орасига кириб олдим. У икки сони билан бўйнимни чунонам қисдики, ўлиб қоламан, деб ўйладим. Шунда бор кучимни йиғиб, қарийб юз килограмм келадиган Шоймардонни даст кўтариб ўрнимдан турдим-да, у мувозанатини йўқотиши билан отиб юбордим, сўнг ўзини тутиб олмасидан бориб ерга босдим. Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Полвоннинг ўғли, шогирдлари йиғлаб юборишганини кўриб, ўзим ҳам алланечук бўлиб кетдим. Аммо ҳакам ғирромлик қилди — ғалабани ҳисобламади. Шунда сиз чидаб туролмадингиз: ҳакамни виждонсизликда, Шоймардоннинг ўзини эса ғирромликда айбладингиз. Ниҳоят биз қайтадан кураш тушадиган бўлдик. Ярим соат давомида рақибим қўлидан келган барча ҳунарини ишга солиб кўрди. Лекин унинг заиф томонлари ҳам йўқ эмасди. Тажрибали бўлса ҳамки, тез чарчар ва қувватини қайта тиклаб олиши қийин эди. Шоймардонни обдон толиқтириб, кескин ҳужумга ўтиш олдидан аста сизга қарадим. Сиз қаттиқ ҳаяжонда эдингиз, тоға-

жон. Ҳаяжонингиз менга ҳам ўтди: бирдан ҳужум қилиб, рақибимни маҳкам қисиб олдим. У кутилмаганда икки қўлини юқори кўтарди. Бу унинг таслим бўлгани, иложсиз қолгани эди: қаршисида енгилмас ёшлик турарди. Қўйиб юборишим билан пешанамдан ўпди, азамат. Мен қўйни уйга олиб кетдим. Гилам билан телевизор эса сизники эди. Қўйни ҳам сизга бермоқчи эдим-у, лекин негадир унамадингиз. Ўша қўй эгиз туғди. Диссертация ёқлаган кунингиз албатта биттасини сўямиз. Тузалиб кетганимдан кейин сиз билан яна шундай курашларга борамиз. Ўғлингизга ҳам курашни ўргатаман. Балки кейинчалик республика чемпионатида ҳам бирга қатнашармиз. Ҳар ҳолда сиз доим дилимга қувват бўлиб турасиз-да!

Эзмалик қилганим учун кечиринг, тоғажон.

Хатнинг жавобини интизор бўлиб кутувчи жиянингиз — Содиқжон.

* * *

ХУРМАТЛИ тоғажон! Саломатмисиз, кайфиятларингиз яхшими? Янгам, жиянларим соғ-саломат юришибдими?

Мендан аҳвол сўрасангиз, ҳар қалай, ёмон эмас. Мана, бу ерга келганимга ҳам бир ой бўлиб қолди. Шу бир ой давомида етти килограмм ориқлабман. Лекин врачлар яхши қарашяпти. Операция қилмоқчи бўлишди-ю, яна, ўзи аста-секин тузалиб кетади, деб қилишмади.

Дадам уч марта келиб кетди. Ҳар гал келганида мени кўриб негадир йиғлайди. Палатадагилардан жуда хижолат бўламан. Ўтган гал врачлар билан ҳам жанжаллашиб қолди: ориқлаб кетганимни ўшалардан кўряпти. Мажруҳ ҳоли билан юз километр йўлдан анор, майиз олиб келибди. Кошки мен уларни ея олсам! Дадам қувонсинлар, деб, ёлғондан оғзимга соламан, холос. Аммо узум, анор, сабзи шарбати кераклигини у кишига айтолмадим. Овора бўлишларини ўйладим-да.

Дадам ҳалиги Сергей амаки билан дўстлашиб қолди. Икковлари ҳам Сталинград остонасида ярадор бўлишган экан. Шундан кейин Сергей амаки менга жуда меҳр қўйиб қолди. Мен унамасам ҳамки, қизлари олиб келган майда-чуйдалардан талайини беради. Ҳожи бобо ҳам менга меҳрибон. У кишининг икки ўғли кунора келиб туради. Ҳожи бобо дарҳол ўртага дастурхон ёзиб, ҳаммамизни таклиф қилади. Фақат Владик келмайди. Қолганларимиз бирга овқатланамиз. Мен ҳар қандай овқатдан ҳам бир-икки қошиқ ейман, холос. Ортиқчаси ҳазм бўлмайди. Ўтган куни Ҳожи бобонинг катта ўғли менга ҳам олма, қатиқ олиб келиб берди. Хуллас, ҳаммаси жойида. Аммо бу ерда бир жоҳил аёл бор. Ҳожи бобонинг эски китоб ўқиганини кўриб, «Бу ер мачит эмас!», деб тўнғиллабди. Шифохонадагилар ҳам уни «бетгачопар» дейишаркан. Ҳакимжонга айтай дедим-у, андиша қилдим. Мабодо йўлингиз тушиб, Самарқандга келиб қолсангиз, ўзингиз бош врачга айтарсиз. Сизга қулоқ солишади. Ундан кейин муомалалари ҳам ўзгаради.

Бу ерда одам баъзан зерикади. Ҳожи бобо Саъдийнинг «Гулистон»идан парчалар ўқиб беради. Аммо мен форсчани яхши тушунмайман. Шунда Ҳожи бобо одоб-ахлоқ, одамгарчилик хусусидаги бир-биридан мароқли ҳикоят ва ривоятларни таржима қилиб тушунтиради.

Тоғажон, илтимос, агар китобларингиз орасида Саъдий ёзган «Гулистон» билан «Бўстон»нинг ўзбекчаси бўлса, бирор кишидан бериб юборсангиз.

Владикни кўргани кўп одам келади. Тарбиячиси кунора келиб, дадамга ўхшаб юм-юм йиғлайди. У билан тарбияланган болалар ҳар хил журналлар, китоблар олиб келишади.

Ҳозир ҳеч жойим оғримайди, лекин мадорим йўқ. Ташқарига чиқиб келсам, тинкам қуриб, толиқиб қоламан. Ҳакимжон: «Ҳечқиси йўқ, бир-икки ойда тузалиб қоласиз», деяпти. Мен албатта тузаламан, сиз хафа бўлманг, тоға.

Барча дўстларга саломлар айтишингизни сўраб, Содиқжон.

* * *

ТОҒА!

Сизни безовта қилиб яна хат ёзганим учун кечиринг. Биламан, хат ёзиш ёки бу томонларга келишга сира ҳам вақтингиз йўқ. Аммо мен бекорман. Ҳар куни талай ёр-биродарларимга мактуб ёзаман.

Мендан аҳвол сўрасангиз, унчалик ёмон эмас. Чет элдан келтирилган қандайдир дори билан укол қилишяпти. Жуда оғритса ҳамки, фойдасини сезяпман. Ҳар гал уколдан кейин кўп ўтмай иштаҳам очилгандай бўлади. Лекин Ҳакимжон: «Дори оз қоляпти», деди. Ҳечқиси йўқ, тағин топилар.

Ёдингизда бўлса, аввалги хатларимда Ҳожи бобо ҳақида ёзган эдим. Шу киши оламдан ўтди. Чатоқ бўлди. Ўзим ҳам жуда ўксиб кетдим. Икки оёғи шишиб, ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолган эди. Кечқурун чўмилтиришди, кейин ўрнига олиб келиб ётқиздик. Эрталаб бировнинг ўкириб йиғлашидан уйғониб кетдим. «Во падарам! Во кўҳи баландам, дадажонам!», деб йиғларди у. Кейин Ҳожи бобони олиб кетишди. Ўша куни Владикнинг яқинлари уни ҳам олиб кетишди, Ленинградга олиб бориб даволатишармиш. Сергей амакининг оёғини қандайдир радон билан даволашяпти. Ҳакимжон мени ҳам шу усул билан даволамоқчи.

Тоға! Ҳожи бобомиз ўлимидан илгари бир лўли ҳақида гапирган эди. Ўша лўли мана шунақа касалликларни қандайдир гиёҳлар билан бемалол даволармиш. Ўзи биз курашга борган қишлоқдан пастроқда яшармиш. У бир болани даволаганини Ҳожи бобонинг ўзи кўрган экан. Албатта, сизнинг ишингиз жуда кўп, аммо имкони бўлса, машинангизни бирор кун ўғлингизга берсангиз, мени ўша табибга олиб борарди. Эрталаб кетсак, тушда яна касалхонада бўламан. Ҳакимжон ҳам йўқ демайди. Зора шу билан тузалиб кетсам. Ҳожи бобонинг айтганига қараганда, даволаганидан кейин бир қўй олармиш. Ҳечқиси йўқ, ўша қўзининг биттасини элтиб бераман. (Биттасини сиз диссертация ёқлаган куни сўямиз.)

Шу масалада ёрдамлашиб юборсангиз, яхшилигингизни бир умр эсдан чиқармасдим.

Салом, билан, Содиқжон.

* * *

ХУРМАТЛИ ва меҳрибон дадажон!

Ушбу мактубни ўғлингиз Содиқжондан деб билгайсиз. Шукур, аҳволим ёмон эмас. Баъзи суюқ овқатларни ичиб турибман. Энди деярли ҳеч жойим оғримайди. Палатадаги эски беморлардан бир ўзим қолдим. Ҳалиги Сергей жўрангиз ҳам тузалиб кетди.

Дадажон, маҳалламиздаги Бозор ака бор-ку, ҳалиги савдо идораси мудирининг ўринбосари бўлиб ишлайдиган. Яқинда ана шу одам бир талай майда-чуйда қилиб мени кўргани келди. Жуда яхши одам экан. Бир вақтлар тоғам қандайдир мақоласида шу одамни «жамиятга ёт унсур» деб атаган эди. Мен бўлсам, шунга ишонган эканман. Анча маҳалгача гаплашиб ўтирдик. Сўнг врачларга кириб, менга яхшироқ қарашларини илтимос қилди. Қаердандир узум шарбати ҳам топиб келди. Шу одам хайрлашаётиб: «Нима хизмат бўлса, мен тайёрман», деган эди. Илтимос, ўша кишига бир учрашсангиз. Машинаси билан келиб, мени табибга олиб борса. Кейин ўша ёқдан уйга ўтиб кетаман. Врачлар ҳам энди жавоб беришга рози. Оёғимда шиш пайдо бўлиб, ўрнимдан туришим қийинлашаяпти. Бу ерда мени ташқарига олиб чиқадиган одам йўқ. Негадир уйқум ҳам келмайдиган бўлиб қолган. Кўзим илиниши билан нохуш тушлардан уйғониб кетаман. Яқинда ойимни туш кўрдим. У киши ҳалиги Владикнинг тарбиячисига ўхшаб юм-юм йиғлармиш. Ҳожи бобо эса тоғам билан муштлашиб ётганмиш. Қизиқ тушлар...

Сиз ўксиманг, дадажон, оёқдаги шиш ҳали қайтармиш, мен албатта тузаламан.

Ҳалиги Бозор аканинг олдига бориш эсингиздан чиқмасин. Аммо тоғамга ялина кўрманг. Унинг машинасига мингим келмай қолди. Мен сизнинг ўғлингизман, сиз нафратланадиган ҳар қандай одамдан мен ҳам нафратланаман!

Укаларимни жуда соғиндим. Ҳар қалай, улар энди сизга дастёр бўлиб қолишди. Яна бир-икки йилдан кейин ҳамма ишингизни қўлга олишади. Уларнинг ўқишига кўпроқ эътибор беринг, дада. Иккаласига ҳам айтинг, мен боргунча сизга қарашиб туришсин.

Сизга айтадиган гапларим ҳали жуда кўп, дадажон. Эсон-омон учрашсак, қолганларини бақамти гаплашармиз.

Эҳтиром билан ўғлингиз Содиқжон.

Қизлархон МАМАТҚУЛОВА

* * *

Айланар ер, айланар осмон,
Айланаман мен ҳам чирпирак.
Муҳаббат — бу иқболдан нишон,
Қувончларга дош бергин, юрак!
Айланар ер, айланар осмон,
Айланаман мен ҳам чирпирак.
Оҳ, хиёнат... эмасдир осон,
Аламларга дош бергин, юрак!

* * *

Қора булутларнинг чоки сўкилди,
Аламдан кўз ёши дув-дув тўкилди.
Булутга дўқ уриб момақалдироқ,
Игна, ип ахтариб ёқади чироқ.
Аммо зум ўтмайин ўчди чироғи,
Афтидан чироғин тугади ёғи.
Тунд булут қайгадир сургалар аста,
Севинчдан тоғ, дара чўмилар пастда.

Бувайда

макриз

ЯНГИ АВЛОД УЧУН МАЁҚ

Буюк Ленин Ўрта Осиё халқлари, шунингдек, ўзбек халқи тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик қилди. У Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг ривожини эътибор билан кузатиб, янги ҳаёт учун курашда уларга яқиндан ёрдам берди. Доҳийнинг Ўрта Осиёга юборган сафдошлари ва шогирдлари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак каби атоқли революционерлар Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда бениҳоя катта хизмат қилдилар. Улар Ленин кўрсатмаларини амалга ошириб, маҳаллий миллатларнинг илғор вакиллари орасидан талантли арбоблар етиштиришга муҳим ҳисса қўшдилар.

Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топшириш тантанасида сўзлаган нутқида В. И. Ленин йўлланмаси билан келган партия ва давлат арбоблари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, социализм қуриш учун фаол курашган кишилар ҳақида гапириб бундай деган эди: «Улар ўз ерида янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтиришга, социализмни барқарор этишга астойдил ва зўр ғайрат билан интилаётган халқ оммасига бошчилик қилдилар».

Республика Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти билан биргаликда нашр этаётган «Инқилоб жангчилари» сериясидаги брошюраларда Ленин юборган вакиллар, Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган арбоблар, оташин ленинчи интернационалистлар ҳаёти ва фаолияти ёритилади. 1976—1980 йиллар мобайнида «Инқилоб жангчилари» сериясида ўнга яқин китоб босилиб чиқди.

Фозилжон Исмоиловнинг «Революция амри билан[1]» деган асарида В. И. Ленинниинг махсус топшириғи билан келиб, Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда қизғин иштирок этган партия ва совет давлати арбоби Пётр Алексеевич Кобозевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳикоя қилинади.

Китобчада Кобозевнинг Туркистондаги фаолиятига алоҳида аҳамият берилади. Пётр Алексеевич Тошкентга биринчи бор 1917 йил апрелда Тошкент — Оренбург темир йўли ишчилари орасида ташвиқот ишлари олиб бориш учун Оренбург большевиклари ташкил қилган «Биринчи Май намойиши» агитпоездига раҳбар бўлиб келган эди. 1917 йил 1 Май арафасида агитпоезд Тошкентга келди. Бу Тошкент большевиклари учун катта мадад бўлди. Агитпоезднинг келиши муносабати билан катта митинг бўлди. Митингда Кобозев Тошкент ишчиларига В. И. Ленинниинг апрель тезислари ҳақида, 1 Май бай-

[1] Ф. Исмоилов. Революция амри билан. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1977.

раминиng аҳамияти ҳақида гапириб берди. У ўз нутқини «Йўқолсин муваққат ҳукумат! Йўқолсин капиталист министрлар! Яшасин III Интернационал!» деган шиорлар билан тугатди.

Автор Кобозевнинг Октябрь революциясидан кейин Ленинниng махсус топшириғи билан Тошкент ва Бокуда бўлганлигини қизиқарли фактлар асосида ҳикоя қилади. 1918 йил февраль ойининг бошларида Пётр Алексеевич Ленин ҳузурида бўлади. Шу учрашувдан кейин у Йўл ишлари халқ комиссари қилиб тайинланади ва Бокудан Красноводск ва Тошкент орқали Самарага нефть етказиб бериш ҳақида топшириқ олади. У Владимир Ильичнинг бу топшириғини тўла-тўкис адо этади. Бокудан Туркистон орқали Самарага нефть юборишни ташкил қилади.

Совет ҳукуматининг фавқулодда комиссари сифатида 1918 йилнинг февраль ва апрель ойлари Кобозев Тошкентда фаол иш олиб борди. У Туркистон коммунистлари билан биргаликда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш соҳасида кўп ишлар қилди. Маҳаллий большевикларга ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда ёрдам берди.

Кобозев Тошкентга учинчи марта Ленин ва РКП(б) Марказий Комитети топшириғи билан 1919 йил март — октябрь ойлари Туркистон ишлари бўйича махсус муваққат комиссия аъзоси сифатида келгани, амалга оширган ишлари китобчада атрофлича ёритилади. Пётр Алексеевич Туркистонда партия ташкилотларини ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, Советлар фаолиятини яхшилашга, маҳаллий миллат вакилларини ижтимоий фаолиятга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор берди. Ленинчи коммунистлар партияси вояга етказган бу инсон бутун ҳаётини, куч-ғайратини Ленин ғояларининг тантанаси учун курашга бағишлади.

«Ёш гвардия» нашриёти чиқарган яна бир брошюра КПССнинг ва Совет давлатининг атоқли арбоби Ян Эрнестович Рудзутак ҳаёти ва фаолиятига бағишланган[1]. Рисола автори тарих фанлари кандидати Раъно Ражабова оташин инқилобчининг Туркистондаги фаолиятини республиканинг тарихий воқеалари билан чамбарчас боғланган ҳолда ва янги архив ҳужжатлари, матбуот материаллари асосида чуқур тадқиқ қилади. Асарда Рудзутак ҳаётининг кўпгина қисми Ўрта Осиё халқлари тарихи билан боғлиқлиги, у Ленинниng йўлланмаси билан 1919—1924 йилларда Туркистонга тўрт марта келганлиги ва бу ерда РКП(б) Марказий Комитетининг масъул органларига бошчилик қилганлиги атрофлича кўрсатилади.

РКП(б) Марказий Комитети ва В. И. Ленин Рудзутакни 1919 йил октябрда тузилган Туркистон ишлари бўйича комиссия составига киритишни маъқуллайди. Ян Эрнестович Туркомиссия аъзолари билан бирга ноябрда Тошкентга келади. Автор Рудзутак Туркистон партия ва совет органларига ленинча миллий сиёсатни амалга оширишга ёрдам бериш, Россия меҳнаткашлар оммасининг Туркистон халқлари билан мустаҳкам иттифоқ бўлишини таъминлаш ишларида актив қатнашганлигини кўрсатади. Партия ва совет аппаратини мустаҳкамлаш, марказлаштириш ва қайта қуришда, партия сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан чиниқтириш ва жипслаштиришда, меҳнаткашларни совет қурилишига жалб этишда унинг хизматлари катта бўлди. Рудзутак республикамизда пахтачиликни тиклаш ва юксалтириш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш ва деҳқонларни ер, қишлоқ хўжалик қуроллари, маблағлар, озиқ-овқат, газламалар билан таъминлаш, кустарчилик саноатини ривожлантириш ишига катта эътибор берди.

Автор Рудзутакнинг Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари халқларига ҳам катта ёрдам кўрсатгани ҳақида тўхталади. Атоқли революционер 1921 йили Хоразм Халқ Совет Республикаси Конституцияси лойиҳаси билан танишиб, муҳим ўзгаришлар, қўшимчалар тавсия этади. Бу ёш республикаларни партия ва совет кадрлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият беради. Ян Эрнестович 1923 йилда Бухоро Компартияси Марказий Комитети пленумида қатнашади ва партия миллий сиёсати ҳақида нутқ сўзлайди. Рудзутак раҳбарлигида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилиши амалга оширилди. У Ўрта Осиё республикаларини миллий-давлат чегаралаш ишида фаол иштирок этди.

Тарих фанлари кандидати Комилжон Каримовнинг «Атоқли саркарда»[1] брошюрасида содиқ ленинчи, Коммунистик партиянинг атоқли арбоби, машҳур совет саркардаси, социалистик давлатимиз қуролли кучларини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган Михаил Васильевич Фрунзенинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Бу содиқ ленинчининг Ўрта Осиё республикаларидаги фаолиятига алоҳида аҳамият берилади. М. В. Фрунзе 1919 йили РКП(б) МК қарорига биноан Туркомиссия аъзоси, Туркистон фронти қўмондони қилиб тайинланганлиги, ўлкада оқ гвардиячиларни, босмачиларни узил-кесил тор-мор этиш, ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилганлиги қизиқарли тасвирлаб берилади. М. В. Фрунзенинг маҳаллий аҳоли кенг оммасини совет давлатини бошқаришга актив жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашганлиги, буюк давлатчилик шовинизмига ва маҳаллий миллатчиликка қарши қатъий кураш олиб борганлиги ишонарли кўрсатилади. Муаллиф Хива ва Бухоро меҳнаткашлари хон ва амир зулмига қарши коммунистлар раҳбарлигида қуролли қўзғолон кўтариб, рус пролетариатидан ёрдам сўраганларида, улуғ рус халқи ёрдам қўлини чўзганлиги, М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги Қизил Армия озодлик учун курашга отланган ўзбек халқини қўллаб-қувватлаганлиги ҳақида батафсил тўхталади. Туркистон фронти қўшинларининг Хива ва Бухоро қўзғолончилари кўнгилли отрядлари билан биргаликдаги ҳаракатлари натижасида 1920 йил 1 февралда Хива хонлиги, 2 сентябрда эса Бухоро амирлиги ағдариб ташланганлиги, халқ ҳокимияти ўрнатилганлиги, Хоразм Халқ Совет Республикаси, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинганлиги ҳақидаги саҳифалар айниқса мароқ билан ўқилади. М. В. Фрунзенинг Ўрта Осиё республикаларида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлганини далиллар асосида исботлайди.

Ўзбек халқи, Ўзбекистон партия ташкилоти ўз орасидан инқилобчиларнинг ажойиб авлодини — янги турмуш учун курашчиларни етиштирди. Халқ иши учун, социализм қуриш учун мардонавор курашган бу қаҳрамонлар орасида атоқли партия ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев алоҳида ўрин тутади. Р. Нуруллин, Қ. Ҳасанов, Л. Шек рисоласи Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган[2].

Авторлар Файзулла Хўжаевнинг революциядан олдинги даврдаги фаолияти, Бухоро инқилобини тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этганлиги, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати бошлиғи лавозимида олиб борган ишлари ҳақида ёзадилар. Халқ Нозирлар Советининг раиси Файзулла Хўжаев ўрта аср турмуш тарзи кучи бўлган бир шароитда социалистик ўзгаришларни амалга оширишга бошчилик қилар экан, Ленинниng илгари қолоқ бўлган шарқ мамлакатларида «социализмга анча секинлик, анча оҳисталик ва изчиллик билан ўтиш» ҳақидаги кўрсатмасига тўла амал қилди.

Файзулла Хўжаев Бухоро халқи билан рус халқи ва бошқа совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Файзулла Хўжаевнинг бевосита иштирокида Бухорода босмачиларнинг асосий кучлари тор-мор қилинди, совет, партия органлари фаолияти яхшиланди, меҳнаткашларни депутатларнинг халқ Советлари орқали мамлакатни идора қилишга кенг жалб этиш, дастлабки аграр ислоҳотлар, халқ хўжалигини тиклаш, турмуш маданиятини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашишини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРни ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди.

Рисолада Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925—1937 йиллар) сифатидаги фаолиятига катта ўрин берилган. У республика ҳукумати бошлиғи сифатида хўжалик ва маданий қурилиш билан мунтазам шуғулланди. Ўлкани иқтисодий ва маданий қолоқликдан чиқариш ҳамда совет Шарқининг илғор республикасига айлантиришда жонбозлик кўрсатди. Индустрлаштириш, коллективлаштириш ва маданий инқилоб унинг диққат марказида бўлди. Республикада пахтачиликни ривожлантиришга мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлашга кўп куч ва ғайрат сарфлади. Файзулла Хўжаевнинг номи миннатдор халқ хотирасида абадий сақланиб қолди.

Инқилоб жангчиларининг шонли ҳаёти, уларнинг революцион курашининг анъаналари, Владимир Ильич Ленин сўзлари билан айтганда: «Курашчиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришда маёқ бўлиши лозим». Оташин революционерлар, содиқ ленинчи ва интернационалистлар кўрсатган ўлмас қаҳрамонликлар Коммунистик партияга, жонажон халқимизга, социалистик Ватанга бўлган чексиз муҳаббатнинг илҳомбахш намунасидир. «Ёш гвардия» нашриёти Ленин анъаналари руҳида тарбияланган, халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган атоқли партия ва давлат арбоби Султон Сегизбоев, Ўзбекистонда Ленин ғоялари тантанаси учун ўзининг бутун онгли ҳаётини, юрак қўрини бағишлаган, социализм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ажойиб революционер Тошпўлат Ўрозбоев, хотин-қизлар озодлиги йўлида олиб борилган курашнинг моҳир ташкилотчиларидан бўлмиш Тожихон Шодиева, 1935—1938 йиллар давомида Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати қошидаги доимий вакили бўлиб турган, узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаб, Ўзбекистонда партия, совет ташкилотларининг, ишлаб чиқариш корхоналарининг ишини яхшилашда ҳам катта хизмат қилган Жаҳон Обидова, Ленин йўлланмаси билан Ўзбекистонга келиб, хотин-қизлар озодлиги учун курашган, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишида жонбозлик кўрсатган давлат ва жамоат арбоби Серафима Тимофеевна Любимова, Узбекистонда социализм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган партия ва давлат арбоби, 1931—1937 йилларда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган Исроил Ортиқов каби социализм иши учун оташин курашчиларнинг жўшқин ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига бағишланган рисолаларни босиб чиқаргани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Иброҳим АЛИМОВ,
тарих фанлари кандидати

---

[1] Р. Раджапова. Ян Рудзутак. Издательство ЦК ЛКСМ Узбекистана «Ёш гвардия», Тошкент — 1976.

[1] К. Каримов. Атоқли саркарда. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980.

[2] Р. Нуруллин, Қ. Ҳасанов, Л. Шек. Файзулла Хўжаев. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти», Тошкент — 1977.

ЖУРНАЛИСТ-ТАНҚИДЧИ НИГОҲИ

«Мунаққиднинг биринчи китоби» сериясида нашр этилган «Теран томирлар»[1] китобининг муаллифи Маҳмуд Саъдий салкам йигирма йилдан бери адабий-илмий ҳаёт қўйнида нафас олади. Ёдимда, у Тошкент Давлат университети филология факультетида ўқиб юрган кезларидаёқ қаерда адабий йиғин, баҳс-мунозара бўлса, ўша ерда ҳозиру нозир эди; университетни тугатгач, у ўзини яхшигина журналист-танқидчи сифатида кўрсатди, тажрибали устозлар тарбиясида синчков муҳаррир бўлиб етишди.

Муҳаррирлик — ўзига хос санъат. Биз, одатда, газета ёки журналда босилиб чиққан яхши бадиий асар ёки илмий-адабий мақолани ўқиб, унинг муаллифига тасанно айтамиз-у, лекин бундай материални уюштириб, таҳрир этиб, китобхонга манзур бўладиган даражага етказишда катта меҳнати сингган муҳаррирни баъзан эсдан чиқариб қўямиз. Тўғри, қош қўяман деб кўз чиқарган уқувсиз муҳаррирлар ҳам бор. Синчков, тажрибали муҳаррир билан ишлаш эса ижодкор учун катта бахт. Маҳмуд Саъдий — устоз кўрган муҳаррирлик бобида анча суяги қотган, муҳаррирликнинг машаққатли меҳнатидан сира эринмайдиган бир одам. У ўзининг жуда кўп вақтини материал уюштиришга сарфлайди. Кўпинча у кичик бир мақолани тайёрлаш учун ўнлаб илмий-адабий асарларни кўриб чиқади. Унинг танқидчилигини журналистик фаолиятининг давоми дейиш мумкин.

«Теран томирлар»— аввало журналист-танқидчининг китоби; Беруний мукофоти лауреати Озод Шарафиддинов Маҳмуд Саъдий тўпламига хос бу хусусиятни таъкидлади, ўзига хос фазилатлари ва айрим камчиликларини одилона кўрсатиб ўтди. Таниқли танқидчининг фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда китобнинг яна баъзи эътиборга сазовор жиҳатлари ҳақида сўзлаш мумкин.

Сир эмас, юбилей ва муҳим саналар муносабати билан шунчаки расмият учун — қўл учида ёзилган, ҳаттоки ким ёзганини билиб бўлмайдиган мақолаларга тез-тез дуч келиб турамиз. «Теран томирлар» тўпламидан жой олган юбилей мақолалари, чунончи, М. В. Ломоносов, И. А. Крилов ижодига бағишланган ишлар ўшандай «мақола»лардан кескин фарқ қилади. Улар — чуқур ихлос, ижодий меҳнат, изланиш самаралари. Бу мақолаларда Маҳмуд Саъдийнинг ўз дастхати яққол кўриниб туради, яъни танқидчи кўнглига тугиб юрган гапларини юбилей баҳонасида айтиб олишга интилган. Муаллиф қардош халқларнинг улкан адиблари ёки фан, санъат, адабиётнинг муҳим ёдгорликлари ҳақида ёзар экан, аввало улар ҳақида умумлаштирувчи лўнда маълумот беради, айни пайтда, тадқиқот объектининг ўзбек китобхони учун ниҳоятда қадрли томонларига эътиборни тортади.

«Фидойи» мақоласида муаллиф М. В. Ломоносовнинг бадиий ижоди, хусусан, шеърияти ҳақида анча батафсил тўхталади, мўътабар манбалар, муайян мисоллар воситасида Ломоносовнинг рус адабиёти тараққиётида тутган мавқеини аниқ кўрсатишга интилади; шу билан баробар, бу улкан аллома ижодининг Шарқ билан алоқадор жиҳатларини таъкидлайди, Шарқ мавзуида яратилган «Тамара ва Салим» трагедиясини, Шарқ нақллари асосида ёзилган бир неча масалларини эслатади.

«Рус масалчилигининг отаси» мақоласида И. А. Крилов асарлари мисолида Ғарб билан Шарқ орасидаги адабий алоқалар хусусида батафсилроқ фикр юритади, зотан, Крилов ижоди бунинг учун бой манбадир. Крилов масалларида Шарқ мотиви ёки Шарқ адабиётига хос руҳ жуда кучли. Муаллиф бу ҳодисанинг сарчашмаларига ишора қилади. Шунингдек, улкан адибнинг ўз даврида жуда зўр шуҳрат қозонган, бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган «Ойимтиллалар дўкони», «Қизғиналарга сабоқ» комедияларини — хусусан, кейинги асарни батафсил таҳлил этиб, унинг туб ғоявий-бадиий моҳиятини кўрсатиб беради. Мақолада айтилганидек, «Қизғиналарга сабоқ» яратилган даврда — XIX аср бошларида рус дворянлари орасида чет эл расм-русумларига кўр-кўрона тақлид, Европага хос жами яхши-ёмон нарсага бирдек сажда қилиш ҳаддан ташқари авжга миниб, кўпчилик аслзодалар аллақачонлар ўз она тиллари — рус тилидан, рус одатларидан нафратланадиган бўлиб қолган эдилар. Мамлакатга тўлиб кетган муҳожирларнинг аксарияти эса ўз ватанига сиғмаган бетайинлардан иборат эди. Бошқалардан ортда қолишни ор билган «маданий» ота-оналар ўйлаб-нетиб ўтирмай фарзандларини ана шу «тарбиячи»лар ихтиёрига топширар эдилар. Улар эса, болаларини, энг аввало, рус тилидан, русларга хос нимаики бўлса — ҳаммасидан ҳазар қилишга ўргатардилар. Шунинг оқибатида ёш қизлар рус тилида сўзлашишдан, ашула айтишдан ор қилар, ўсмирлар эса, ўзларини чет эллик чоғлаб, рус тилида эмас, француз тилида гапирар эдилар: чинакам ватанпарвар Криловнинг «Қизғиналарга сабоқ» комедияси ана шундай жуда хавфли иллатга қарши ўт очган эди.

«И. А. Крилов ижодга ҳамиша улкан маъсулият ҳисси билан қарар эди,— деб ёзади муаллиф.— У ҳар бир асарини қиёмига етмагунча қайта-қайта ишлашдан эринмас, энг муҳими, юрагини «жиз» эттирмаган, халққа фойда келтирмайдиган бўлар-бўлмас гапни асарга олиб киравермас эди. Буни тушуниб етмаган баъзи замондошлари санъаткорни жуда секин ишлашда айблаганларида у: «Одамларнинг ғашига тегадиган даражада кўп ёзиб: «Нега бу одам ҳадеб ёзаверади?», деган гапни эшитишдан кўра, «Нега у ёзмаяпти?», деб сўрашларини афзал биламан», дер эди. Дарҳақиқат, Крилов ижодининг кейинги даврларида оз ёзган бўлса-да, соз ёзган эди. Бунинг далили — санъаткорнинг сўнгги йилларда яратган ва масалларининг гултожлари сифатида тан олинган «Тўра», «Ғозлар», «Деҳқон ва қўй», «Балиқлар рақси» каби асарлар. Улкан адибдаги бу фазилат ҳозирги кундаги кўпгина қаламкашлар учун ҳам ғоят ибратлидир».

Танқидчи шу тариқа Крилов ижодий принципига хос айрим ибратли томонлардан хулоса чиқаришга интилади.

Китобга Маҳастий-Маҳсатий Ганжавий, Дилшод-Барно Ҳўқандий каби улуғ шоиралар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров ижодига бағишланган мақолалар ҳам киритилган.

Аммо бу ўринда муаллиф уюштирган суҳбатлар ҳақида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Маълумки, суҳбат жанри ўзбек журналистикаси ва танқидчилигида кейинги йилларда анчагина жонланиб қолди; пухта ўйлаб, яхши ташкил этилган, бугунги адабий жараён талаблари даражасида олиб борилган суҳбатлар жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотмоқда, китобхонларда яхши таассурот қолдирмоқда. Маҳмуд Саъдий ҳам шу соҳада қалам тебратиб хайрли иш қилмоқда.

Муаллифнинг ўзбек социалистик маданиятининг порлоқ юлдузларидан бири, атоқли аллома Иброҳим Мўминов билан 1971 йили «Ўзбек Совет Энциклопедияси»нинг I жилди нашрдан чиқиши муносабати билан қилган суҳбати қисқагина бўлишига қарамай, кўп нарса ҳақида маълумот беради; айни пайтда улкан олимнинг инсоний-маънавий қиёфасини ҳам маълум даражада тасаввур этиш имкониятини яратади.

1976 йилнинг октябрида Ўзбекистонда ўтказилган РСФСР адабиёти ва санъати кунларида Расул Ҳамзатов ва Қайсин Қулиев билан олиб борилган суҳбатлар, ҳар икки улкан шоирнинг республикамиз ҳаёти, ўзбек маданияти ва адабиёти, адабиётимизнинг алоҳида вакиллари хусусида айтган фикр-мулоҳазалари ҳар бир ўзбек китобхони учун ниҳоятда азиздир. Биргина мисол. Қайсин Қулиев суҳбатда, жумладан, шундай дейди:

«Ўзбек совет адабиётида ўзига хос шеърият яратган шоирлар кўп. Шулардан бири дўстим Шукруллодир. Шукруллони ажойиб шоир сифатида ҳам, софдил инсон сифатида ҳам севаман. Унинг шеърияти ғоят ўзига хос. У оз ёзса ҳам, соз ёзади, пухта ёзади. Ёшлардан Абдулла Ориповга меҳрим, ихлосим бошқача. Менингча, Абдулла ўз тенгдошлари орасида энг бақуввати. Дантенинг «Илоҳий комедия»сидек буюк асарни таржима қилишга унча-мунча шоир журъат қилолмайди, ахир! Бу — катта жасорат. Тўғри, таржима Абдулланинг ўз ижодига халақит берди. Мен Абдулла билан саккиз йил бурун ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ семинарида учрашганман. У менинг семинаримга тасодифан кириб қолди. Ёш шоирнинг шеърлари қалбимни алғов-далғов қилиб юборди. (Абдулланинг шеърларини ўзбек тилида ўқиган эдим.) Абдулла Ориповни ўзимиз учун ана шундай кашф этдик. Сўнгра мен Александр Твардовский ҳузурига Абдулланинг шеърларини кўтариб бордим. Шеърлар Александр Трифоновичга маъқул бўлди. У Абдулла ҳақидаги фикрларимга қўшилди ва «Новый мир»да шоир шеърларини эълон қилажагини айтди. Твардовскийдек улкан сўз санъаткорига шеърларининг маъқул бўлиши Абдулла Орипов учун ҳам, ўзбек адабиёти учун ҳам қувончли ҳодиса эди. Абдулла — катта истеъдод. У адабиётга ҳали зўр асарлар беришига ишонаман...»

Ана шундай сатрларни ўқиганда, шу сўзларни айтган алломадан ҳам, шундай муҳим фикрларни ёзиб олган суҳбат муаллифидан ҳам мамнун бўлади киши.

Хуллас, адабий танқид билан журналистика бир бирига ёт соҳалар эмас, бу икки соҳанинг туташувидан адабий-бадиий тафаккур ривожи учун фойдали ишлар майдонга келавериши мумкин. «Теран томирлар» китобининг қатор фазилатлари бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Тилак ЖЎРА

* * *

Балки кўнгли оғриниб,
Балки ёниб юраги
Чопиб келди болакай,
Тўлқин уриб тилаги.

Остонада юлдуздай
Ичкарига мўлтираб,
Офтоби йўқ кундуздай,
Кўнгли ўксиб ўлтирар.

Остонадан бир қадам,
Ҳатламоққа йўқ журъат.
Ичкарида тунд, беғам,
Катталар қурар суҳбат.

Ҳасратини айтолмай,
Айтолмайин севинчин;
Остонада болакай
Тишлаб турар ўкинчин...

Озодлик

Поль Элюарга

Қоронғу кулбада
ниш урган майса,
сомондай сарғайиб,
титраб;
югуриб бормоқда —
васса остидаги
туйнукка қараб...

Чорраҳадаги уй

Дунёнинг қувончини қучиб,
Дунёнинг ҳасратини ичиб,
Чорраҳада турар битта уй,
Нафасимдан титраб ва чўчиб!

* * *

Агар ой бўлсанг ҳам кўчамдан
ўтма!

---

[1] Маҳмуд Саъдий. Теран томирлар. Адабий-танқидий мақолалар ва суҳбатлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

НАЗМАЙДАК

ИМТИҲОНЛАР ОЛДИДАН

Бир кечанинг минг бир китоби...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

— Исмингиз Мирзоми, Мирзами!
— Аҳмедов Мирзо, домла.
— Нега куласиз!
— Биринчи саволингизга яхши жавоб берганимдан севиниб кетдим.

— Шаҳарда сартарошхона йўқми, ўғлим!



Янгича тортишмачоқ.

— Мен томонда ўтира қолинглар.

Пародия

«Етиб келди
Ҳалима.
Омон билан
Салима.
Умар билан
Бойтемир.
Қайда қолди
Тоштемир?..»

Робиддин
Исҳоқовнинг
«Данак» шеъридан.

Шеър ёзмоқчи
Бўлсанг, ука,
Юрак ўйнаб
Така-пука,
Излаб юрма
«Запчасть»— шуруп.
Қаламни шарт
Қайраб туриб,
Қўни-қўшни
Болаларни,
Боқчадаги
Лолаларни,

Феъл қофия,
Исм билан,
Шу эҳтиёт
Қисм билан —
Ёзиб чиқсанг,
Салим, Сайёр,
Беш минутда
Асар тайёр!..

Т. АДАШБОЕВ
Ўш

ШАХ МАТ

Донога зафар ёр

Шахмат назариясини пухта билиш муваффақият гаровидир. Редакциямизга келган жуда кўп хатларда журналхонларимиз шахмат назариясига бағишланган мақолаларни ҳам ўқиш орзусида эканликларини изҳор этадилар. Шунинг учун бу гал назарияни амалиёт билан уйғунлаштира билган шахматчи муваффақият қозониши табиий ҳодиса эканини кўрсатувчи мисоллар келтирамиз. Бу мисоллар билан танишиш ўйин плани тузишда қўл келиши мумкин.

Шахмат ўйини уч босқичдан: дебют, миттельшпиль ва эндшпилдан иборатдир. Дебют ва эндшпиллар нисбатан дуруст таҳлил қилинган бўлиб, ўйин ўртаси — миттельшпиль бу борада энг қийин босқич ҳисобланади. Миттельшпиль ҳар иккала томоннинг ҳаракатдаги кучларининг кўплиги билан характерланади. Шахмат ўйинининг бу қисмига шоҳларнинг суст ҳолати ва кучлар жойлашган нуқталарда доимий хавф-хатар пайдо бўлиши ҳам хосдир. Ягона мақсад билан боғлиқ хавфларнинг туғилиши ҳужумни билдиради, унинг объекти эса кўпинча шоҳларнинг позицияси бўлади. Эндшпилдан фарқли ўлароқ, миттельшпилда шоҳлар фаол роль ўйнайди. Худди мана шу узил-кесил тафовут — шоҳлар ролининг ўзгариши эндшпиль билан миттельшпилни ажратиб туради. Бинобарин, миттельшпилдаги кураш шахмат ўйини ижодий мазмунини тўлароқ ва яққолроқ акс эттиради.

Албатта, дебют билан миттельшпиль ўртасида узвий алоқа бўлиши лозим. Дебютда фақатгина сипоҳларни ўйинга чиқармай, уларни қулай жойлаштириш керак. Бошқача айтганда, миттельшпиль планлари ўйиннинг дебют линиясини мантиқан давом эттириши лозим.

Энди ана шу ўйин плани ҳақида сўзлаймиз.

Ҳаракат планини тузиш ва амалга ошириш шахмат кураши жараёнида бош вазифа ҳисобланади, албатта. Яхши ўйланган ва мақсадга мувофиқ амалга оширилган план муваффақият

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

калитидир. Табиийки, мақсадни амалга ошириш йўлини режа тузаётгандаёқ белгилаш зарур. Чунки бир томон тузган режа иккинчи кишининг иродаси ва фикри билан тўқнашади. Баъзан рақибнинг қарши ҳаракатлари режани ўзгартиришга ва ҳатто ҳимояга ўтишга мажбур этади. Лекин, ҳар қалай, бундай нисбийликдан қатъий назар план тузмасдан ва унга таянмасдан, ўйинни давом эттириш маҳол.

Оддий мисолларда планни тасаввур этиш учун, эндшпилларга хос иккита позицияни кўриб чиқамиз.



Юриш оқлардан. Уларнинг позицияси яхшироқ. Чунки улар h4 даги пиёдани осонгина ютиб оладилар.

Энди оқларнинг плани қуйидагича бўлиши керак: биринчи босқич h4 даги пиёдани олишдир; иккинчи босқичда оқлар шоҳини a6 пиёдаси томон йўналтиради ва рақиб шоҳининг фарзин қанотидан ажраб қолганидан фойдаланади; охири оқлар «а» пиёдасини фарзинга чиқариб ютади.

Шундай қилиб, 1. Крe4—f4.

Қоралар икки хил мудофаа планига эга. Бири шоҳни a5 пиёдаси томон юриб, уни ютиб олиш ва а пиёдасини фарзинга чиқаришга интилишдан иборатдир. Иккинчиси эса оқларнинг h3 пиёдасига ҳужум қилишидир. Бу ҳолда оқ шоҳ фарзин қаноти томон юриши керак бўлади. Биринчи пландан дарҳол воз кечишга тўғри келади, чунки оқ пиёда h8 га қоралардан кўра (a1 га) тезроқ етиб боради. Демак, иккинчи план маъқулроқ.

1... Крe6—f6 2. Крf4—g4 Крf6—g6 3. Крg4 h4 Крg6—h6 4. Крh4—g4 Крh6—g6 5. Крg4—f4 Крg6—h5 6. Крf4—e4 Крh5—h4 7. Крe4—d5 Крh4 h3 8. Крd5—c6 Крh3—g4 9. Крc5—b6 Крg4—f5. 10. Крb6 a6 Крf5—e6 11. Кра6—b7 ва оқ пиёда тўппа-тўғри фарзинга чиқиб кетади.



Бу ҳолатда оқларнинг позицияси янада яхшироқ. Уларнинг ортиқ пиёдасининг йўли очиқ. Ўйин плани аниқдек: мақсади ўша пиёдасини бериб, g7 га ўтиб олишдир. Бироқ эндшпиллар назариясидан маълумки, кучсиз томон пиёдасини бериб, рақиб шоҳини пот ҳолатига тушириб қўяди ва дуранг қилади. Диаграммадаги позиция ҳам худди шу хилдаги вазиятлардан биридир.

1. e4—e5 Крe6—e7 2. Крd4—d5 Крe7—d7 3. e5—e6 + Крd7—e8 4. Крd5—e5 Крe8—e7 5. Крe5—d5 Крe7—e8 6. Крd5—d4 Крe8—d8 Крd4—e4 Крd8—e8 8. Крe4—d5 Крe8—e7. (Агар 8... Крd8 бўлса, 9. Крd6 ва пиёда фарзинга чиқиб кетади.) 9. Крd5—e5 Крe7—e8 10. Крe5—f6. (Планнинг биринчи босқичи бажарилди: шоҳ f6 га ўтиб олди.) 10... Крe8—f8 11. e6—e7+ +Крf8—e8 12. Крf6—g7. (Иккинчи вазифа ҳам ечилгандек, лекин...) 12... Крe8—e7 13. Крg7—h7 Крe7—f7 14. Крh7—h8 Крf7—f8 15. h6—h7 Крf8—f7. Пот бўлди. Қораларнинг ҳимояланиш планида ажойиб ресурс топилиши оқларга ютиш имконини бермади.

Кўп кучлар ҳаракат қиладиган босқич — миттельшпилга хос позицияларда ўйин жуда мураккаблашиб кетади. Ҳимояланувчи томон анча қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Демак, ҳужум қилаётган томон ҳам кўплаб мақсадлар, уларни амалга ошириш йўллари орасидан яхшисини танлаб олиши керак. Бу эса позицияларга тўғри баҳо бера билишни талаб этади.



КРОССВОРД

Энига: 5. Кун. 6. Алоқа воситаси. 8. Махлуқ. 11. Республика пойтахти. 12. Кураш майдони. 13. Оптик генератор. 15. Африкадаги давлат. 17. Ҳиндистондаги шаҳар. 20. Ҳайвон. 21. Идиш. 22. Судралиб юрувчилар туркуми. 23. Халқ куйи. 25. Ютуқ ҳисоби. 27. Классик шоира. 30. Орзу. 32. Мамлакатимиз шарқидаги орол. 33. Оромгоҳ. 34. Шиша. 35. Сув йўли. 38. Классик куй ва ашулалар туркуми. 39. Бўёқ.

Бўйига: 1. Дарахт. 2. Исм. 3. Хушбўй модда. 4. Суворий. 7. Деҳқончилик қуроли. 8. «Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони. 9. Дурадгорлик асбоби. 10. Мева. 14. Таом ҳуруши. 15. Сувчи. 16. Рўзғор буюми. 18. Оғирлик бирлиги. 19. Насл-насаб. 24. АҚШдаги штат. 26. Совет қутбчи радисти. 28. Минерал. 29. Қуш. 30. Халқ спорти. 31. Ой. 36. Автомобиль қисми. 37. Дунё.

Тузувчи **П. ШАРИПОВ**

Жиззах

3-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 6. «Гулихиромон». 9. Ангишвона. 10. Тимирязов. 16. Лирика. 18. Портрет. 19. Крилов. 20. Мерос. 21. Соқийнома. 22. Топология. 23. Хурмо. 27. Сичқон. 28. Антоним. 29. Теннис. 32. Саргузашт. 34. Бешбармоқ. 37. Фахриддинов.

Бўйига: 1. Штурвал. 2. Фаолият. 3. Лион. 4. Гоби. 5. Негатив. 7. Ит. 8. Низомий. 11. Мотор. 12. Гилкорлик. 13. Босмахона. 14. Текстолит. 15. Подшипник. 17. Апеннин. 19. Каромат. 24. Рионн 25. «Оқсарой». 26. Анжуман. 30. Газлама. 31. Рубцова. 33. Шўра. 35. «Етим». 36. Уд.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. И. Ленин — буюк раҳнамо.

А. ЖДАНОВ фотокомпозицияси.

Учинчи бет: Тошкент Давлат хореография билим юртининг ташкил этилганига бу йил 50 йил тўлади. Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Тургунбоева, Розия Каримова, Нина Довгели синғари атоқли санъаткорлар ўрта Осиёда ягона бўлган рақс мактабининг асосчилари, дастлабки мураббийлари эдилар. Республикамизнинг машҳур рақс усталаридан Галия Измайлова, Қундуз Миркаримова, Клара Юсупова, Нина Самсонова, Мира Шерова ўз вақтида ана шу билим юртида таҳсил кўрган эдилар. Суратларда: 1. Рақс муаллимаси **В. П. Мей** талабалар билан машғулот ўтказмоқда. 2. Ёш раққослар муаллима **И. Оллонурова** раҳбарлигида классик рақс сирларини ўрганаётирлар. 3. Муаллима **О. Соатова** машғулот пайтида ҳар бир талабанинг ҳаракатини синчиклаб кузатади. 4. Концертмейстер **В. Вайсман** ёш талабаларни янги ўрганиладиган рақс куйи билан таништирмоқда. 5. Тенгдошлар маҳорати чексиз завқ бағишлайди. 6. Булар тез кунда билим юртини тугаллаб, санъат даргоҳларига йўлланма оладилар.

А. ГЕРАСИМОВ фотолари

Тўртинчи бет: Тошкент шаҳридаги 3-маданият уйида ишлаб турган «Баёт» вокал-хореография ансамбли ўтган йили Польша Халқ Республикасида бўлган Жаҳон халқларининг фольклор санъати фестивалида иштирок этиб, «Гулла, яшна ҳур Ўзбекистон» театрлашган адабий-бадиий композицияси учун фестиваль лауреатлигига сазовор бўлди. Суратларда: 1. Ансамбль чолғучилари. 2. Раққосалар бухороча рақс ижро этмоқдалар. 3. Ансамблнинг бадиий раҳбари **Азим Азизов** санъаткорлар билан янги репертуар режалари хусусида суҳбатлашмоқда. 4. Рақс санъатида юксак парвозларни эгаллаш — **Мая Мирзаева, Ҳалима Низомова, Зуҳра Ашурхўжаева**нинг эзгу орзу-ниятидир. Ўнгдаги суратда: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, истеъдодли ёш композитор **Дилором Сайдаминова.**

Ж. ТУРАЕВ ва **Б. МИЗРОХИН** фотолари

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ. Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исломиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ИУЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59: адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 23.02.81 й. Босишга рухсат этилди 23.03.81 й. Р — 02871. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267190. Буюртма 209. Нашр А — 111.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

1

2

3

4



ISSN 0134—2207
Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233

1

2

3

4